

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ



0117C3/2

ТОШКЕНТ - 2008

Таълимнинг турли босқичларида адабиёт туркумидаги бир қатор фанлар ўқитилади. Шунга қарамай уларнинг ҳар бирида ўзига хосликлар оз эмас. Масалан, қадимги туркий адабиёт билан мумтоз адабиётни, ҳалқ оғзаки ижодига мансуб асарлар билан замонавий адабиётни бир хил шакл ва усуулларда ўрганиш мумкин эмас. Мазкур китобда айни шу масалалар ҳақида баҳс юритилган. У магистратура босқичининг «Ўзбек адабиёти» мутахассислигига мўлжалланган. Китобдан тил ва адабиёт ўқитувчилари, бакалавр босқичидаги талабалар, шунингдек, аспирант ва тадқиқотчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Х. Ҳомидов**

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор **Н. Раҳмонов**

филология фанлари номзоди **Р.Баракаев**

Ушбу услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий
кенгashi томонидан нашрга тавсия этилган (2007 йил, 28 июнь,
12-сонли баённома)

Адабиётшуносликка оид маҳсус фанларни таълимнинг турли тизимида ўқитишнинг хусусиятлари Курснинг максад ва вазифалари.

Махсус фанларни ўқитиши методикаси курси магистратура босқичидаги талабаларга – бўлажак адабиёт ўқитувчилари ва шу соҳанинг тадқиқотчиларига мўлжалланган бўлиб, уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларга айрим адабиётшунослик фанларининг ўқитилишига оид илмий-методик тасаввурлар бериш, бунда уларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш, адабиёт ўқитишдаги ранг-баранг шакл ва усуллар билан таништириб, уларни мустақил илмий-педагогик фаолиятга йўналтиришни кўзда тутади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касб сирларини эгаллаш, касбий маҳорат хосил қилиш ва такомиллаштиришларида ҳар бир предметнинг ўзига хос хусусиятларини теран ўрганиш ва ўзлаштириш баробарида улар орасидаги предметлараро алоқалар моҳиятини билиши ва ўқитишда уларни эътиборда тутиши ҳам муҳимдир. Бу ерда гуманитар йўналишдаги барча фанлар, адабиётшунослик туркумидаги бир қатор ўқув предметлари, психологик, педагогик, шунингдек, умумфилологик йўналишдаги фанлар назарда тутилади.

Методист олимлар О.Ю. Богданова, С.А. Леонов, В.Ф. Чертовларнинг кўрсатишича: «М.А.Рибникова ҳар доим дидактик тадқиқотлар кўрсаткичларига таяниб иш тутган. Методиканинг асослари ҳақида гапириб туриб, у тўртта асосий дидактик қоидани қайд этади: таълим (ўқитиши) ўқувчиларнинг хиссий қабул қилишларининг турли томонларига таъсир қилиши керак; ўқувчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани аниқ тасаввур этишлари шарт; методистнинг маҳорати – мураккабни соддада, янгини таниш нарсаларда кўрсатиб беришдан иборат; дедукцияни индукция билан бирлаштириш муҳимдир. Рибникованинг методик тизимида асосий эътибор жонли сўзнинг тингловчига, ўқувчига таъсирига қаратилган»¹.

Махсус фанларни ўқитиши методикаси фани бўлажак тил ва адабиёт ўқитувчиларини ўз соҳаларидаги бир қатор фан асосларини ўқувчиларга етказиш методикаси устида баҳс юритади. Маълумки, таълимнинг турли босқичларида адабиётга оид бир қатор фанлар ўрганилади. Умумий ўрта таълим мактабларида бу асосан «Адабиёт» дарслари бўлса, академик лицейлар ва касб-

¹ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы: Учебник. С. 5.

хунар коллежларида «Адабиёт», «Халқ оғзаки ижоди», «Адабиёт коидалари»дан изборатдир. Олий таълимда бу рўйхат янада кенгайган ҳолда кўринади. Биз бакалавриат босқичидаги ўқув режасини кузатиб бунга ишонч хосил килишимиз мумкин.

Кейинги машгулотларда бу хақда маҳсус тўхтаб ўтишни режалаштирганимиз учун бу ерда айрим фанларнинг ўзига хосликлари устидагина мулоҳаза юритиш билан чекланамиз. Энг аввало, соҳага бевосита алоқадор бўлган тушунча ва атамалар устида тўхташ тақозо этилади.

1) Биз айрим фанларнинг атамалари, тушунчалари билан уларни ўқитиш методикаси фани орасидаги боғланишлардан келиб чиқишимиз керак. Шунга кўра бу ерда *образ, персонаж, образлиқ, масвир воситаси, сюжет, композиция* сингари бевосита адабиёт назариясига оид тушунчаларга ҳам, *адабиёт тарихи, айрим жсанларнинг шаклланиши ва ривожси, давр ва ижодкор* сингари адабиёт тарихи ва унинг ривожланишига оид жараёнлар билан боғлиқ атамаларга ҳам, шунингдек, *бадиий асарни таҳлил қилиши, методлар маснифи, бадиий асар тилини таҳлил қилишининг ўзига хосликлари, асарни жсанлар тизимига (ёки образлар таркибиغا)* кўра таҳлил қилиши сингари соғ методик атамаларга ҳам мурожаат этамиз. Албаттa, улар пайдо бўлиш манбасига кўра алоҳида-алоҳида гурӯхларни ташкил этиши мумкин¹.

Биринчи туркумга педагогика, унинг алоҳида қисмлари: дидактика ва тарбия назариясидан, шунингдек, педагогик психологиядан ўтган атамалар киради. Иккинчи туркумга эса бевосита адабиётшуннослик йўналишидаги фанлардан, психолингвистикадан ўтган атама ва тушунчалар мансубдир. Охирги туркумга бевосита ўқитиш, тарбия бериш жараёни билан алоқадор бўлган тушунча ва атамалар даҳлдор. Умуман, методика фанининг умумий ва хусусий кўришишларга эгалигини таъкидлаш ўринли бўлади. Умумий методика педагогиканинг таркибий қисми сифатида таълим ва тарбиянинг умумий қонуниятлари, барча фанларда бир хилда қўлланиши мумкин бўлган таълим шакллари ва усуслари ҳақида, умумий тарбияшуннослик ҳақида яхлит фикрларга таянади. Хусусий методика эса ҳар бир фаннинг ўзига хосликларини мумкин даражада эътиборга олиш билан улардан фарқланади. Масалан, умумий педагогикада таълимнинг мақсади ҳақида гапириш мумкин бўлса, алоҳида олинган фан, жумладан, адабиёт ўқитиш

¹ 2:23 Қаранг: Лъянов М.Р. Словарь-справочник по методике русского языка. М.: Просвещение. 1988, с. 5.

методикасида адабий асарни ўрганишнинг мақсади, алоҳида олинган бир адебининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мақсади ҳақида гапириш мумкин.

Шунга ўхаш, дидактикада таълимнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида умумий тарзда фикр юритиладиган бўлса, методика илмида бу аниқлаштирилиб, лирик асарларнинг тарбиявий аҳамияти, эпик асарларнинг тарбиявий аҳамияти, «Девону лугот ит-турк» даги айрим қўшиқларнинг тарбиявий аҳамияти, «Шер билан Дуррож» масалининг тарбиявий аҳамияти, «Кеча ва кундуз» романининг тарбиявий аҳамияти, «Абулфайзхон» драмасининг тарбиявий аҳамияти, Бобур образининг тарбиявий аҳамияти, табиат образининг тарбиявий аҳамияти, Мажнун образининг тарбиявий аҳамияти, «Ўзбекистон» шеърининг тарбиявий аҳамияти тарзида шакллантирилиши мумкин.

Олий таълимнинг бакалавриат босқичидаги «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси» соф назарий йўналишга эга. «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиёт тарихи», «Адабий танқидчиклик», «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» фанлари эса ўзига хос амалий соҳадир. Улар назарий курслардан олинган билимларга суюнган ҳолда бадиий адабиётнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганади. Махсус фанларни ўқитиши мустакил фан сифатида уларнинг ўқитилиши билан боғлиқ бўлган умумий муаммолари юзасидан баҳс юритиш имкониятига эга.

Махсус фанларни ўқитиши методикаси фани бадиий адабиётнинг ўзига хослиги, пайдо бўлиши ва ривожланишидаги тарихий тараққиёт жараёнини, ҳозирги ҳолатини, муаммоларини ўрганувчи, уларни таълим олувчиларга ўргатувчи фанларнинг педагогик методик имкониятлари ҳақида баҳс юритади. Умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим – таълимнинг турли босқичлари ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутишини тақозо этади, шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчилар бу ҳақдаги тегишли маълумотларга эга бўлишлари шарт. Махсус фанларни ўқитиши методикаси шу соҳага сафарбар қилинган.

Махсус фанларни ўқитиши методикаси хар бир йўналиш ва мутахассислик учун энг зарур бўлган, шу мутахассисликнинг мазмуни ва мантиқини тақозо этадиган фанларни қамраб олади. У бўлажак адабиёт ўқитувчисини касбий жиҳатдан тайёрлаш дастурининг таркибий бўлакларидан биридир. Бу курс адабиёт туркумидаги барча фанларни ўқитишнинг назарий-методик

асосларини ўрганишни кўзда тутади. Аммо бу жараённинг биринчи босқичи, холос, Кейинги босқичда бўлажак ўқитувчилар бевосита амалий ишлар билан шуғулланишлари керак. Бунга курс ишлари, рефератлар, битирув малакавий ишларини ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш, шунингдек, тегишли фан йўналиши бўйича педагогик амалиётдан ўтиш киради. Бу босқичларни ўтаган талаба ўз қасбий-педагогик лаёқатини шакллантириш босқичларини ўтаган мутахассис сифатида қаралади. Ушбу курснинг асосий вазифаларидан бири бўлажак ўқитувчиларни адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида қасбий – педагогик лаёқатлиигини шакллантириш ва ривожлентиришдан иборатadir. Ушбу курс ҳам назарий, ҳам амалий мақсадларни кўзда тутади. Ўнга жамланган материаллар шу йўналишлар моҳиятидан келиб чиқкан.

Шунга кўра, талабалардан махсус курснинг назарий асосларини билиш талаб этилади. Улар эгаллаши лозим бўлган кўнкимга ва малакалар эса кўйидагилардан иборат бўлиши керак:

- адабиётшунослик ҳамда педагогика, психология туркумидаги фанлар талабларини ўзаро уйғунлаштира олиш;
- таълим тарбия жараёнларини ташкил этишда мазкур фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этишининг замонавий шакл ва усусларидан амалий жиҳатдан фойдалана билиш;
- таълимнинг турли босқичларида ўқувчи шахсига хос бўлган асосий педагогик-психологик хусусиятлардан адабий таълимни йўлга кўйиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш йўлида истифода эта олиш.

Амалий жиҳатдан эса ҳар бир махсус фан бўйича дарс ишланмалари, маъруза матнлари, лаборатория ишларини ташкил этишни уddyдалаш кўнкимаси ва малакасига эга бўлиш талаб этилади. Махсус фанларни ўқитиш бир қатор фанларнинг ўзаро интеграциясидан фойдаланишни тақозо этади. Хусусан, адабиётшунослик туркумидаги, педагогика, психология, шунингдек, фалсафа туркумидаги фанлар интеграцияси бу ерда алоҳида мавқе тутади.

Ўқув режалари, уларда Мутахасислик фанларининг акс этиши, ўқув методик, илмий-тарбиявий ишларни режалаштириш

Ўқув режаси бутун таълим-тарбия жараёнини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлардан биридир. Унда муайян таълим босқичида ўрганиладиган фанларнинг умумий рўйхати, уларнинг йиллар, яром йиллеклар давомида ўрганилиш тартиби, ҳажми, муддатлари кўрсатилган бўлади. Ҳар бир фаннинг йил ва ҳафта давомида неча соат ўтилиши ҳам шу ҳужжат билан меъёrlанади. Ўқув режалари тегишли вазирликлар томонидан тузилади ва тасдиқланади. Бир типдаги ўқув юртлари учун тузиладиган ўқув режалари бир хил бўлади. Унинг бажарилиши шу типдаги ўқув юртлари учун мажбурийдир. Унинг муайян қисмини ўзгартириш, ижодий ёндошишга кўрсатилган ҳажмда ўзгартириш киритиш имконияти берилган.

Таълимнинг ҳар бир босқичида олдинга қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиккан ҳолда ўқув фанларининг сони ва мазмунни белгиланади. Масалан, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида 22 та фаннинг номи мавжуд. Олий ўқув юртларида йўналиш ва мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиккан ҳолда ўқув фанларининг таркиби, мазмунни, узвийлиги ва узлуксизлиги эътиборга олинади. Уларнинг умумий рўйхати Вазирлар Маҳамаси томонидан тегишли вазирлик ва бошқарув органларининг тавсиясига кўра тасдиқланади.

Ўқув режасининг тузилиши қўйидагича бўлади.

Биз уни магистратура босқичининг **5A 141121-Ўзбек адабиёти мутахассислиги** ишчи ўқув режаси мисолида кўриб чиқамиз

Унда дастлаб ўқув даврининг тавсифи – тақсимоти берилади. У қўйидагича акс эттирилади. Дастлаб семестрлар миқдори кўрсатилган. Улар – тўртга. Демак, бу босқичдаги ўқиш даври 2 йил бўлади. Биринчи босқичда икки семестр, икkinchi босқичда икки семестр ўқиласди. Ўқишининг ҳафталар бўйича тақсимоти кейинги бандда кўrсатилган. Дастлаб уларда бевосита ўқиш билан боғлиқ бўлган иш ҳажми кўrсатилади. Демак, биринчи, икkinchi ва учинчи семестрларда 20 ҳафтадан, охирги семестрда 18 ҳафта ўқилиши белгиланган. Шундан кейин назарий таълим ва илмий фаолиятнинг ҳажми кўrсатилади. Агар биринчи семестрда жами 20 ҳафта ўқиласдиган бўлса, шундан 16 ҳафтаси назарий таълимга,

4 ҳафтаси эса илмий фаолиятга ажратилади. Ёки иккинчи семестрда жами 20 ҳафта ўқиладиган бўлса, шундан 7 ҳафтаси назарий таълимга, 13 ҳафтаси эса илмий фаолиятга ажратилади. Ўқув даври тақсимотида аттестация ва давлат аттестацияси, шунингдек, таътиллар мидори ҳам ҳафталар ҳажмида кўрсатиб ўтилади Уларнинг кўшилишидан бир семестрдаги вақт ҳажми юзага келади. Масалан, биринчи семестрдаги барча ҳафталарни ўзаро кўшсак ($16+4+1+2$) шу семестр учун ажратилган умумий вақт ҳажми (23 ҳафта) юзага келади.

II кисм ўқув жараёни режасига багишлиланган.

Бу ерда ўқув фанлари ва илмий фаолият турлари номи, уларнинг ўрганилиш тартиби ва ҳажми, ўқув юкламаси (соат ва фоизларда), талабанинг ўқув юкламаси, соатларнинг семестр ва ҳафталар бўйича тақсимоти берилади. Аудиториядаги ўқув соатларининг тақсимоти ҳам шу қисмда акс этган. Жумладан, ҳар бир фан бўйича белгиланган маъруза, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, семинарлар, курс иши, мустақил таълимнинг ҳажми ва муддатлари мавжуд. Ўқув режасида фанлар муайян туркумларга ажратиб берилади. Уларни блоклар деган умумий ном бирлаштириб туради. Ўқув режаларида асосан, куйидаги блоклар мавжуд бўлади:

(кейинги саҳифага каранг)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ТАСДИҚЛАЙМАН
и номидаги ТДИУ ректори**

« » 200 йил.

ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Мутахассислик: 5A141121-Ўзбек
адабиёти

Академик даража-

МАГИСТР

Ўқиши муддати – 2 йил

Таълим шакли -

кундузги

1. Ўқув даврининг таксимоти

Семестр	Ўқув юкламасининг хафталар бўйича таксимоти			Аттестация ва давлат аттестацияси (хафталар)	Таътиллар (хафталарда)	Ҳаммаси (хафталар)
	Ҳаммаси	Назарий таълим	Илмий фаолият			
1	20	16	4	1	2	23
2	20	7	13	1	8	29
3	20	7	13	1	2	23
4	18	6	12	3(Д)	4	25
Жами	78	36	42	6	16	100

Д – давлат аттестацияси

II. Ўқув жараёнининг режаси

Ўқув фанлари ва илмий фаолият турлари номи	Ўқув юклама- си соат ва фониз- ларда	Талабаниш ўқув юкламаси, соатларда						Соатларнинг семестр ва хафталар бўйича так- симоти						
		Аудиториядаги ўқув соатлари						Мустаки- ларда	1	2	3	4		
		Жами	Моърида	Амалий кашгироти	Лаборато- рия ишлари	Семинар- зар	Курс или	Мустаки- ларда	20	20	20	18		
2		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
Умумметодологик фанлар		723	17	478	214	112	26	126	245	8	10	5	1	
Фанларниң фалсафий масалалари		90	60	30				50	30	3				
Илмий номодиёт методологияси		90	60	26	12			22	30	3				
Чет тили		120	80	20	60				40	2	2			
Махсус фанларни уқтиш методикаси		60	40	14	10			16	20		2			
Ахборот технологиялари		120	80	44	10	26			40		4			
Сийи таълим менсаҳияти ва интиқодоти		60	40	20	10			10	20		2			
Миладий истиқлол гонди: асосий түддича ва тамоилийлар		96	60	30				30	36		3			
Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат		60	40	20	10			10	20		2			
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси		27	18	10				8	9			1		
Мутахассислик фанлари	1221	29	818						403	22	2	7	11	
Алабист низариятининг илмий- асослари		120	80	40				40	40			4		
Тасаввиф ва тасаввиф алабисти		90	60	30	30				30	3				
Алабист тур ва жарлар эстетикаси		120	80	40	40				4	4				
Алабист фанларниң уқтиш методологияси		150	100	50	50				50	5				
Миладий истиқлол даври алабисти		90	60	30	30				30		3			
Алабист ва фольклор		90	60	30	30				30		3			
Ўзбек адабиётшунеслик тарихи		90	60	30	30				30	3				
Танлов фанлари		471	318							153	7	2	1	7
Ўзбек романтичизмининг тараққиёт тенденциелари		62	40	20	20					20	2			
Бадний гасон таромойиллари		62	40	20	20					20	2			
Иқод психологияси		62	40	20	20					20			2	
Драма излари		62	40	20	20					20			2	
Бозалер алабистидаги ижодий-услубий изланимлор		62	40	20	20					20	2			
Алабистининг козиги илорларб		63	42	22	20					20	2			

	МУАММОЛари									
	XX аср шеъръти	62	40	20	20			20	1	1
	Мансус семинар	36	36			36		13		2
B-2	Манзубъ тарикат нари музуломлари	104	67	30	20	12	20	1	2	
	Манзубъ тарикат дабгинчан чамба сириягид	104	67	30	25	12	20	1		2
	К.дасин таржони музуломлари	104	69	30	25	14	20	3		1
	Сарой азбисти	123	79	30	25	14	20	2		2
	Мансус семинарлар	36	35			36				2
	Хамимас	1944	46	1296			648	30	12	12
III	Илмий фолијат	2268	54	1512			756	6	24	24
	Илмий педагогик иш	540		360			180	6	6	6
	Илмий таджикик иши	1239		826			413	13	12	17
	Магистрлик диссертациясинин таңберлаш	489		326			163	5	5	7
	Жами	4212		2808			1404	36	16	16

ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСЫ

1. Фангарнинг фалсафий масалалари
 2. Мутахассислик фани (ёки фанлари)
 3. Магистрлик диссертациясини химоя килиш

Изоҳлар:

Ушбу үкүв режаси ассоциацияның таралым мүассасаси ишчи үкүв режасини тузады.

Маъруза соаллари хажми аудитория вактининг 50 фойизидан ошмаслиги дозим

Талаба билимнин назорат килиші ва бағылап атқару жөндеудегі мүмкіншіліктердің физикалық әдемиеттілігін.

Үкүв ишләри бүйнчы проектор

С. С. Файзулаев

УКУВ МЕТОДИКЕ БОЦКАРМА БРИГДЕЙ

Л. Ч. Эргашев

Факультет декани

ИАЗИМОВ

Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгашида мақулланган
200 йил « » № -сонли баённома.

Умумий гуманитар ҳамда ижтимоий-иктисодий фанлар. Ушбу қисм барча йўналиш ва мутахассисликлар учун бир хилда тузилади. Умумий математик ва табиий фанлар – бу қисм ҳам барча йўналиш ва мутахассисликлар учун бир хилда тузилади. Кейинги қисм умумкасбий фанларни қамраб олади. Ниҳоят мутахассислик фанлари алоҳида қисмни ташкил этади.

Олий таълимда профессор-ўқитувчилар томонидан бажариладиган ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар ҳажмини белгилаш бўйича вакт меъёрлари амал қилади. Унинг янги намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги 183-сонли «Олий ўқув юртлари профессор – ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув ишлари ҳажмини белгилаш учун муваққат вакт меъёрлари ва ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва бошқа ишлар асосий турларини тасдиқлаш тўгрисида» ги бўйруғи билан тасдиқланган. Унга кўра олий таълимдаги иш турлари шундай гурухлаштирилади:

1. Ўқув-услубий ишлар.
2. Илмий-тадқиқот ишлари.
3. Ташкилий-услубий ишлар.
4. Маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар¹

Ўқув-услубий ишларга олий таълим босқичларида маъразулар ўқиш, лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш, якка тартибдаги машғулот ва консультацияларни ўтиш, ўқув амалиётига тайёргарлик кўриш ва бошқалар мансубдир.

Ўқув фанлари бўйича консультациялар, курс ишлари (КИ) ва курс лойиҳалари (КЛ) га раҳбарлик, консультация, тақриз ёзиш, қабул қилиш; Давлат аттестация синовларини ўтказиш; талабаларнинг рейтинг (назорат) синовларини текшириш, ўқув режасида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш-график, ҳисоблаш ишлари (намунавий ҳисоблашлар, уйга берилган топширикларни текшириш), малакавий амалиётга раҳбарлик, ҳисботларни текшириш ва синовларни қабул қилиш; бакалавриатда битирув-малакавий ишларга раҳбарлик, консультация, тақризлаш; магистратура талабаларининг илмий педагогик фаолияти, малакавий ва педагогик амалиётига раҳбар-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари профессор – ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув ишлари ҳажмини белгилани учун муваққат вакт меъёрлари ва ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва бошқа ишлар асосий турларини тасдиқлаш тўгрисида» ги 1998 йил 10 июлдаги 183-сонли бўйруғи. – Олий таълим, Меъёрий ҳужжатлар тўплами, Тошкент, Шарқ, 2001,137-146-бб.

лик, магистрлик диссертациясига раҳбарлик, магистрлик диссертациясига оппонентлик (такризлаш), битирув ишлари (БИ) ёки магистрлик диссертацияси (МД) химояси бўйича ДАК ишида катнашиш, магистратура ёки аспирантурага номзодлик минимумими ни қабул қилиш бўйича ДАК ишида катнашиш, аспирант ва тадқиқотчиларга раҳбарлик, докторантга илмий маслаҳатчилик, кафедрада педагоглар малакасини оширишга раҳбарлик, сиртқи бўлим талабаларининг якка тартибда консультация ва ёзма ишларини такризлаш, малака ошириш институти (факультет) да ўкув машғулотлари ўтказиш ўкув-услубий ишлар мазмунини ташкил этади.

Илмий-тадқикот ишларига раҳбарлик, бевосита илмий-тадқикот ишлари билан шуғулланиш, ҳисоботлар тузиш, дарслик, қўлланма, монография ва маколалар ёзиш; уларга такризлар ёзиш ёки уларни таҳрир қилиш, номзодлик ва докторлик диссертацияларини химояга тайёрлаш, турли нашрларнинг таҳрир ҳайъатида иштирок этиш, олий ўкув юрти, вазирлик ва идоралар бошқарув органлари қошидаги комиссиялар ишида; ихтинослашган кенгашлар, илмий-услубий кенгашлар ишларидаги катнашиш, шунингдек, талабалар илмий ишларига раҳбарлик қилиш киради.

Илмий-методик ишлар мундарижасига маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулотларига тайёргарлик; янги маъруза матнлари, машқлар ва масалалар тўпламлари, лаборатория практикумларини ёзиш, ишлаб чиқиш, нашрга тайёрлаш; дарслик ва ўкув қўлланмаларни ёзиш, нашрга тайёрлаш; янги мето-дик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва нашрга тайёрлаш; янги лабора-тория ишларини қўйиш ва амалдагиларини янгилаш; талабалар би-лимини баҳолашнинг рейтинг-назорати учун янги варианtlар ишлаб чиқиш; интерфаол ўкув машғулотлари учун ўкув-методик кўл-ланнmalарни ишлаш ва жорий қилиш; фанлар намунавий ўкув дастурини ишлаб чиқиш; ишчи ўкув дастурларини ишлаб чиқиш; электрон ўкув дарсликлар ва мультимедиа таълим воситаларини ишлаб чиқишда катнашиш; таълим жараёнига АҚТ жорий этиш бўйича компьютер дастурларини тузиш; ўкув фани бўйича янги адабиётлар обзорини тузиш; талабаларни олимпиада ва илмий кон-ференцияга тайёрлаш; олий таълимга ўкув материаллари тайёрлаш (компьютер ва телевизион дастурлар); иктидорли талабалар учун топшириклар тузиш ва назорат иши, уй вазифалари, якка тартибдаги лаборатория ишлари бўйича материаллар тўплаш, очик ўкув машғулотлари (маърузалар) ўтказиш каби иш турлари мансубдир.

Ташкилий-услубий ишлар қўйидагилардан иборат: ОЎЮга киришда ёшлар билан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш (ҳисобот тақдим этиш билан); қабул ҳайъатида ишлаш; кафедра, ОЎЮ, факультет Кенгашларида, илмий-методик кенгаш (ўқув-методик кенгаши) лар ишида иштирок этиш ва материаллар тайёрлаш.

Маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар эса қўйидаги иш турларини қамрайди: Академ гурухларда маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни якка ва умумий тартибда олиб бориш, гурух раҳбарлиги, конференцияларни тайёрлаш ва ўтказиш ишлари, талабалар уйларида кечки вақт ва дам олиш кунлари тарбиявий ишлар ўтказиш, турли маъруза ва сухбатлар уюштириш, клублар, ижодий тўғараклар, спорт секциялари ва тўғарак ишларини ташкил этиш, олиб бориш ва бошқалар.

Ҳар бир профессор-ўқитувчининг иш режаси конкрет иш шароитидан келиб чиқсан ҳолда индивидуал тарзда тузилади. Шунинг учун ҳам улардаги иш турлари орасидаги ҳажм ва шакллар бирбирлариникидан фарқли бўлиши мумкин. «2007-2008 ўқув йили учун таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқув юкламаларини тузиш ва ўқув жараёнини ташкил қилишга оид услубий қўлланма» да: «Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг учинчи босқичига ўтилди. Бунда узлуксиз таълим тизимининг барча турларида жорий этилган меъёрий ҳужжатлар асосида таълим жараёнини ташкил қилиш, самарадорлигини ошириш ҳар бир таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Олий ўқув юртларида таълим жараёнини ташкил қилиш, сифатли бўлишини таъминлаш кўп жиҳатдан давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалар асосида ўқув йилининг бошланишидан аввал ўқув машғулотларини тўғри ташкил қилиш, режалаштириш, кафедралар ўқув юкламаларини тўғри тақсимлашга боғлик. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган вақт меъёрлари, Олий таълим меъёрий ҳужжатлари (Тошкент 2004 йил) асос бўлади. Лекин шу билан бир қаторда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан жорий этилган меъёрий ҳужжатлар ҳар бир Олий ўқув юртига ўзининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, маълум бир ўзгартиришлар киритиш ваколатлари ҳам берилган»¹, -

¹ Тузувчилар: С.С.Файзулаев, Д.Эргашев, А.Курбонов,- Тошкент, ТДПУ, 2007,

дайилади. Шу ҳужжатда профессор ўқитувчиларнинг ўқув юкламалариға оид тахминий жадвал ҳам берилган. Унга кўра:

Мутахасислик фанлари бўйича умумий ўрта таълим, лицей ва қасб-хунар коллежларининг ўқув режалари билан мукаммал танишиш, ўқув методик, илмий-тарбиявий ишларни замонавий талаб нуқтai назаридан режалаштириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаларида ҳар бир фан учун ажратилган соатларнинг ҳажми ҳам, уларнинг қандай таксимланиши ҳам кўрсатиб берилган. Биз бу ерда мисол сифатида магистратура босқичидаги ўқув режаси билан танишиб чиқамиз У ерда қасбий-таълим дастурининг иш сиғими 4536 соат қилиб белгиланган. Улар 6 блокка ажратилган. Биринчи блокка Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар киритилган (162 соат). Улар икки қисмдан иборат бўлиб, табиий, гуманитар ва техник фанларнинг фалсафий масалалари ҳамда илмий ижод услубиятини қамраб олади. Иккинчи блок математик ва табиий фанлардан иборат. У ўз ичига фан, техника ва таълимдаги ахборот технологияларини қамрайди (135 соат).

Учинчи блок йўналиш фанлари (243 соат) ҳамда тўртинчи блок Ихтисослик фанларидан (1728) иборат.

Машғулот режаси ва маъруза матнини тузиш, уларга қўйиладиган илмий-методик талаблар

Дарсга тайёрланиш жараёнида албатта, машғулот режаси тузиш, режа асосида маъруза матни тайёрлаш, матнга қўйиладиган илмий-методик талаб акс эттирилиши лозим.

Маъруза матнида замонавий ахборот ва педаогик технологиялардан йирик методист олимлар, педагогларнинг иш тажрибаларидан кўргазмали воситалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Буларнинг барчаси бевосита ўқитувчининг шахсига боғлиқdir. Модомики, гап ўкув жараёнини ташкил этиш устида борар экан, энг аввало, ундаги иштирокчиларни кўз олдимишга келтирайлик: булар ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) дан иборат. Ўқитувчи ўқувчининг дарсга келиш иштиёкини пайдо килиши, унинг шу дарсга бўлган қизиқишларини шакллантириши, охир-оқибатда унинг илмий-педагогик маҳоратини орттириши керак. «Қизиқиш интеллектуал-маърифий мотив орқали пайдо бўлади. Бундай мотивни қўллаб-кувватлаш эса ўқитувчининг касбий бурчидир»¹.

Хар бир ўқувчи (талаба)нинг тайёргарлик даражаси, ўкув материалини қабул қилишлари бир хил бўлмайди. Айрим мутахассислар уларни тўрут туркумга ажратишиди. Була:

- 1) дарс мавзуси ҳакида гира-шира маълумотга эга бўлганлар;
- 2) дарс мавзуси билан таниш бўлганлар;
- 3) дарс мавзуси ҳакида шахсий нутқи назарга эга бўлганлар;
- 4) мавзу ҳакида танқидий нутқи назарда турдиганлар².

Ўқувчиларнинг бундай туркумланишини яхши билган ўқитувчи, уларга тегишли муносабат кўрсатиши ҳам билади. Демак, иш жараёнида у ўқувчиларидағи шу руҳий ҳолат ва имкониятлардан самарали фойдаланади.

Бевосита ўқитувчининг нутқига келганда шуни айтиш лозимки, «Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилик, аниқлик, мантикийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялилик каби бир катор коммуникатив сифатлар мавжуд»³.

¹ Аульбекова Г. Риторические приёмы в работе учителя-предметника. Алматы, Таймас, 2006, с.7.

² Уша китоб, 7-8-бетлар.

³ Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданийти. Тошкент, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007, 47 б.

Бунда ўқитувчининг ўзидаги шахсий фазилатлар ҳам алоҳида роль ўйнайди. Булар қаторида биз қўйидагиларни энг муҳим фазилатлар сифатида санашимиз мумкин:

1. Мавзуни илмий асосда тасаввур қилиш ва ўқувчи (талаба)ларга илмий асоссларда тушунтиришни билиш.

Гап қайси мавзу устида бормасин, у ўқитувчининг ўзи томонидан тўла илмий мантиқ асосида байди қилиниши, унинг илмий-назарий асослари реал тарзда тасаввур этилиши керак. Шундан кейингина ўқувчига мавзуни илмий асосларда тушунтириш ҳакида гап бориши мумкин. Ўқитувчининг ўзи билмаган мавзусини бошқаларга илмий асосда етказиб бериши мумкин бўлмаган ҳолдир.

Адабиётга оид машғулотларда уларнинг қайси фан бўлишидан қатъий назар таҳлилга тортилаётган манбаларнинг асл нусхалари, ишончли варианatlари асосида ҳукм юритиш керак. Гап адабий асарнинг бадиий хусусиятларини таҳлил этиш устида борар экан, албатта, мисолларнинг илмий ҳақиқатлар талабига тўла жавоб беришига қаттиқ амал қилиш шарт бўлади. Бунинг учун эса бир қатор шартларга риоя этиш талаб қилинади:

- 1) матннинг асл манбалардан олинган бўлиши;
 - 2) унинг манбалари аниқ кўрсатилиши;
 - 3) матнда имловий, пунктуацион, услугбий, фактик хатоларнинг мавжуд эмаслиги;
 - 4) уларда мантикий зиддиятларнинг бўлмаслиги;
- 5)агар мисолларни бир неча манбалардан олиш имконияти бўлса, улар орасида энг мукаммалларига таянишга интилиш.

Шу ўринда умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейлар ва қасб-хунар коллажларида бир тажриба хусусида тўхтаб ўтиш ўринли кўринади. Таълмнинг мазкур босқичларида матнлардан фойдаланишда бир неча усууллар кўзга ташланади. Асл матннинг ўзини бериш энг устувор усул сифатида ажратилиши мумкин. Бу тўғри йўл. Шунга қарамай, айрим ҳолларда, жумладан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини назарга олганда, баъзан, бу усул ўзини оқламаслиги мумкин. Шунда мазкур матннинг адаптация қилинган шакли ишга тушади. Унда мазкур матн ё қисман соддалаштирилади, ёки у тўлигича табдил қилиниши ҳам мумкин.

Методика фанимиз тарихида асл матнларга устуворлик берилишини ифтихор билан эслаш мумкин. Факат мумтоз адабиётимизнинг нисбатан кейинги даврларида яшаб ижод этган адаб-

ларимизгина эмас, қадимги туркий адабиёт намояндаларининг асарлари, Рабғузий, Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Ҳожа, Мунис, Оғаҳий, Увайсий, Нодира, Завқий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Дилшод, Анбар Отин сингари кўплаб мумтоз ижодкорларимизнинг асарларидан намуналар ҳам асл ҳолида ўқувчиларга етказилиши яхши анъаналар қаторига кирган. Аммо бу ҳолат матнларнинг адабтация қилинишини инкор этмайди. Қадимги тош битиклар, Навоийнинг «Хамса» достонининг насрй баёни, айрим мумтоз жанрлар намуналарининг табдил ҳолатида берилиши фикримизнинг далили бўла олади.

Мазкур матнларнинг тегишли изоҳ ва тушунтиришлар билан бирга берилиши ҳам яхши тажрибалар қаторида саналиши мумкин. Буларнинг барчаси асар мазмунини ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилишини кўзлаб қилинадиган методик тадбирлардир. Барибир, уларнинг орасида энг маъқули ва мақсадга мувофиғи, ўқувчиларни асл бадиият гўзалликларига кўпроқ олиб кирадигани матннинг муаллиф вариантини тавсия этишдир.

2. Машгулот жараёнида нутқнинг адабий тилга мувофиқ ва мантиқли бўлишига эришиш.

Ўқитувчи ўқувчи (талаба) учун ҳар доим намуна ва ўрганиш манбаидир. Ўқитувчининг адабий тилда соф, тиниқ ва бекаму кўст тарзда сўзлай олиши биринчидан, мавзунинг осон ва тез ўзлаштирилишига замин яратса, иккинчидан, ўқувчи (талаба) ларнинг кўнглида ўқитувчига нисбатан катта завқ ва ҳавасни ўйғотади. Бу биринчисидан ҳам кўра мухимроқдир.

3. Нутқнинг ранг-баранг ва бой бўлишини назорат қилиб бориш.

Маъруза жараёнида бир хилликдан, ортиқча ва ўринсиз такрорлардан кочиш керак. Бунинг учун мавзуни тавсифлаб беришга имкон берадиган, унинг асосий моҳиятини кўрсатишга хизмат қиласиган фактлар, мисоллар, сўз, ибора ва гаплардан, методик усуллардан, мувофиқ технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Методист олимларнинг кузатишларига қараганда 2 ёшли болада 30-100, 4 ёшда 1000-4000, 6-7 ёшда 3000-7000, 10-11 ёшида 6000-12000, 16-17 ёшида 15000-25000 сўздан фойдаланиш имконияти бўлади. Демак, академик лицей ва касб-хунар коллажларининг кейинги босқичларида биз бу ракамларнинг кўпайишини тасаввур қилишимиз мумкин. Ўқитувчи бундай имкониятни

кенгайтириш йўлини излашда фақат дарслик материаллари, машғулотларда жалб этилган бадиий асарлардангина эмас, балки ўзининг нутқидан ҳам имконият сифатида фойдаланиши мумкин бўлади. Агар ўқувчининг ўз ўқитувчисига «биринчи тақлид объекти» сифатида қарашини назарда тутадиган бўлсақ, бу омилнинг нечоғли кучли самара беришини тасаввур этиш кийин кечмайди.

Биз бъзан ўқувчиларнинг нутқида бир хилда такрорланадиган қолипларни илгаб қоламиз. Бу ҳам аслида ўқувчининг хатосигина эмас, балки ўқитувчининг ўзи шакллантирган, ўзи тайёрлаган натижалардан биридир. Оддийгина иншонинг муқаддима (кириш) қисмини олиб кўрайлик. Ўқувчилар кўпинча мана шу қисмда кийналишади. Уларда материалга ёндашишдаги хилма-хиллик, ранг-баранглик, ижодийлик етишмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўқитувчининг ўқувчилар билан муайян адебнинг ҳаёти ва ижоди, ўрганилаётган давр ва адабий асар ҳақидаги кириш машғулотларининг имкониятларидан, асар таҳлили ва матн устидаги ишлардан унумли фойдалана олмаганида бўлиши мумкин. Вахоланки, дастлаб, асар ҳақидаги фикрларни умумлаштиришда тегишли режа тузилса, режанинг ҳар бир банди ҳақида пухта муроҳазалар юритилса, нима учун айни шу банднинг зарурлиги ҳақидаги хulosалар асосланса, бундай камчиликларнинг олди олинган бўлар эди. Тузилган режаларда хилма-хилликлар бўлиши мумкин. Бу зарарли эмас, ҳатто фойдали ҳамdir. Фақат мана шу хилма-хилликнинг сабаблари ойдинлаштириб кетилса, юқорида айтилган бир хилликка барҳам берилган, сўзга камбағалликнинг олди олинган бўлар эди.

Иншонинг кириш қисмida ёзувчининг ҳаёти ва ижодига боғлик бўлган ходисалар, асарнинг яратилиш тарихи, асар ва у яратилган давр ходисалари орасидаги бояланишлар, асарда тилга олинган мавзу ва гояларинг замонавийлиги ҳамда долзарблиги, санъатнинг бошқа турларида мазкур мавзунинг ёритилиши ва бошқалар акс этиши мумкин. Мавзуга оид эпиграфларни танлаш ҳам ўқувчиларни фикрлашга, мустақил мушоҳадага ундейдиган омиллар қаторида туради. Эпиграф сифатида асарнинг ўзидан олинган цитата, бошқа адиллар ёки йирик арбобларнинг асар ёки адебнинг ўзи ҳақидаги фикрлари, ҳалқ ҳикматлари ва мақоллардан фойдаланиш мумкин.

4. Ҳар бир мавзунинг қисқа, аммо аниқ ва тушунарли тарзда ёритилишини таъминлаш.

Үқитувчининг диққат марказида ҳар доим үқувчи шахси туриши керак. Шундагина у мавзунинг унга етиб бориши ҳақида кўпроқ қайғура бошлади. Тўғри фикрнинг биринчي белгиси унинг ишончлилигиdir. Бунинг устига у қиска ва тушунарли бўлса нур устига нур бўлади. Узун нутқ ва тушунтиришларнинг самараасиз кетишини эсдан чиқармаслик керак. Арабларда жуда яхши бир мақол мавжуд. Унда айтилишича, «Айтдинг – ишондим, такрорладинг – шубҳаландим, қасам ичдинг – ёлғонлигини билдим». Бунга йўл кўймаслик учун үқувчининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқи доимо диққат марказида туриши керак. Биргина мисол келтирайлик. Үқувчи иншосидаги «адибнинг ижодида ғазал ва мураббалардан ташқари чистон ва луғзлар ҳам етакчи ўрин тутади» деган гапнинг Муқимий ижодига тегишли эканлиги назарда тутилса, унинг мантиқан, факт сифатида тўғри эмаслигини кўрсатиш керак бўлади. Зоро, Муқимий ижодида «чистон ва луғзлар ҳам етакчи ўрин» тутган эмас. Ёки «Фарҳод бутун бошли бир армияга қарши мардонаворлик билан курашди», «Бобур кўплаб асарларини ўзи нашр қилдириди» сингари ҳолатларда айрим тушунча ва атамаларнинг ўзи тегишли бўлмаган даврларга алоқалантирилиши ҳам шундай мантикий бузилишлар сирасига киради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, үқувчилар билан ишлаш жараёнида уларнинг тегишли факт ва материалларга онгли тарзда, ўйлаб туриб мурожаат этишларини одат тусига киритиш, яъни уларда шу соҳага оид кўнікма ва малакаларни тўғри шакллантириш талаб этилади. Мантикий хатоликлар фақат фактларни бузиб кўллашда эмас, балки матндаги мантикий алоқадорликни бузишда, асоссиз хулосалар чиқаришда, нутқнинг бош, ўрта ва якуний қисмлари орасидаги боғланишларнинг узилиб қолишида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Нутқни эшитиб туриб ҳис этишда мураккабликлар анчагина кўп бўлади. Тажрибали үқитувчилар бундай мураккабликларни ҳамда улар келитириб чиқариши мумкин бўлган қийинчиликларни ёрқин тасаввур этганлари учун амалиётда содда ва тушунарли сўзларни кўллаш пайида бўлишади. Бунда үқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам, уларнинг адабий тайёргарлиги ҳам назарга олинади. Борди-ю, тушунарсиз сўзлар қўлланадиган бўлса, дарс самарадорлигига салбий таъсир юзага келади. Үқувчиларнинг мавзуни тушуниш даражалари пасаяди, энг ёмони, уларнинг бадиий асар моҳиятини англаш ва ҳис қилиш имконлари үқитувчи томонидан чегаралаб қўйилади. Бунинг асосий сабабаларидан бири

Ўқувчилар эътиборини тўлиқ тортолмаслик, адабий материалга нисбатан ўқувчилар қизиқишини ҳосил кила билмаслик, синфдаги ўқувчилар сонининг кўплиги, улар орасида шовқин-суроннинг бўлиши ёки ўқитувчи нутқидаги айрим камчиликларга кўра унинг ўқувчиларга тўла етиб бормаслиги бўлиши мумкин.

Адабиёт дарсларининг тегишли тарзда эмоционал бўлишига эътибор бериш.

Адабиёт дарслари шу фанинг талабига кўра ҳам эмоционал бўлмоғи керак. Муайян адабий матнни ўқишидан бошлаб, унга муносабат билдиришда ҳам шу хусусиятнинг очик кўриниб туриши дарс самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Аммо бунда ҳам меъёр тушунчасига тўла амал қилиш керак бўлади. Масалан, ёзувчининг таржима ҳолини ўтишда, айниқса, унинг ўз кўли билан ёзилган маълумотларда эмоционалликнинг чегаралангани маъкул бўлса, бевосита асарлар таҳлилида унга кучлироқ зарурат сезилади.

Куйида олий таълимнинг бакалавриат босқичи учун мўлжалланган айрим маъруза матнларидан намуналарни ҳавола киламиз:

Таълим босқичларида Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш

1.1. Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганишининг дастурларда акс этиши.

Ойбек ҳаёти ва ижоди умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида анча изчил ва батафсил ўрганилади. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфида Ойбекнинг «Гулнор опа» ҳамда «Фонарчи ота» хикояларини ўрганиш кўзда тутилган. Айни пайтда дастурда ёзувчи ҳакида маълумот бериш ҳам кўзда тутилган. Буларнинг барчаси учун 4 соат вақт ажратилган. Шунингдек, 8- ва 9-синфларда ҳам Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиши кўзда тутилган.

Буларни кўйидаги жадвалда кўрсатиш қулайрок кўринади.

Синflар Дастур мазмунни	5-синф	8-синф	9-синф	изоҳ
Ажратилга н соатлар	4	3	5	Жами 12соат
Таржимаи хол	Ёзувчи ҳаки- да маълумот	Адаб ҳакида маълумот	Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳакида маълумот	
Ўрганила- диган асар номи	«Гулнор опа», «Фонарчи ота»	«Навоий»	«Қутлуг кон» романни Шеърлар. «Чимён даф- тари» шеърий туркуми.	

Асарни ўрганиш мазмунни	«Гулнор опа» хикоясида болалар оламининг маҳорат билан ифодаданиши Гулнорининг яширин түйгуларни тасвири. Ҳикоя каҳрамонининг Гулнор опага бўлган муносабатида ажойиб инсоний фазилатларниң балкиб кўришини. «Фонарчи ота» хикоясининг бадиий ўзига хослиги. Фонарчи этакининг эзгу инсоний фазилатлари	«Навоий» романниң ёилиши ҳақида муаллифнинг эктиросли хотиралари. Келтирилган парчаларда Навоий фаолияти уч киррасининг ёритилиши. Шоирининг ижод ахни билан мулокотлари, уларга гамхўрлиги, буюк асарларининг яратилиш жараёни; Навоийнинг мамлакатда гичлик ва осойиштаги темурнийзодалар ўртасидаги ихтилофларни бартараф килиш учун олиб борган кураши, унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти тасвири. Романдаги тарихий ва тўқима каҳрамонларниң Навоий сиймосини ёритишдаги ўрги.	«Кутлуг кон» романининг ижодий тарихи. Романда 1916 йил миллий-озодлик ҳаракати мавзунининг акс этиши. Кенг ҳаљ оммасининг жадидчилик гояяларини кабул кила олмаганларнига иктиномий сабаблар. Ойбек шеъриятида инсон ва табиат тасвири. Лирик каҳрамон руҳий оламининг табиат манзаралари орқали ичишоф этиши. «Навматак»-Ойбек лирикасининг тимсоли сифатида. Ойбек шеъриятида фикр ва туйғу бирлиги. Шоир лирикасининг бадиий латофати. Шоирининг бадиий тасвир воситаларида маҳорат билан фондаланиши.
Образлар тизими	Гулнор опа образи Фонарчи ота образи	Романда шоир образи талкини.	Романдаги образлар галареяси. Йўлчи ва Гулнор образларида севғи ва вафо мавзуларининг бадиий музассамланиши. Йўлчи ва Мирзакаримбой образлари. Мирзакаримбой тадбиркорлик, хушбўр ақи тимсоли бўлиш билан бирга шафқатсизлик, бемехрлик рамзи сифатида. Мирзакаримбой образида инсонга хос салтбий жиҳагларниң акс этиши. Романда ҳаљ образи. Йўлчи ва оддий ҳаљ вакиллари. Йўлчи ва Аблушукур образлари.
Асар тили		Асар тилининг жозабдорлиги ва давр руҳини стказиб берга олиш қудрати.	Асар тилидаги бадиий-услубий бўёклар фаввораси.
Услуб	Ҳар иккала ҳикоядаги ёзувчи услугубига хос		Асар тилидаги бадиий-услубий бўёклар фаввораси. «Чимён дафтари» XX аср ўзбек лирикасининг шоҳ

	самимият		намуналаридан бири сифатида.	
Ахамияти	Ҳикоянинг тарбиявий ахамияти		Романинг бадий киммати. Қаҳрамонлар образини яратиш ва асар композициясини тузишда ёзувчи маҳорати. Ойбекнинг XX аср ўзбек насли ва шеърияти тараққиётига кўшган хиссаси.	
Назарий мълумот		Тарихий роман	Роман ҳакида мълумот. Табиат лирикаси.	

Биз ушбу жадвалдаги мълумотларни ўрганиш асосида бир катор хуносаларга кела оламиз. Бу хуносаларимиз асарлар мазмунига ҳам, адабнинг таржимаи ҳолига ҳам, асарнинг таркибий қисмларига ҳам, асар билан боғлик бўлган назарий мълумотларга ҳам тегишилдири. Улар орасидаги энг муҳим хуносалар сифатида эса қўйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Дастурда Ойбек ҳакида, унинг ижоди ҳакида яхлит тасаввур бериш асосий мақсадлардан бири бўлган.
2. Бунда Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳакида узвийлик ва узлуксизлик тамоилларига риоя этишга жиддий харакат очиқ сезилиб туради.
3. Дастурни тузишда, унга материаллар танлашда педагогика, хусусан, дидактикадаги асосий тамоилларга имкони борича таянишга ва уларни хисобга олишига харакат килинган.
4. Осондан кийинга, соддадан мураккабга томон бориш сингари асосий тамоиллар дастурни тузишга асос бўлиб хизмат қилган.

Шунга қарамай, дастур билан танишиш шуну қўрсатадики, унда бир катор нокислик ва етишмовчиликлар ҳам мавжуд. Уларнинг назаримизда бир мунча жиддийроқ бўлганларини эслатиб ўтмоқчимиз. Булар:

1. Адабнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда катъий мазмун чегаралари қўрсатилиши керак эди. Жумладан, адабнинг таржимаи ҳолини ўрганишда ўз ҳолига ташлаб қўйиш мавжуддек кўринади. Чунки дастурий талабларда таржимаи ҳолнинг қайси жиҳатларига ургу бериш кераклиги қўрсатилган эмас. Дарсликлардаги айrim фактik ва фикрий тақрорларнинг дастурдаги мана шу мавхумлик билан алоказор ҳолда юзага келганлигини қайд этиш ўринли бўлади.
2. Болаларнинг ёш хусусиятлари айrim ҳолатларда инобатга олинмагандай туюлади. Буни айrim мисолларда қўрсатишга ва изохлашга харакат қиласлик. 5-синфда Ойбек ижодидан танланган ҳикоялар, хусусан, уларнинг биринчиси, болаларнинг ёш хусусиятларига унчалик тўғри келмайди. Гарчи ҳикоянинг мазмуни ва мавзуси болалар учун мўлжалланган бўлса-да, ундаги воқеалар тизими 11-12 ёшли болаларнинг синфда муҳокама қилиши учун мақсадга мувофик кўринмайди.

2.1. 9-синфда ўрганилиши кўзда тутилган асарларнинг ҳажми ва қўлами ҳам болаларнинг ёш хусусиятларига мос эмас. У ерда кўзда тутилган асарлардан факат биринчисигина кифоя килар эди. Ойбек шеъриятини, айниқса, бутун бошли бир туркумни таҳлил килиш учун ажратилган соатлар имкон бермайди.

2.2. Танланган материал билан ажратилган соатлар нисбати орасидаги зиддият. Ниҳоятда кенг маълумотлар беришни ҳамда катта ҳажмдаги материалларни ўрганишни кўзда тутиш албатта ният нуктаи назаридан жуда яхши. Бироқ унинг амалиётдаги ижроси ўқитувчиларни бир озгина қийнаб кўйишини ҳам назардан кочирмаслик керак.

Буларнинг барчаси дастурларга ўқитувчиларимизнинг ижодий ёндошувлари зарурлигини кўрсатиб турибди. Демак, биз иш жараённида, бевосита амалиётда ана шу нукталарга жиддий эътибор беришимиз, ҳар бир синфнинг ўз аниналари, адабий тайёргарликларидан келиб чиккан ҳолда иш тутишимиз керак бўлади.

1.2. Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганишининг дарсликлардаги шфодаси.

Ойбек ҳаёти ва ижодининг дарсликларда акс этишини кузатиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Чунки, дарслик асосан дастурлар асосида яратилади. Шундай экан, дастур талабалари дарсликларда қандай даражада акс этган?

Биз бу саволга Ойбек ҳаёти ва ижоди мисолида жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Дастурлар таҳлилида кўриб ўтганимиздай, Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди 5-, 8-, 9-, 11- синфларда ўрганилади. Биз факат таржимаи ҳолнинг бу дарсликларда берилишини кузатишга ҳаракат қиласмиз.

1. Дастрлаб эътиборни тортадиган нарса адибнинг расмидир. Нима учундир дарсликларимизда адибнинг бир хилдаги расмлари берилади. Бунинг ўрнига адибнинг ижодий иш билан машғул бўлиб турган бирор ҳолати, ёки унинг бошқа адиблар билан бирга тушган расмларини бериш максадга мувофиқ бўлмасмикан?

2. Агар 5-синф дарслигида «У 1905 йилнинг 10 январида Тошкентда тугилган» дейилган бўлса, 8-синф дарслигида «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йилнинг 10-январида Тошкент шаҳрининг Говкуш маҳалласида, бўзчи оиласида тугилди» дейилади. Ушбу тавсифда тугилган жойининг аниқлаштирилгани, унинг оиласиий-ижтимоий келиб чиқишига ҳам эътибор берилгани кўриниб туриди.

3. Оиласиий ҳаётда адабиётга бўлган алоҳида эътиборнинг мавжудлиги таъкиди ҳам 8-синф адабиёт дарслигининг афзал томонини кўрсатиб туриди.

4. Адибнинг ўкиш йилларини кўрсатувчи воқеа-ходисаларда эса такрорийлик асосий ўринни эгалтайди.

5. Ҳар икки таржимаи ҳолда ҳам шу синflарда ўрганилиши кўзда тутилган асарлар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ваҳоланки, 8-синф дастурда асарнинг яратилиш тарихини эслатиб ўтиш асосий талаблардан бири сифатида уктириб ўтилган эди.

Булардан келиб чиқадиган хуносалар шундан иборатки, дарсликларда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя этишга харакат қилинган. Шунга қарамай бу тамойил түлигича амал килади дейиш қийин. Уларда тақрорийлик элементлари анча устувор. Дарсликларда материалларни беришдаги бир хиллик кўзга ташланади. Вахоланки, бунинг ўрнига уларни хилма-хил килиш, шу оркали ўкувчиларнинг адаб ҳаёти ва ижодига, булар асосида эса умуман адабиётнинг ўзига ҳам қизишишларини орттириш имконияти яратилган бўлур эди.

Аслида Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ўкувчиларимизнинг билимларини кенгайтиришда ҳам, уларнинг ахлоқий-маънавий фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришда ҳам ниҳоятда кенг имкониятларга эга. Биргина Ватан ва ватанпарварлик мавзусини олайлик. Ойбекнинг бутун ижоди мана шу мавзуни ёритишга, унинг турили кирраларини ўзига хос тарзда талқин килишга каратилган десак муболага бўлмас. Бу гап Ойбекнинг эпик асарларига канчалик тегишил бўлса, унинг лирикасига ҳам шу даражада таалтуклидир. Биргина «Ўзбекистон» шеърини эслайлик. (Вақт имконияти бўлса шеър таҳтил килинади)

Умуман, адабиётшуносларимиз, Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан жуда катта ишларни амалга оширишди. Бу масалада методист-олимларимиз таълим боскичларида дарс бераётган, тарбиявий ишлар билан шугулланғаётган касбдошлари олдида қарздор бўлиб турибди.

Тавсия этиладиган алабётлар

1. Абдурахмонов Г. Ойбек асрларининг тили ва услуби. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 28-32-бетлар
2. Жўраев К. Мактабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. Ўқитувчилар учун методика кўллами. Т.: Ўқитувчи, 1974.
3. Мирвалиев С. Ойбек-романнавис – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузатари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 10-13-бетлар
4. Мўминов Ф. – Ойбек ва ҳалқ оғзаки ижоди. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 25-28-бетлар
5. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафилинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999, 196-224-бетлар
6. Каримов Н. Ойбекнинг XX аср ўзбек адабиёти тараккиёти тарихидаги ўрни. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 3-6-бетлар– Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 3-6-бетлар
7. Назаров Б. Ойбек ижодини ўрганиш музаммолари. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 6-10бетлар
8. Норматов У. Адабининг университет даври ижодий тафаккуридаги эврилишлар. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 13-17-бетлар
9. Расулов А. Биографик метод ва Ойбек ижодини ўрганиш масалалари. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 32-36-бетлар

10. Раҳимжонов Н. Ойбек шевриятида гўзалик концепцияси. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzalari тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 19-22-бетлар.
11. Сабирдинов А. Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари. Тошкент, Истиқтол, 2003.
12. Гўйчев У Ойбекнинг шеър узилини – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzalari тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 36-38-бетлар.
13. Ҳаккул И. Ойбек – Навоийшунос. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzalari тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 17-19-бетлар
14. Умумий гранта таълимнинг ДТС ва гўв дастури. Таълим тараккиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-максус сон
15. Хусанбоева К. Ўқувчиларни мустакил фикрлашга ўргатиш. – Т.: 2004, 11-12-бетлар
16. Kattabekov A., Yo'ldoshev Q., Boltaboyev H. Adabiyot. 8-sinf uchun (darslik-majmuasi). – Т.: O'qituvchi, 2001. - 448 b.
17. Shojalilov A., Toshmatova G., Matjonov S., Sariyev Sh. O'qish kitobi, 4-sinf uchun darslik. - Т.: O'qituvchi, 2003. -336 b.
18. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi. - // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 4-Oktabr.
19. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi. - // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 7-Oktabr.
20. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi. - // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 11-Oktabr.
21. Yo'ldoshev Q. «Adabiy saboqlar. 8». Umumta'lim maktablarining 8-sinf «Adabiyot» darsligi uchun metodik qo'llarma. - Т.: Sharq, 2004. – 160 6.

Олий таълимда машғулотларни ташкил этиш йўллари

Олий таълимда машғулотлар маъруза, амалий машғулот, семинар, мустақил иш бўлимларга бўлинади. Машғулотларнинг барча турлари ҳар бир бўлимга оид хусусиятларнинг ички ва ташки омилларига боғлик ҳолда ташкил килинади.

Олий таълимда маъруза машғулотлари айрича ахамият касб этади. **Маърузани** режалаштираётганда бириччи навбатда унинг мазмунига ахамият берилади. Ўкув дастурларида талабанинг ҳозиргача олган билимлари ва унинг бундан кейин эгаллаши лозим бўлган билим, кўнкима ва малакларини назарга олган ҳолда тегишли кўрсатмалар берилади. Бу кўрсатмалар маърузанинг мазмунига ҳам, уни ташкил этиш методикасига ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

Маърузани талабаларга етказишнинг методикаси иккинчи даражали масалалар каторига кирмайди. Аслида, олий таълимда таҳсил олаётган талабанинг олам ҳодисаларига диалектик ёндашуви, уларга нисбатан танқидий нуктаи назарнинг шаклланиши ва такомиллашуви кўп жихатдан лекция машғулотларининг ташкил этилишига ҳам боғликлар. Маърузаларда ҳодисаларнинг асл моҳияти қанчалик теран очиб берилса, уларга ёндашувларнинг хилма-хиллиги ҳамда бу хилма-хилликларнинг сабаблари қанчалик аниқ ва ишонарли ёритилса, талабанинг шу соҳага бўлган қизиқиши ҳам, унинг мазкур ҳодисаларга нисбатан шахсий нуктаи назари ҳам шунчалик ортиб ва реаллашиб боради.

Таълимнинг қайси босқичида бўлмасин, маъруза ва суҳбатлар жараёнида ўқитувчи асар мазмунини айтиб беришдан тийилиши керак. Машхур рус методисти А.Д.Алферов айтганидай: «Биз дарсликларда адабий асарларнинг мазмунини баён этишини нонпедагогик иш деб ҳисоблаймиз; ... бундай баён ҳеч қаҷон ёзувчининг ўзи чеккан дардларни туйишга мажбур кила олмайди. бунинг устига у ўқувчидан асл манбага мурожаат қилиш эҳтиёжини тортиб олади (ахир у асар мазмунини билади-да!) Бундай баён ёшларни адабиётнинг руҳи бўлган жонли, ижодий таъсирни ўз танида ҳис этиш имконидан маҳрум қиласи!». Бу фикрлар факат дарслик ва кўлланмалар учун эмас, балки маъруза ва суҳбатлар

¹ Карап: Семёнов А.Н., Семёнова В.В. Вопросы и задания по методике преподавания литературы. – М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003, с. 22

учун ҳам тўлалигича тааллуқлидир. Маъruzalarning янги, замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши бугуннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Маъruzalar ўқув дастури асосида шаклланади. Уларнинг тартиби ва мазмuni давлат таълим стандарти, намунавий дастур ва ишчи ўқув дастурларида акс этади. Буни шундай ифодалаш мумкин:

Намуна сифатида биз битта мавзунинг матнини келтиришимиз мумкин:

Маъруза мавзуси: «Лирик асарларни ўрганиш» (2 соат)

Мақсад: талабаларга лирик асарларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳакида маълумот бериш, уларда таълимнинг турли босқичларида лирик асарларни таҳлил килишга оид кўнікма ва малакаларни шакллантириш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бир қатор вазифалар белгиланиши керак. Буни биз иш режаси сифатида тавсия этишимиз ҳам мумкин:

Р е ж а :

1. Лирик асарларни жанр хусусиятларига кўра ўрганиш.
2. Лирик асарларни қабул қилишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Поэтик матнни таҳлил қилиш йўллари.
4. Лирик асарларни ўрганишдаги педагогик техника.
5. Лирик асарларни мактабда ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Лирик асарларни академик лицей ва қасб ҳунар колледжларида ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Лирик асарларни олий таълимда ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Маъруза ўз олдига кўйган мақсад ва вазифалар муайян натижаларни ҳам кўзда тутади. Шунинг учун ҳам педагог бу натижаларни аниқ тасавур этиши керак. Мазкур машгулот учун қуйидаги натижаларни режалаштириш мумкин:

Талаба қуйидагиларни билиши керак:

- лирик асарларнинг жанр хусусиятларини ҳамда бу хусусиятларни таълимнинг турли босқичларида эътиборга олишни;
- лирик асарларни қабул қилишда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларга эгалиги ва бу хусусиятларни таълим жараённида назарда тутишни;
- лирик асарларни таҳлил қилишининг педагогик асосларини билишни;

Маъруза матнининг мазмуни:

Бизда шеърий жанрлар, лирик асарлар ҳакида ёзилган тадқиқотлар нихоятда кўп. Бу бежиз эмас. Аслида бизнинг адабиётимиз тарихи том маънодаги лирик асарлар тарихи десак муболага бўлмайди. Классик адабиётимиздан ғазал минг йиллар давомида адабиётимизнинг бутун куч ва

кудратини, тилимизнинг назокат ва тароватини кўрсатадиган бир белги, кўрсаткич бўлиб келганилги бунинг ёрқин бир далилдидир.

Лириканинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Дастреб шу саволга жавоб бериб кўрайлик. Бунинг учун назарий китобларни вараклашга тўғри келади. Биз «Адабиётшунослик терминлари лугати, адабиётшуносликка кириш, адабиёт назариясига оид дарслклардаги таърифлар билан кизикамиз. Мана улар:

Жамол Камолда:

«Қадим Юноностонда лирика мусика ва рақс санъатлари билан узвий, чамбарчас хаёт кечирган экан, Шарқда ҳам шундай бир холни кузатиш мумкин. Шарқда энг буюк мутасаввуф шоир Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам ўзининг сўфиёна ғазалларини рубоб жўрлигига, рақсга тушиб айтган. Ўзбек халқининг севимли классик шоири Бобораҳим Машраб ўз шеърларини танбур оҳанглари билан орасталаб кўйлаб юргани эл орасида маълум.

Лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англаган, ўзини олам ичра яна бир олам деб билган ва ташки, объектив оламга янгича караган шароитларда пайдо бўлади... Лирика парвозини ҳамиша жамият хаёти белгилайди»¹.

Тўхта Бобоевда :

«Лирика (Юнон лирисжс – лира жўрлигига кўйлаш) – бадий адабиётнинг асосий турларидан бири бўлиб, бирор ҳаётгай вокеа-ходиса тасъирида инсон калбида тугилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали воқеликни акс эттиради»².

Дилмурод Қуроновда:

«Лирика (юн. чолгу асбоби) адабий тур сифатида қадимдан шаклланган бўлиб, ўзининг бир катор хусусиятларига эгадир. Лириканинг белгиловичи хусусияти сифатида унинг туйгу кечинмаларни тасвирлаши олинади. Яъни эпос ва драмадан фарқи равишда лирика воқеликни тасвирламайди, унинг учун воқелик лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларининг асоси, уларга туртки берадиган омил сифатидагина аҳамиятидир»³.

«Адабиётшуносликка кириш»да:

«Лирик турга киравчи асарлар одатда кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга. Лирик турга киравчи асарларда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади. Шу орқали лирик асарда бадий умумлаштириш вужудга келади»⁴.

Эркин Худойбердиевда:

«... лирик тур хусусиятлари асосан тўртта:

¹Жамол Камол. Лирика. - // Адабиёт назарияси. Икки томлиқ, II том, Адабий-тарихий жараён, Тошкент. Фан, 1979, 237-238-бетлар.

²Т.Бобоев Адабиётшунослик асослари – Тошкент, Ўзбекистон, 2002. 477-бет

³Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш Тошкент. А.Кодирий номидаги ҳалқ мероси наприёти. 2004, 183-бет.

⁴Шукуро в Н., Хотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, Ўқитувчи, 1979. 179-бет.

1. Лирика ва эпосда ҳам объектив ва субъектив дунё акс этади, лекин эпосда биринчиси, лирикада иккинчиси биринчи ўринга чиқади. Чunksи лирика ўз-ўзини ифодалашдир, аммо дунё лирикага лирик қаҳрамоннинг онги орқали ўтади, «мен» тилидан аён бўлади»...

2. Лирика эмоционал-хиссий (медитатив) фикрлашдир, яъни у ички олам, калб диалектикаси аксиидир. Дунёдаги зиддиятлар дилга кўчади; лирика ички поэзиядир, рухий ҳолат ойнасиидир.

3. Эмоционал - хиссий фикрлаш шахсий кечинма тусини олади, яъни лирика негизида кечинма туради, ҳаёт шеърда кечинма шаклида акс этади, кечинма лирик таъриф ва лирик образга айланади, шу сабабли, шахсий кечинма ўзига хос типик тарзга киради, одамлар бу кечинмада ўзини кўради, уни ўзиники килиб олади. Баъзи шоирнинг кечинмалари ҳаётга нисбатан тор, баъзиларини кенг бўлиши мумкин. Кечинмалари бой, теран шоир лирикасининг халқчиллиги ва умуминсонийлиги ортади.

4. Эмоционал-хиссий фикрлаш ҳис ва фикр муносабати маҳсулидир. Ҳаёт доимо шоирда кувонин ё нафрат хиссини кўзгайди, ҳис эса аста-секин фикр ва хуносабати айланади. Ҳис кўнгилдаги тўлкинланиш хосиласиидир. Шеърдаги ҳис тингловчидаги ҳам худди шундай ҳис тутдиради. Бу эса шеърдаги бадий идорик ва эстетик таҳлили ҳам лирик умумлаштиришдан келиб чиқади. Булардан келиб чиқадиган хуносаларни кўйидагича умумлаштириш мумкин:

- лириканинг бошқа санъат намуналари билан алоқадорлиги очик сезилиб туради;

- лирика қанчалик индивидуал, ҳусусий ҳолатларни акс эттиришига қарамай, унда жамият ҳаётининг ифодаси акс этган бўлади;

- лирик асарлар инсон ҳис-туйғуларини жуда аник ва ёрқин тасвиirlashi билан ажралиб туради;

- улардаги туйгу ва кечинмалар тасвири ҳаётий воқеалар тасвирини иккинчи даражага ўтказиб кўяди;

- уларда том маънодаги ривожланиб борадиган сюжет мавжуд бўлмайди;

- кискача килиб айтганда, уларда ўзига хос шеърий нутқ амал қиласди.

Абу Наср Форобий шеъриятнинг ўзига хослиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, жумладан, шундай дейди:

«...исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қиласди. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигни ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги Ёлгон бўлиб, факат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу харакат – феълни амалга оширади»¹.

¹ Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Арабчадан таржими, изоҳ ва мукаддималар муаллифи А.Ирисов. Ташкент. Гафур Ғуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 18-бет.

Тадқиқотчи олим А.Шаропов ёзганидай: «лирик кечинма оқими поэтик тасвир оркали ўкувчидаги юзага келадиган рухий хаяжон тұлқинларидағы үз ифодасини топади. Поэтик тасвирнинг ҳакконишлиги, унинг характери, аникилиги ёки ёркинилиги, босиқлиги ёки күттаринкилигига караб, ўкувчидаги бир-бирига ўхшамайдынган, бир-биринин тақрорламайдынган рухий кайфият хосил бўлади. Бу ранг-баранглик, биринчидан, шоирнинг борлик воеа-ходисаларни хис қилишдаги ўзига хослиги, бетакрорлиги билан узвий боғлик бўлса, тўғрироги, объектив ёки субъектив моментнинг белгиловчилиги билан изохланса, иккинчидан, давр талаби, ўкувчи рухий дунёсининг ранг-баранг катламлари, унинг бадий диди савиаси билан боғлиқдир»¹.

Шу ўринда яна бир тадқиқотчининг мулохазаларини кузатиш ўринли кўринади. Унинг ёзишича, «бадий асарда объект ва субъект тили терминлари (бу ерда «тиль» сўзи нутк маъносида) кўлланади. Адабий турлар – лирика, эпос ва драма тили ўртасидаги айрма ҳам айнан шу нуткадан – объект ва субъект нутқидан бирининг доминантлик (устунлик) қилишидан бошланади. Субъект – муаллиф, объект - қаҳрамонлар эканлигини назарда тутсак, лирикада субъект нутки ҳукмронлик қилишини сезиш кийин эмас. Лирик асарларда бевосита реал-ҳаёт воеа-ходисалар баёни эмас, балки ана шу воеа-ходисалар натижасида муйян бир шахс қалбидаги тугилган хис-хаяжон, туйгу-кечинмалар тасвири берилади. Демак, муйян хис-туйгу айрим олинган бир кишиники - субъектники, шу хис-туйгуни ифодаловчи ҳам субъектнинг ўзи. Масалан, Абдулла Ориповнинг «Чорлаш» шеъридан:

Дўсти гариб, кел, кўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга,
Кел, бир зумга дунёни унут,
Кўтарарайн сени баландга.

Кўриниб турибдики, нутк муаллифи – лирик қаҳрамон. «Дўсти гариб» га ҳамдардлик туйгуси ифода этилган бу ўн иккисилик бошдан-охир шу лирик қаҳрамон монологидан иборат. Айрим ҳоллардагина лирик асарларда (воеаебанд шеър ёки ғазалда) қаҳрамон (объект) нутки кўриниб колади, аммо у барibir субъект нутқидан кейинги ўринда туриши билан характерланади. Шу маънода лирика тилини субъект тили дейиши мумкин»².

Лириканинг бу хусусиятлари таълим жараённанда эътиборга олиниши шарт. Психологларнинг таъкидлашича, IV-VI синф ўкувчилари VII-VIII синф ўкувчиларига қараганда лирик асарларни тушунишга ва ўқишига мойилроқ бўлади. Бу мойиллик IX-XI синф ўкувчиларида яна янгидан ривожланиб боради.

Демак, таълим жараённанда бу хусусиятларни эътиборга олиш, керак бўлса, улардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланиши лозим. Шеър – эмоционал кайфият ифодаси. Бу кайфиятни ўкувчиларга юқтира олиш эса ўқитувчининг маҳоратига боғлик.

¹ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. Рисола. Тошкент. Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978, 41-42-бетлар.

² Фанис И. Фитрат драмалари поэтикаси – Тошкент, Фан, 2005, 180-181- бетлар.

Шеърий асар бир кишининг – шоирнинг оламни ўзига хос кўриши натижасида юзага келган ҳосиладир. Ҳамма гап шу ўзига хос қараш ва кўришни англаб, хис килиб етишда холос. Ана шу конкрет битта одамга тегишли туйгулар, хиссиётлар айни пайтда бутун инсониятга, ҳамма одамларга бир хилда алоқадорлигини англаш шеърни хис килишдаги биринчи қадам, дастлабки одим бўлади.

Шеърий асарни англаш, ундаги муаллиф кўзда туттган ниятни, мақсад ва вазифаларни тушуниб етиш, шеър гоясиниг магзини чакиш уни ўқишдан, янада аниқроғи ифодали ўқишдан бошланади.

Имкони бўлса, шеърий асарни профессионал актёрлар, таникли сўз усталари, ўрни билан эса уларнинг мусика ёрдамидаги ижросидан фойдаланиши мақсадга мувоғик бўлади.

Шунда шеърий асардаги ритм, товушлар уйғунлиги, сўзнинг кўп маънолилиги, айни пайтда ҳар бир сўз ва товушнинг жарангি, янги сўзнинг охори осонроқ ва таъсирлироқ тарзда намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам лирик асарларни кайта ҳикоялаш, «унинг мазмунини ўз сўзи билан айтиб бериш» мумкин эмас. Бу фикрни таникли адабиётшунос У.Норматов Эркин Воҳидовнинг юмористик шеърлари мисолида шундай изоҳлайди: «Чинакам лирик шеър маъносини наср ёки илм-фан йўлига кўчириш, уни кайта сўзлаб бериш мумкин бўлмагандек, чин юмористик – ҳажвий асар бисоти ҳам ҳар канча уринманг, кайта сўзлаганда тароватини йўкотади. ...Ўзбекона ҳалқ юморининг камалакдек товланишларини, Эркингагина хос фоят нозик лутф, беозор қочирим, ишоралар, истехзо, пичинг, заҳарханда, киноя-кесатикларини факат матн бағрида, уни ўқиши, эшиши жараёнидагина укиш, ўқиб яйраш, хандон отиб завк-шавкка тўлиши мумкин, холос»¹.

Шеърий асарларни таҳлил қилишда ўкувчиларнинг ёши алоҳида эътиборда тутилиши керак. Мисол тариқасида академик лицейларнинг ўкувчиларини оладиган бўлсан, уларнинг қалбига лирик асарлар моҳиятини сингандиришда мантиқийлик ва эмоционалликни кўшиб олиб боришининг самарали бўлишини таъкидлаш жоиз.

Бу ёнда уларга шеърий асарнинг образлар тизими ҳақида гапириш, мухокама ва мунозараларни шу соҳага буриш ўринли бўлади. Айни пайтда шеърнинг эмоционал-образли қирраларидан назарий тушунчалар томонга ўтиши имконияти ҳам мавжуд бўлади. Назарий тушунчалар асосида шеърий асар образларини тушуниш томон бориш ҳам амалиётда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган усуллардан хисобланади. Буни Навоий ғазаллари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Академик лицейларнинг иккинчи босқичида ўқиётган ўкувчилар умумий ўрта таълим мактабида Ҳамид Олимжон, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Атоий, Бобур, Муқимий,Faфур Ғулом, Миртемир, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Xуршид Даврон, Зулфия, Абай, Азим Суюн ва бошқа турли давр ва турли йўналишларда ижод қилган

¹ Норматов У. Шоир табассуми. – Сўз сехри. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига чизгилар. Нашрга тайёрловчи ва сузбoshi муаллифи X.Болтабоев. Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Даъват илмий нашриёти, 2006, 41-бет

шоирларнинг шеърлари билан танишиб ултурган бўлишади. Айни пайтда улар мумтоз шеъриятнинг жанрий бўлиншиларини, аруз вазнида ёзилган асарларни хижоларга бўлиб ўрганишни, шеър тузилишига оид тушунчаларни ўзлаштирган бўлишади.

Навоий ижодига оид дарслар воситасида ўкувчилар онги ва тасаввурида буюк адаб сиймосини – унинг ижодий киёфасини шакллантириш мумкин бўлади.

Навоийнинг ташки киёфаси унга замондош бўлган санъаткорлар томонидан чизиб колдирилган. Имкони бўлса, дарсда шу расмлардан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади. Адабнинг сўз воситасидаги портрети эса кўплаб ижодкорларда мавжуд. Биз Ойбек ижодига («Навоий» романни) мурожаат килишимиз мумкин.

Бобурнинг «Бобурнома» сидаги таъриф ҳам аскотади:

«Алишербек назири йўқ қиши эрди. То туркий тил била шеър айтибурлар, ҳеч ким ончалик кўп ва хўп айтқон эмас».

Навоийнинг шахсий фазилатлари, алоҳида кобилият ва иктидори ҳакида ҳам маҳсус тўхташ жоиз. Айниска унинг зехни, хотираси ҳакидаги тарихий фактлар ўкувчиларнинг қалбига кучли таъсир кўрсатади ва бу ҳолат уларнинг адаб ижодига бўлган қизикишларини оширувчи омил бўлиб хизмат килади. Шунга кўра адабнинг ёд олган асарлари, замонавий ва ўтган адаблардан ёд олинган шеърларнинг микдори ҳакидаги мулоҳазаларни уларга етказиш ўринли бўлади.

Навоий фавқулодда кобилият эгаси бўлган. Унинг иктидори чеку чегара билган эмас. У жуда эрта шуҳрат қозонган. Ўзидан бир неча марта катта ёшда бўлган замондошлари унинг иктидорини тан олишган, унга қойил колишиган.

Навоий шеърияти билан мулокот ўкувчиларнинг ички оламларининг, маънавиятининг бойишига катта хисса кўшади.

Навоийнинг ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги шеърлари факат ўша давр қишининг кечинмалари сифатидагина эмас, балки бугунги авлод, хусусан, ёшлар учун ҳам ибрат ва намуна мактаби бўлиши табиийdir. Ўқувчилар онгига мана шу ҳолатлар етказилиши керак.

Гурбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафiku меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун кафас ичра гар кизил гул битса,

Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Шеърни таҳлил қилиш жарабёнида унинг юзага келишига омил бўлган ҳаёттий воқеаларнинг тилга олиниши ҳам шеър моҳиятини англаб етишда асосий таянч нукталаридан бири бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шеър остидаги рухий ҳолатни аниклаш ва англаб етишнинг анча кийинлиги, баъзан эса умуман мумкин бўлмаслигини ҳам зътироф этиш керак.

Навоий шеърияти туйгулар ва фикрларнинг етуклиги, табиийлиги, фавқулодда гўзал ва таъсирчанлиги, сўз маъноларининг камалакдек товла-ниши билан ажralиб туради.

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,

Не балолиг күн эдиким, ошно бўлдум санга.
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин қўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.
Ман қачон дедим, вафо қилғил манг, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фило бўлгил манг, бўлдум санга.
Кай пари пайкарга дерсан телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қиласанг қил, санга бўлдум, санга.
Эй қўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.
Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,
Сокиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.
Ғусса чангидин навое топмадим ушишоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Шеър ифодали ўқилгач, саволлар устида ишлаш мумкин бўлади:

1. Шеърни ўқиши натижасида сизда қандай туйғулар пайдо бўлди?
Шеърда қандай образлар мавжуд?
2. Биринчи байт мазмунини қандай изоҳлаш ёки шарҳлаш мумкин?
3. Шеър мавзусини аниқланг. Унга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин деб ўйлайсиз? Қўйган сарлавҳангизни асослаб бера оласизми?
4. «Балолиг күн» ифодасини изоҳлаб беринг. Шеърда яна қандай сифатлашлар кўлланган? Улар қандай вазифаларни адо этмоқда?
5. Шеърнинг қофияси ва радифларини аниқланг. Нима учун айни шу сўзларнинг қофияда кўлланганлигини изоҳлаб беринг.
6. Байтлар орасида мантикий боғланиш борми? Уни қандай изоҳлаш мумкин. Байтдан байтга ўтган сари шоирнинг ички кечинмалари тасвирида қандай ўзгариш ва янги кирралар кузатилади? Изоҳлаб беринг.

7. Газалда қандай тасвир воситалири кўлланган? Улар қандай бадиий-эстетик вазифаларни бажармоқда?
8. Газалнинг тили, унда кўлланган сўзларнинг эмоционал-экспрессив томонлари хакида нималарни айта оласиз?

Навоийнинг мазкур газали лирик кайфиятнинг ўзига хос ифодаси сифатида алоҳида эътиборга моликдир. Мана шу кайфиятни түғдириш учун шеър ифодали ўқилади. Аммо ифодали ўқиши таъсирини ошириш, газалнинг онгли тарзда ўзлаштирилишини таъминлаш учун ўкувчиларга асардаги нотаниш ёки тушунилиши кийин бўлган сўзлар лугатини туздириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда куйидаги сўз, сўз бирикмаси, айрим тушунча ва гапларни ажратиб олиш мумкин: *батаррак, бўлдум, ваҳки, жоми Жам, кун-кундин, мубтало, мудом, наво, не балолиг күн, овора бўл, ошно, пари пайкар, соқиё, тарки жоҳ айлаб, тарки насиҳат айладим, узай сендин қўнгул, ушишоқ, Хизр суйи, юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга, қай, ғусса чангиги, ҳар неча*. Бу сўзларни хозирги ҳолатдагидек, яъни алифбо тартибида ҳам, байтлар таркибида учраш навбатига кўра изоҳлаш ҳам мукин.

Ифодали ўқишидан сўнг унинг байтма-байт таҳлилига ўтиш мумкин.

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиг күн эдиким, ошно бўлдум санга.

Матлаънинг биринчи мисрасида ошик кўнгилнинг соғинчли иштиёқлари, ёрга бўлган дил талпинишлари ўз ифодасини топган бўлса, кейинги мисрада мазкур ошиклиқдан пушаймонлик акс этган. Бу оҳанг ёрни илк марта кўрган кунга берилётган баҳода («не балолиг кун эдиким») мужассамлашган. Қоғияга «мубтало» ва «ошно» сўзларининг сурилиши мазкур мотивни бўрттириб тасвирилашга хизмат килади. Мисралар охирида тақрорланётган радиф – «бўлдум санго» мазкур кечинмаларнинг бевосита сўзловчи – лирик қаҳрамонга дахлдорлигини, шунингдек, бу туйгуларга сабаб бўлган йўналиш (сен) ни таъкидлаб туради. Аммо бу ергаги пушаймонликнинг оний лаҳзаларга оидлигини хам унутмаслик керак. Кейинги бандларда ундан асар ҳам колмайди. Аксинча уларда лирик қайфиятнинг бошқа кирралари янада теранроқ очиб берилади.

Энди бевосита лирик қаҳрамоннинг умумий ҳолати тасвирига ўтилади:

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,

Вахки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Бу ерда ишкий кечинмаларнинг ўзига хос тасвири мавжуд. У инсон – лирик қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларнинг тадрижини кўрсатиб бермоқда. Навбатдаги байтда хам шу рух давом этади. Энди лирик қаҳрамон ва унинг нутки йўналтирилган шахс – маъшуқанинг ўз сўзлари орқали инкишоф этиш йўли танланади:

Ман қачон дедим, вафо килғил манга, зулм айладинг,

Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Матлада бошланган мен ва сен зиддияти барча байтларда давом эттирилган. Факат олдинги мисраларда бу зиддиятга кучли ургу тушмаган эди. Ушбу байтда эса айни шу ҳолатнинг бўрттириб тасвириланиши кузатилади. Бу бежиз эмас – навбатдаги байтдан бошлаб лирик «мен»га алоҳида эътибор жалб қилинади. Туйгулар ифодаси шу байтдан бошлаб янада куюклаштирилади. Лирик қаҳрамон бунга бевосита маъшуқага мурожаати воситасида эришади:

Қай пари пайкарга дерсан телба бўлдунг бу сифат,

Эй пари пайкар, не килсанг қил, санга бўлдум, санга.

Мазкур мурожаат ёнида сўзлар тақори, улар воситасидаги мантикий кайтарик лирик қаҳрамон муддаосининг тўла ва таъсиричан ифодаланишига хизмат килади.

Кейинги байтда хам мурожаат килиш усули қўлланган. Бироқ, бу мурожаат энди ёрга эмас, балки лирик қаҳрамоннинг ўзигадир. Ўз-ўзига мурожаат шакли сифатида кўнгил танланган:

Эй кўнгул, тарки насихат айладим, овора бўл,

Юз бало етмаски, мен хам бир бало бўлдум санга.

Бу ерда зиддият юз ва бир ўртасида содир бўлмоқда. Кейинги байтда эса зиддиятнинг мантикий кучи яна бир пардага кўтаришади. Одатда, Жоми Жамга мушарраф бўлган киши ҳеч нарсага мухтоҷлик сезмайди. Айниқса, унинг ёнида «Хизр сўйи» хам мавжуд бўлса, бу энди ҳар нарсага имкон дегани билан баробардир. «Хизр сўйи» Навоийнинг бошқа ғазалларида «ҳайвон сўйи», «Тириклиқ сўйи», «оби ҳаёт» шаклларида хам ифодаланади.

У «гүё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмаси»дир. «Тасаввуда у ишқ-муҳаббат булоги, ҳақиқат нурининг манбанинг англатади»¹. Шунга карамай у соқий ҳузурида бир гадо холос.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,
Сокиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Соқий сўзи лугавий маънода май куйиб берувчи дегани бўлса-да, ушибу сўз тасаввуд адабиётгиде асосан рамзий маънода кўлланади. Унинг асл магиз-моҳиятини маърифат манбаси эканлиги билан белгиланади. Яъники, дунёнинг моддий неъматларидан юз ўғирган кишидагина шундай қаноат ва ифтихор бўлиши мумкин, холос.

Охирги байт – мақта шеърнинг ўзига хос якуни сифатида майдонга чиқади. Шунга кўра у барча байтлардаги фикр оқимини давом ҳам эттиради, айни пайтда уларнинг мантикий поёнини ҳам кўрсатади.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Бу ерда «гусса чанги» ифодаси оркали яна бир сўз ўйини амалга оширилмоқда. Унинг маъносини тўла тасаввур килиш факат шу сўзнинг ўзига эътибор бериш билан чегараланмайди. Энди «наво» ва «ушшоқ» сўзларига ҳам диккатни қаратиш зарурияти пайдо бўлади. Уларнинг ўзлари англатган лугавий маънодан ташкари куй номларини ҳам билдиришини эсга олсан, «гусса чанги» истиорасининг икки маънода қўлланганини тушунишимиз осон кечади.

1. Тасаввур килинг, сиз академик лиейларнинг иккинчи босқичида шу газални таҳлил қилмоқчисиз. Ўқувчиларнингизга қандай саволларни берган бўлар эдингиз? Шундай саволлардан 6-10 тасини ёзма равища кўрсатинг.

2. Навоий газалларидан бирини ўрганишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқинг.

3. Навоий газалларидан бирига ўқувчилар билан биргаликда тўлик лугат тузинг. Сўзларнинг лугавий маъноси билан шеър мисраларидаги маънолари орасидаги яқинлик ва айрималарга эътибор беринг.

Академик лицейларда ва қасб-хунар коллежларида Навоийнинг бир қатор робоий, газал ва китъаларини ўрганиш асосида ўқувчиларнинг класик шеърият, лирик қаҳрамон, лирик кечинма, лирик кайфият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва бойитиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларга шеърий асарни талқин килиша жуда кўп йўл ва усуллар борлигини, шоирнинг нияти кўпинчта таг маъноларда яширинган бўлишини, шунга кўра шеърнинг хар доим кўймаънолилик қасб этишини тушунтириш, уларда мана шунга оид кўнкимга ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш керак бўлади. Мисол тарикасида Абдулла Ориповнинг машхур шеърини эслатиш мумкин:

Бозорга ўҳшайди аслида дунё,

¹ Комилов Н. Жон ва жонон мажароси. - // Алишер Навоий. Газаллар, шархлар. (Тўплаб нашрга тайёрловчилар А.Шаропов, Б.Эшпўлатов). - Т., Камалак, 1991, 104-бет.

Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло
Молим ёмон деган бирор кимсани.

Ёки бошқа бир шеърни кўриш мумкин:

Доно ўйлар кўриб нодонни,
Табиатдан умр бир эхсон,
Инсонми шу ғанимат онни
Қадрламай совурган инсон?

Нодон ўйлар кўриб донони,
Табиатдан умр бир эхсон,
Инсонми шу ғанимат онни
Қадрламай совурган инсон?

Маърузани ўқиш билангина иш битмайди. Ўқитувчи талаба-нинг диққатини ўзак масалалар устида маҳкам тутиб туриши, асосий масалаларга унинг эътиборини қаратиши учун айрим изоҳлардан, диққатни тортувчи ишоралардан, бошқа мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланиши керак бўлади. Ўқитувчи маърузанинг қайси қисмida кўргазмали қуроллардан, техник воситалардан, тарқатма материаллардан фойдаланишини режалаштириши, савол ва топширикларни қайси ҳолатда беришни ўйлаб кўриши керак. Улар ҳам дарс мазмунининг пухта ўзлаштирилиши учун катта аҳамият касб этади. Масалан, юқоридаги мавзу учун қуйидаги савол ва топшириклардан фойдаланиш мумкин:

Савол ва топшириклар

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда лирик асарларни ўрганишда қандай фарқли жиҳатлар бор?

2. Лирик асарларни таҳлил қилишда асарнинг жанри қандай аҳмият касб этади? Конкрет мисоллар ёрдамида буни тушунтириб бера оласизми?

3. Таҳлил жараённада ўкувчилар лирик асарларни қабул қилишининг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор беришлари керак бўлади, деб ўйлайсиз?

4. Лирик асарларни ўрганишда ифодали ўқишнинг қандай роли ва аҳамияти бор? Тушунтириб беринг.

5.1. Адабиётлар билан ишлаш:

Тавсия этилган манбалар (адабиётлар) билан танишиш.

5.2. Битта поэтик матн устида киёсий таҳлилни амалга ошириш (мактаб дарслигига берилган таҳлилга ўз таҳлилини кўшиш)

5.3. Иккита дарс парчаси (фрагменти) ишланмасини тузиш. Ундаги асосий вазифа ўкувчиларга (5-, 6-синфлар) лирикага оид назарий маълумот бериш бўлади.

5.4. Берилган шеърий асар таҳлили учун саволлар тизимини ишлаб чиқиши.

5.5. Алохидада олинган шеърий асарни таҳлил қилиш учун дарс конспектини тузиш. (7-синфдаги, 8-синфдаги, 9-синфдаги, академик лицей-ларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларидағи шеърлар мисолида), (танланаш ихтиёрий).

6. Методист олимларнинг лирик асарларни таҳлил қилишга оид кузатиш ва тавсиялари билан танишиб чиқинг. Уларнинг ўзаро яқин ва фарқли жиҳатларини топа олдингизми? Буни ўз сўзларингиз билан изоҳлаб беринг.

Маъруза бошида, унинг ўртасида ёки охирида талабаларга тарқатма материалларни бериш ҳам яхши самара берадиган воситалардан бири бўла олади. Бунда маърузадаги материалларнинг талабаларга тўлиқ етиб бориши таъминланади. Мазкур мавзуда тарқатма материаллар сифатида айрим лирик асарларнинг таҳлили намунаси, лирик асарлар ҳақида адабиётшуносликдаги мавжуд фикрлар, шунингдек, методик адабиётлардан олинган кўчирмалар хизмат қилиши мумкин. Имкони бўлса, бундай тарқатма материалларнинг ҳар бир талабага етказилиши мақсадга мувоғиқ бўлади. Эндиликда бунинг энг кулагай шаклларидан бири сифатида уларнинг электрон вариантларини тавсия этиш ўринли бўлади. Улардан бир неча мақсадлар йўлида фойдаланиш мумкин. Тарқатмалар факат ҳозир эшитилган маъруза моҳиятини теранроқ англаш учунгина эмас, балки талабанинг бундан кейинги фаолиятида, жумладан, айрим мустақил ишларни бажаришида ҳам ёрдам бериши мумкин.

Маъруза машғулотининг жиҳозланиши. Ҳар бир маъруза учун керак бўладиган материаллар, асосан, адабий асарлар, уларнинг муаллифи ҳақидаги тадқиқотлар, расм ва портретлар, аудио ва видеоматериаллар бўлиши мумкин. Адабиёт дарсларида баъзан ижодкорларнинг ўзларини ҳам таклиф қилиш имконияти мавжуд бўлади. Низомий номидаги ТДПУда Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Умида Абдуазимова, Улугбек Ҳамдам сингари ижодкорлар билан учрашувлар ва уларга алоқадор тарзда бевосита дарс жа раёнларини ташкил этиш анъана тусига кирган. Компьютер технологиялари ҳам ҳозирги замон дарсларининг таркибий қисмига айланни бормоқда.

Олий таълимда амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ҳам кенг тарқалган. Қуида бакалавриат босқичи учун «Адабиёт ўқитиш методикаси» га оид амалий ишлар рўйхати келтирилган:

1. Амалий машгулотлар мазмуни (10 соат)

Амалий машгулотлар талабаларнинг тегишли фан соҳасидаги билимларни ўзлаштиришлари, шу соҳадаги кўнникма ва малакаларни шакллантиришлари учун катта имкониятларни беради. Амалий машгулотлар талабабининг мустақил ишларини йўлга кўшиш воситаси ҳамdir. Мисол сифатида кўриладиган бўлса, «Адабиёт ўқитиш методикаси» фани бўйича хозирги дастурга мувофик равишда амалий машгулотларнинг ҳажми 10 соат килиб белгиланган. Уларнинг мазмуни эса кўйидагича тавсифланади:

1-амалий машгулот

Бадий асарни образлар тизими оркали ўрганиш. Образларга сингдирилган маъно ва мазмун. Образлар тасифи (А.Қодирйининг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кечва кундуз», Алишер Навоининг «Фарход ва Ширин» асарлари мисолида).

2-амалий машгулот

Матн устида ишлаш йўллари. Матн мазмунини ўзлаштиришга оид кийинчиликлар, уларни бартараф килиш йўллари. Бунда лугат ва табдил усулидан фойдаланиш. Бадий асар матнини адабтация килиш йўллари. (Ўрхун-Эпасой обидалари, М.Қошгарийининг «Девону луғот ит-турк», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадгу бишиг», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари мисолида).

3-амалий машгулот

Эпик асарларни ўрганиш усуллари. Бунда сюжетнинг ўрни ва аҳамияти Композиция ва унинг элементларини таҳлил килиш методикаси. (А.Қаҳхор хикоялари, П.Қодиров романлари, хозирги замон киссалари).

4-амалий машгулот

Драматик асарларни ўрганиш усуллари. Вакеа ва персонажлар. Персонажлар нутки. Драматик асарларда музалиф нуткан назарининг намоён бўлиш шакллари. Драматик асарларда қаҳрамон нуткидаги ўзига хосликлар. (М.Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедияси, Софоклининг «Шоҳ Эдин» мисолида).

5-амалий машгулот

Лирик асарлар таҳлили (Мумтоз ва хозирги замон шоирларининг лирик асарлари мисолида).

Савол ва топшириклар:

1. Олий таълимдаги машгулотларнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Уларнинг куи босқичлардан кандай фарки бор?
2. Берилган мавзу асосида битта маъруза, битта амалий ва битта лаборатория машгулотининг режасини тузинг. Мавзуга оид адабиётлар рўйхатини тузинг.

Максус фанларни ўрганишда мустақил ишларни ташкил этиш усуллари

Мустақил ишларни ташкил этиш усулларида таълим-тарбия жараёнидаги ўрни, аҳамияти, мақсад ва вазифалари, метод ва принциплари баён этилади. Мустақил ишларни ташкил этиш тегишли фан олдига кўйган мақсад ва вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабиёт-шуносликка кириш, адабий танқид, фольклоршунослик, адабиёт ўқитиш методикаси каби фанларни ўрганишдаги мустақил ишларни ташкил этиш шакл жиҳатдан яқин келса-да, мазмунига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилиши табиинидир. Айни мана шу йўналишда таълимнинг турли босқичларида ўтиладиган мавзулар ранг-баранглиги ҳам ёндашувлар хилма-хиллигини тақозо этади. Масалан, 5-синфда ҳалқ маколларини ўрганишда ўзига хос, лирик асарларни ўрганишда янада бошқача, кичик эпик асарларни, масалан, ҳикояларни ўрганишда бўлакча топшириқлар тизими ишлаб чиқилади.

Бакалавриат босқичида талабаларнинг ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ, туман ва вилоятдаги фольклор материалларини тўплаш, ёзиб олиш ва тасниф қилиш фольклоршунолик предмети бўйича мустақил ишлар мазмунини ташкил этиши мумкин. Илмий-методик журналлардаги, максус тўпламлардаги методик мақолалар мазмунини ўқиш ва таҳлил қилиш адабиёт ўқитиш методикаси бўйича мустақил ишларнинг бир қисмини ташкил эта олади. Бундай топшириқларни ихчамлашган шаклда умумий ўрга таълим мактабларининг, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига ҳам бериш мумкин бўлади. Фақат бу ерда уларнинг ёш хусусиятлари ҳамда мавжуд кўникма ва малакаларининг эътиборда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақил ишларни ташкил қилишда замонавий ахборот технологияларидан, хусусан компютер, айниқса, «Интернет» имкониятларидан фойдаланиш катта самара беради.

Бадиий адабиёт матнини ўқиш ва унинг магзини чақиш мустақил ишларнинг салмоқли қисмини ташкил этади.

Хитой ҳалқида бир мақол бор: «Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер – у бир кун тўқ бўлади, унга балиқ тутишин ўргат – у бутун умри давомида тўқ юради»¹. Ўқувчиларимиз китоб ўқиш

¹ Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. - // Литература в школе, 2006, № 6, с.25 (25-28)

методикасини ўргатишга мұхтожлик сезишади. Бу очық ҳақиқатидир. Күпчилік ўқувчиларининг китоб ўқимаслигидан шикоят қилишади. Ваҳоланки, бу ўқувчилар китобни ўқигилари келмаганлығи учун эмас, балки китобни қандай ўқишиңи яхши билмаганлари учунгина ўқишимайди. Натижада күплаб яхши ташаббус ва бошланмалар охирига етмай барбод бўлади.

Энг аввало ўқувчиларга и и м а н и ўқишиңи ўргатиш керак. Ўзига керакли маңба ва материалларни топа олган ўқувчи излаётган нарсасини топа боради. Шу жараёнда у ўқитувчининг кўмак ва кўрсатмаларига мухтоҷ бўлади. Тўғри йўналиш олган ўқувчи бу йўлни мустақил тарзда давом эттириш имконига эга бўлади. Қандай ўқиши ҳам мұхим масаладир. Биринчи талаблар орасида китобни охирига етказиш шартини келтириш мумкин. Охирига етказилмаган китоб ўқувчидаги чала, узуқ-юлуқ тасаввур уйготади. Унинг қалбида гўзаллик ва завқнинг мукаммал тимсолларини яратса олмайди. Бунинг муқобилида рўпара келган китобни ўқиши – «китобхўрлик» ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бунинг зарарли жиҳатларидан бири шундаки, ҳар қандай китобни муайян мақсадсиз «ўқиб ташлаш» натижасизликка, шунчакиликка олиб боради. Бориб-бориб бундай китобхон китобнинг – бадиий асарнинг завқу нафосатидан бутунлай бебаҳра қолади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт ўқитувчиси» бунинг ёрқин мисолларидан бири бўла олади.

Гётенинг машҳур гаплари бор. У шундай дейди: «Ушбу яхши одамлар ўқишиңи ўрганиш учун қанчалик кўп меҳнат ва вақт кераклигини тасаввур ҳам қилмайдилар. Менинг ўзим бунга 80 йиллик умримни бағишлидим ва ҳалигача мақсадимга тўла эришдим дея олмайман».

Демак, китоб ўқиши ҳам ўзига хос санъат экан.

Алишер Навоий мана шундай санъаткор ўқувчиларнинг бир канча намояндаларини тасвирлаб берган. Улардан бири Фарходдир. У китобхон йигит. Аммо у китобни шунчаки ўқимайди, балки муайян мақсад билан ўқииди. Китобни «ўқиб ўтмак» унинг шиоридир. Аммо шунинг ўзигина эмас, у «уқиб ўтмак» ни ҳам бош мақсад даражасига кўтара олган. Натижа ҳам аён: унинг ўқиган барча китоблари хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Агар бир қатла кўрди ҳар сабакни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варакни.

Не сўзники, ўкуб, кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳига қозиб.
Ўкиб ўтмак, укиб ўтмак шиори,
Колиб ёлида сафҳа-сафҳа бори¹.
Бундай хусусият Мажнунга ҳам хосдир:
Кун бор эдиким беш-үн сабакни
Англаб эвурур эди варакни²

Бу ерда тақрорланаётган бир ҳолатта эътибор бериш лозим. Фарҳодда «укиб ўтиши», Мажнунда «англаб» вараклаш маҳсус таъкидланмоқда. Бу хислатлар китоб ўқишидаги асосий нуқталардан бири бўлиши кераклигига ишорадир. Демак, китоб муайян мақсад билан ўқилиши керак. Биз бу ерда фақат бадиий адабиётни назарда тутамиз. Ўқувчи бадиий асарни ўқир экан, тегишли соҳа ҳақида дастлабки маълумотларни олади, янги ҳаётий манзаралар билан танишади, оқибатда унинг дунёкараши, умумий маданий савияси кенгаяди, ўз руҳида содир бўлаётган ўзгаришларни кузатиб, ҳис этиб боради; асар қаҳрамонлари билан дардошлик, туйғудошликни кечиради, худди шу ҳолат завқи уни янги-янги бадиий асарларни ўқишига илҳомлантиради.

Бадиий асар устида ишлашдаги асосий камчиликлардан бири уни охиригача изчил ўқимасликда намоён бўлади. Ўқувчилар кўпинча охирги натижа билан қизиқишади, шунинг учун ҳам «ўртадаги воқеалар» четда қолади. Бу бесабрлик, чидамсизлик оқибатидир. Ўқувчиларни бундай хусусиятдан эртароқ фориг қилиш керак. Бунинг учун эса изчил ва мунтазам фаолият зарур бўлади. Қолдириб кетилган саҳифаларда мужассамлашган эстетик олам, унинг гўзалликлари ўқувчилар онгига, шуурига етказилсанына тегишли мақсадга эришиш мумкин бўлади. Асар қаҳрамонларига, воқеалар ривожига, тасвирнинг ўзига хослигига, ифодаларнинг оҳорлилигига эътибор қаратиш, тегишли ўринларни қайд қилиш, дафтар ёки алоҳида карточкаларга кўчирмалар олиш бу жараённи мўътадиллаштиради. У ўкувчини «кашфиётчилик» сари бошлайди.

Эринчоқлик китоб ўқишидаги асосий ғовлардан биридир. Бу ерда гап фикрлашдаги, тасаввур қилишдаги эринчоқлик ҳакида бормоқда.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том, Ҳамса, Фарҳод ва Ширин, Тошкент, Фан, 1991, 175-бет.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Тўққизинчи том, Ҳамса, Лайли ва Мажнун, Тошкент, Фан, 1992, 69-бет.

Илмий, оммабоп китобларни, газета ва журналларни тез, варақ-лаб-вараклаб ўқиш мумкин. Эҳтимол у фойдали ҳамдир, чунки у ердаги асосий мақсад тегишли маълумот ва ахборотларни тез ва кўп топишдан иборат. **Бадиий адабиётнинг эса секин ўқилиши, тушуниб ўқилиши, ҳис этиб ўқилиши шартдир.**

Бунинг учун эса уни бир марта ўқишининг ўзи камлик қилади. Яхши ва муносиб бадиий асарлар қайта-қайта, такрор ва такрор ўқилганидагина тегишли маърифий-эстетик самарани бера олади, холос. С.И.Поварниннинг ёзишича, «биринчи марта ўқилаётган асар янгилиги учун бизда катта қизиқиш уйғотади, бизни фабула қизиқтиради... Қайта ўқишда мазкур қизиқиш бартараф бўлади, унинг ўрнига биз бошқа, нисбатан мухим бўлган жиҳатларга эътибор бера бошлаймиз. *Бадиий асарни ҳақиқий ҳис этиши ва англаш бадиий асарни қайта ўқишидагина содир бўлади, холос*».

Таълим жараёнида алоҳида бадиий асарлар хақида адабиётшунослиқда, танқидчиликда мавжуд бўлган фикр-мулоҳазалар билан ҳам танишишга тўгри келади. Аммо бу жараён, албатта, бадиий асарни ўқиб бўлгандан кейингина амлга оширилиши жоиздир. Акс ҳолда ўқувчи бадиий асарни ўқишдан воз кечиб кўя қолиши мумкин.

Махсус фанларни ўқитишида талабалар билимини назорат қилиш шакллари

Назорат қилиш талабаларнинг муайян вакт оралиғида тегишли фаннинг муайян соҳаси юзасидан олган билимларини аниқлаш усулидир. Назорат ҳам дарснинг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Шунга кўра у ўқув машғулоти – дарснинг бир қисмини эгаллаши ёки уни тўлигича банд қилиши мумкин. Бу назоратнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ бўлади. Бунда ўқувчи (талаба) нинг ўтилган материални нечоғли ўзлаштиргани аниқлаб олинади ҳамда олинган билимларнинг амалиётга кўлланиш даражаси муайянлаштирилади. Назорат фақат ўқитувчи учунгина эмас, (талаба) ўқувчи учун ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Буни куйидагича ифодалаш мумкин:

Ўқитувчи учун	Талаба (ўқувчи) учун
Бир гурӯх ўқувчиларнинг барчасига тегишли ишлар натижлари хакидаги маълумотларни билиш	Ўқиши мотивларини ўстириш (назорат ишлари давомида ўқувчининг ўзлантирипидаги ютуқ ва камчиликларни ҳам ошкор киласди)
Алоҳида ўқувчининг олган билимлари, эгаллаган кўнкимга ва малакаларининг даражасини аниқлаш	Ўқувчининг бундан кейинги фаолияти килинини лозим ўлган ишлар мазмуни ва усуллари хакида ўйлашга мажбур киласди
Ўз ишининг самарасини (тавълим усуслари кай даражада самарали; иш жараёнида кандай камчиликларга йўл кўйилган, тавълим дастурига кандай ўзгаришлар киритилиши керак) аниқ баҳолаш	

Назорат ишида нималарга эътибор берилади?

Биринчи навбатда бадиий асар ёки адабий парчанинг ўзлаштирилганлик даражаси, бунда ўқувчиларнинг ҳис қилиш имконлари ҳам назарга олинади.

Бадиий асарни бошқаларга етказиб бериш (қайта ҳикоя қилиш кўнкимларига эгалиги; қайта сўзлаш жараёнида бадиий асардан олинган парча, ифода ёки сўзлардан, тасвир воситаларидан фойдалана олиш малакаси; назарий жиҳатдан олинган материалларни, ўзлаштирилган билимларни амалиётга (бошқа материал ва мисолларга) татбиқ қила олиш кўнкимаси; айни мана шу асарга хос бўлган бадиий-эстетик омилларни ҳис эта билиш, аниқлашга оид кўнкимка ва малакалари.

Адабий асарни ўқиш ҳамда ўзлаштириш билан боғлиқ жараёнлар оддий, механик жараёнлар эмас. Шунинг учун ҳам бу ерда

ўқувчиларнинг билими эмас, балки асардан олган завқ ва таассуротлари асосий ўрин тутади. Бунинг лисоний ифодаси эса ўзининг эмоционаллиги билан ажралиб турсагина, ўқитувчи ўз олдига кўйган вазифани бажарган бўлади. Бу тегишли кўникма ва малакаларсиз юзага келмайди. Демак, назорат ишини ўтказиш ва уни баҳолашда худди шу нукталарга асосий эътибор бериш зарурдир.

Тоғнинг чўққисига унинг этагидан бошлаб чиқиб борилганидек, ўқувчиларнинг бу соҳадаги эришишлари лозим бўлган дараражаларини энг олий нуктасидан эмас, балки жуда оддий ва содда боскичларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳамма нарса киёсларда билинади. Аммо ҳамма ўқувчидан бир хил дараражани талаб қилиш ҳам ўринли бўлмайди. Ҳар бир шахснинг алоҳида индивидуал хусусият ва хислатларга эга эканлигини бир дақиқа ҳам ёддан ниқармаслик керак.

Шунга кўра берилган топшириқ ва вазифаларни бажаришдаги хато ва камчиликларнинг миқдори ҳар доим ҳам тўғри баҳолаш имконини бермаслиги мумкин. Энг мухими ўқувчидан юз берадётган ижобий ўзгаришларнинг йўналиши бўлиши керак. Ўқувчининг тиришқоқлик билан қилаётган ҳаракатлари назорат қилаётган ўқитувчи кўз олдида бутун педагогик аҳамияти билан туриши лозим бўлади.

Ўқувчиларнинг эгаллашлари лозим бўлган кўникма ва малакаларининг рўйхати ўқув дастурларида ўз аксини топган.

Адабиёт дарсларидаги назорат ишлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ёзувчининг таржимаи ҳолини ёки у ёзган асарни ўқишининг ўзи ҳали ўқувчининг адабиётдан олган билим, кўникма ва малакаларининг асосий кўрсаткичи бўла олмайди. Бу ердаги бош мезон амалий фаолият билан боғлиқ. Бунинг ёрқин кўриниши адабий асар ҳақидаги ўқувчи тасаввури, шу тасаввурнинг лисоний ифодаси, ифоданинг эса эмоционаллик дараҷаси билангина белгиланади. Шунга кўра, адабиёт билан боғлиқ бўлган назорат ишларидаги асосий вазифалар ўқувчиларнинг нутқий кўникмалари ва малакалари билан алокадор бўлади. Улар оғзаки ёки ёзма шаклларда амалга оширилади.

Назорат ишларининг бир қатор вазифалари мавжуд. Улар орасида энг мұхимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ташхис қилиш, ўргатиш, бошқариш, тузатиш, рағбатлантириш,

баҳолаш. Уларнинг ҳар бири ўзига хос талаб ва мезонларга эга. Буни кўйидаги жадвалдан кузатишимииз мумкин:

Назорат вазифаси	моҳияти
ташхис килиш	Дастурда кўрсатилган талабларнинг бажарилиш даражасини ўрганиди. Кўрсатилган натижалар асосида навбатдаги ишларнинг мазмунни ва мундарижаси белгилаб олинади
ўргатиш	Назорат ишини ўтказиш жараёнида ўтилган мавзулар яна бир марта эса олинади, уларнинг тақорланишига имкон туғилади. Худди шу холатнинг ўзи мавзуни пухтароқ ўзлаштиришга асос ҳосил киласди.
бошқариш	Талаба (ўкувчи) ўзлаштириган билим, кўникма ва малакаларнинг даражаси ўқитувчининг бундан кейинги иш фаолиятини бошқариш имконини беради. Ўқитувчи тегиши материалларни ўтишининг мазмуни, хажми, шакл ва усуслари орқали ўкувчиларга таъсир килиш ўйларини белгилаб олади.
тузатиш	Ўқитувчи мавжуд холат ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлади. Шунга кўра намоён бўлган нуқсон ва камчиликларни бартагарф килишга имкон берадиган тузатишларни амалга оширади.
рагбатлантириш	Назорат килиш ўкувчини текшириш, уни баҳолаш мақсадининг кўзда тутмайди. Ҳар бир назорат иши ўкувчидаги муайян коникини ва раббат туйгуларини ҳам уйготиши керак. Ўз ишидан кониккан одам ундан завқ туюди. Завқ эса навбатдаги ишлар учун раббат ўйготади.
баҳолаш	Назорат ишларининг натижалари ўкувчилар учунгина эмас, ўқитувчининг ўзи учун ҳам самарадорлик даражаларини баҳолаш имконини беради.

Назорат ишларининг турлари ҳам хилма-хил. Уларнинг кенг тарқалгани сифатида дастлабки, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини кўрсатиш мумкин.

Дастлабки назорат муайян фан (адабиёт) ёки унинг алоҳида бўлимлари (халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумоз адабиёти, жаҳон адабиёти, мустакиллик даври адабиёти ва б.), мавзуларни ўтиш олдидан ўкувчиларнинг умумий билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш учун ўтказилади. Унинг асосий мақсади муайян фаолият турига ўкувчиларнинг умумий тайёргарликларини назоратдан ўтказиш сифатида қаралади. Бу ўкувчиларнинг фанга, жумладан, адабиёти бўлган умумий қарашларини, уларнинг қизиқиши доираси ва даражаларини, диккати, хотириси, мояиллilikлари, умумий ривожланиш даражалари ҳакидаги дастлабки тасаввурларни муаййналаштириш имконини беради. Бундай назорат натижасида бундан кейинги ишларни режалаштириш, ўкувчиларга инцивидуал тарзда ёндашиш имкони туғилади. Бундай назоратни анкета саволларига жавоб бериш ёки тест саволларини ечиш орқали амалга ошириш мумкин.

Жорий назорат ҳар бир адаби адабий асарни ўрганиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Бу ўзлаштириш жараёнининг қандай давом этётганини кузатиб бориш имконини яратади. Жорий назорат мунтазам тарзда, изчил равища олиб борилсанча тегишил самара беради. Ўкувчи ўзининг доимий ўзаришларини хис этиб, сезиб борса, унинг ўкув фаолиятига бўлган раббат ва кизиқишиларни ҳам баркарорлашиб боради.

Оралиқ назорати муайян мавзу ёки туркумлар якунланганидан кейин ўтказилади. Масалан, 5-синфда «Ҳикмат дурданалари» руҳни остида бир катор материаллар берилган:

ҲИКМАТ ДУРДОНАЛАРИ

Маколлар (2 соат).

Маколлар халқ оғзаки адабиётти намунаси сифатида. Маколларда халқ миллий тафаккури қаймогининг акс этили. Маколларнинг шаклий тузилиши, уларга хос кискалик, таъсиричаник, терарник каби хусусиятлар ҳакида маълумот. Маколларнинг кишиларни эзгу мавнавий сифатлар руҳида тарбиялаш воситаси эканлиги. Маколларнинг мавзу доираси. Ватанпарварлик, дўстлик, илм ва қасб-хунар, оила, одоб, тарбия ҳакидаги маколлар. **Назарий маълумот.** Халқ оғзаки ижоди тушунчаси.

Топишмоклар (1 соат).

Топишмоклар халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри сифатида. Топишмокларда инсон ва уни ўраб олган оламнинг ўхшатишлар, тақкослашлар, саволлар воситасида ифодаланганилиги. Топишмокларнинг шаклий тузилиши. Топишмокларнинг савол ва жавоб кисмлари билан биргаликда бир бутун асарни ташкил этганлиги. Топишмок ва чистон.

Назарий маълумот. Мақол ва топишмок тушунчалари.

И мом Ҳамаммад ибн Истоил ал-Бухорий. Ҳадислар (2 соат). И мом Бухорий ҳамда унинг «Ал-адаб ал-муфрад» («Лабд бурданалари») китоби ҳакида қискача маълумот. Ҳадисларнинг мавзу қамрови, уларнинг мақсад ва вазифалари, маърифий-тарбиявий аҳамияти.

Ҳадисларда юксак инсоний фазилатларнинг улугланиши. Уларда инсон шаънини камситадиган, инсонийликка хос бўлмаган хусусиятларнинг қораланиши. Ҳадисларнинг ҳатқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт билан кўпгина уйғун жиҳатларининг мавжудлиги.

Назарий маълумот. Ҳадис.

Эзоп. «Ёввойи очкилар», «Кийик билан токзор», «Бўри билан лайлак», «Эшак билан бақалар», «Устига туз юклантган эшак», «Бургут, загча ва чўпон» масаллари (2 соат).

Қадимги юнон масалчиси Эзоп ҳаёти тўгрисидаги ривоятлар. Эзоп масалларининг инсоният мавнавияти, маърифий тафаккуридаги ўрни. Масалларда эзгулик, саҳиийлик, олиланоблик сингари ғояларнинг илари суриглани.

«Ёввойи очкилар» масалада дўстга садоқат, «Кийик билан токзор» масалида яхшилик килганга яхшилик билан жавоб қайтариш, «Бўри билан лайлак» масалида дўст-дushmanнинг кимлигини фарқланилозимлиги, бошقا масалларда ҳам шунга ўхшаш ҳаётий масалалар рамзий образлар оркали талқин этилиши.

Масалчиликнинг шаклланиши ва тараккётиди Эзоп ижодининг аҳамияти. Эзоп масалларининг тарбиявий роли.

Назарий маълумот: Масал ҳакида тушунча.

Оралик назоратни мана шу руҳи якунланганидан кейин ўтказиш максадга мувофик бўлади. «Ривоят ва эртаклар оламида», «Болаликнинг бегубор олами», «Мумтоз адабиёт бўstonи» сингари руҳнлар якунида ҳам шундай назоратни ўтказиш имконияти бўлади.

Якуний назорат ўқув йилининг охирида, ўқув предметини якунлаш даврида ўтказилади. Бу бутун ўқув предмети юзасидан олинган натижаларнинг умумий манзарасини ойдинлаштириш вазифасини адо этади. Бунинг учун тест топшириқлари, оғзаки ва ёзма имтиҳон ҳамда синов саволлари, ёзма ишлар ўтказилиши

мумкин. Адабиёт дарсларида баён ва иншолар ҳам шу вазифани бажара олади. Қуйида назорат ишларининг воситалари, шакллари, ҳамда айрим намуналари берилади:

назорат воситалари:	назорат шакллари
тартатма материаллар, тестлар, саволномалар, ёзма иш мавзулари, ижодий ишлар намуналари (реферат, курс иши, мустақил иш, ижодий ишто ёзиш)	индивидуал, группули, ялни, жуфт,

Фольклор асарларни ўрганиш хусусиятлари

Адабий таълимнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари анча кенг доирани ташкил этади. Уларнинг орасида энг муҳимлари сифатида ўкувчиларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, улардаги бадиий-эстетик дидни ҳамда ижодий имкониятларни тарбиялашни кўрсатиш мумкин. Бунда ҳар қандай юксак даражадаги бадиий асар жуда катта ва бой материалларни бера олади. Халқ оғзаки ижодига оид асарлар ҳам бу жиҳатдан айрича аҳамият касб этади. Фольклор асарлари биринчи навбатда, халқ тафаккур тарзининг, хусусан, бадиий тафаккур тарзининг меваларидир. Шунга кўра улардаги халқона дунёкарашнинг сўз санъати воситасида ифодаланган гўзал дурданалари ўкувчиларга халқ маънавиятининг, миллий қадриятларнинг такрорланмас намуналари сифатида кўринади. Буларнинг барчаси фольклорнинг кўплаб жанрларида мужассамлашади. Мақол, тез айтиш, топишмоқ, асотир (миф), эртак, ривоят, афсона, қўшиқ, терма, достон кабилар шулар жумласидандир.

Таълимнинг турли босқичларида ўкувчиларнинг ёш хусусиятлари ва адабий тайёргарликларига мос ҳамда мувофиқ тарзда халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган турли жанрдаги юксак бадиият билан йўғрилган асарлар ўрганилади.

Фольклор асарларини ўрганиш бошқа адабий асарларни ўрганишдан тубдан фарқ қиласди. Гап шундаки, фольклор асарларининг ўзига хос хусусиятлари уни ўқитишида ҳам ўзига хос ёндашувлар бўлишини тақозо этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касбхунар коллекларида ўкувчилар фольклорнинг турли намуналари билан танишиб улгуришган. Дастур ва дарсликларда бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар келтирилган. Олий мактабда эса ўзбек тили ва адабиёти йўналишида фольклоршунослик маҳсус ўкув предмети сифатида ўрганилади. Демак, талабалар, тегишли назарий маълумотга ҳам эга бўлишади. Бу ерда, дастлаб, оғзаки ва ёзма адабиёт орасидаги ўхшашиб ва фарқли жиҳатларга эътиборни тортиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётнинг оғзаки ва ёзма турларга ажратиш нисбатан кейинги ҳодиса эканлиги, дастлаб адабиёт фақат оғзаки шаклда юзага келганлигини эслаш жоиз.

Оғзаки ижоднинг халқ оммасига нисбат берилиши, шунинг учун хам бу адабиёт халқ оғзаки ижоди деган ном билан юритилиши изоҳланиши керак. Айни пайтда, халқ оғзаки ижоднинг бирданига кўпчилик томонидан яратилиши эмас, балки оммавий тарзда қўлланиши, муаллифининг аниқ бир шахс билан чегаралмаслигига ишора эканлигини тушунтириш ўринли бўлади.

Фольклор асарларининг ўзига хос хусусиятлари, айрим жанрларнинг генезиси ва поэтикаси, фольклор матнларининг талкинлари фольклор жанрларининг ўзига хос хусусиятлари, улардан таълим жараёнода фойдаланиш имкониятлари Н.П.Андреев, В.П. Аникин, А.М.Астахова, П.Г.Богатырев, А.Н.Веселовский, В.Е. Гусев, В.М.Жирмунский, Н.П.Колпакова, Ф.Е.Корш, Н.И.Кравцов, Ю.Г.Круглов, С.Г.Лазутин, Д.С.Лихачев, Е.М.Мелетинский, Э.В. Померанцева, А.А.Потебня, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов, Б.А.Рыбаков, М.А.Рибникова, В.К.Соколов, П.Д.Ухов, Ҳ.Зариф, М.Афзалов, М.Алавия, Т.Мирзаев, Ҳ.Раззоқов, О.Собиров, Б.Саримсоқов, К.Имомов, Ф.Жалолов, Ҳ.Абдуллаев, М.Жўраев, О.Сафаров, У.Жуманазаров, А.Мусақулов, О.Мадаев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонкулов ва бошқа кўплаб фольклоршуносларнинг асарларида берилгани ишни осонлаштиради. Уларга таяниб туриб фольклорнинг пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти, фольклор жанрларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ёзма адабиётга муносабати, фольклордаги вариантилилк, анъанавийлик, бадииятнинг ўзига хосликлари ҳақида маълумотлар берилади. Айниksа, таълимнинг қуий босқичларида ўрганиладиган фольклор асарларининг моҳиятини теранроқ ёритишга ёрдам берадиган илмий тадқикотлардан, методик адабиётлардан кўпроқ ва унумлироқ фойдаланиш тавсия этилади.

Хар бир синфда фольклор материалларини танлашда ўқувчиларнинг руҳий ҳамда ёш хусусиятлари назарда тутилган. 5-синфдан бошлабоқ факат фольклор асарларининг ўзинигина эмас, балки уларга боғлиқ ҳолда айрим назарий маълумотларни ҳам етказиш кўзда тутилган. Ўқитувчи мана шу дастлабки тажрибаларданоқ фольклор назариясининг элементар маълумотларини ўқувчилар онгига сингдириб бориши керак.

Адабиётшуносликда, хусусан, фольклоршуносликда фольклор жанрларини ўрганишнинг илмий-назарий асослари теран таҳлил этилган. Аммо фольклор асарларини ўқитиш жараёнода мана шу назарий асосдан етарлича фойдаланиммоқда, деб бўлмайди.

Дарслик ва қўлланмалардаги таҳлиллар асосан фольклор асарларининг гоявий мазмунини ёритишга йўналтирилган. Айрим ҳоллардагина асарлардаги қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади. Бу ҳам асосан, эпик асарлар таҳлилидагина кўзга ташланади.

Фольклор асарларининг шаклий хусусиятлари, айниқса, уларнинг тили эътибордан четда қолади. Ўқитувчиларнинг ана шу эътиборсизлиги ўқувчиларни фольклор асарларида мужассамлашган гўзалликдан бебаҳра бўлишларига сабаб бўлади. Вахоланки, турли жанрлардаги фольклор асарларидағи поэтик яхлитлик, уларнинг поэтикасидаги ўзига хосликларни идрок этиш ўқувчиларнинг адабий таълимида ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Буларнинг барчаси фолькор асарларини ягона тизим сифатида ўрганишни, фольклор асарларидағи тасвир принципларини, тасвир воситаларини, уларда мужассамлашган ҳалқ эстетикаси асосларини ўзлаштиришни тақозо этади. Методика илми олдида булат ҳам энг жиддий вазифалардан бири сифатида турибди.

Фольклор асарларининг оиласдан, мактабгача тарбия муассасларидан бошлаб ўрганилиши, бошлангич синфларда бунинг анча кенгроқ миқёсларга кўтарилигани умумий ўрта таълим мактабларида турли жанр, йўналишдаги фольклор асарларини чуқурроқ ва тўлароқ идрок этишга имкон яратади. Бу ҳолат ҳалқ оғзаки ижодидаги гоявий-бадиий бойлик, ранг-барангликнинг ўзлаштирилишига пойдевор бўла олади.

Энг муҳими, улар фольклор асарларидаги ўзига хосликларни теран илғаб олишлари лозим. Фольклорнинг ёзма адабиётга муносабати, унга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, оғзаки ижодда ҳалқ бадиий тафаккур тарзининг ўзига хос тарзда мужассамлашишини улар онгли тарзда идрок этишлари лозим.

Фольклорнинг бошқа санъат намуналаридан бири эканлиги, айниқса, унинг мусиқа, театр, ҳалқ қизиқчилиги, қўғирчоқбозлиги билан яқин алоқалари ҳақидаги тасаввурлари шакллантирилади.

Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқ малакаларининг такомиллашишига омил бўлади.

Шу мақсадда бўлажак тил ва адабиёт фанлари ўқитувчилари мавжуд илмий-назарий ҳамда методик адабиётлар билан пухта танишишлари, уларнинг мазмун ва моҳиятларини пухта ўзлаштиришлари лозим. Шу асосда улар фольклор жанрларининг

ўзаро алоқалари, таъсири ва поэтикаси ҳакида батафсил илмий маълумотларга эга бўлишади. Шунингдек:

- ҳозирги замонда таълимнинг турли босқичларида фольклор асарларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишилади;
- фольклор асарларининг ўқув дастурлари ҳамда дарсликлардаги берилишининг илмий-методик асослари билан танишиади;
- фольклор асарларини ўқувчилар томонидан тушунилиши нинг педагогик-психологик асосларини кузатишади;
- умумий ўрта таълим мактабалари, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларида фольклор асарларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиади.

Фольклор асарлари ўзбек хонадонининг доимий йўлдошидир.

У мактаб дастурларидан салмоқли ўрин олган.

Фольклор асарлари академик лицейларда маҳсус ўқув предмети сифатида ўрганилади.

Дарсларда кўпроқ фольклор асарларининг тарбиявий томонларига эътибор берилади. Унинг поэтикаси, эмоционал томонларига камроқ эътибор берилётгани сезилади. Эндиликда фольклор экспедициялари, этнографик саёҳатлар одат тусига кириб бормоқда. Ўқувчиларнинг ўзлари бевосита фольклор асарлари ва материалларини тўплаш жараёнларига жалб этилаётган тажрибалар мавжуд.

Шунга қарамай ўқув юртларидаги фольклор асарлари таҳлилида кўпроқ илмийлик, академик услугуб етакчилик қилмоқда.

Аслида фольклор асарлари воситасида ўқувчилар бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илк тасаввурларга эга бўлишади. Улар поэтик нуткнинг, тилнинг поэтик усуулларидаги ўзига хосликлар билан танишадилар. Улар фольклор асарларининг ижросида ҳам бевосита иштирок этишади.

Ўзбек фольклористларининг асарлари бу борада яхшигина манба ва материал ролини ўйнай олади.

Эндиликда фольклор асарларининг бадиий хусусиятларини ўрганиш мактаб дастур ва дарсликларида устувор мавқе қозониб бормоқда. Уларда ахлоқий-маънавий муаммоларнинг ёритилиши ҳам ўқувчилар дунёкараши ва қизиқишлиарига уйғун келмоқда. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг тил хусусиятларини таҳлил қилишга эътибор ортмоқда.

Бир руҳи остида ўзбек ва жаҳон халқлари эртакларининг берилиши, улардаги сюжет, мавзу, қаҳрамонлар, тасвир, поэтикага хос хусусиятлар жаҳон халқлари фольклоридаги яқинлик ва ўзига хосликларни идрок этиш имкониятини беради.

Фольклор асарлари ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятларини ташкил этишда ҳам қўл келади. Болалар мустақил равишда эртак, топишмоқ, тез айтишларни тўқишига қизиқишиди.

Машғулотлар давомида улар фольклор асарлари (эртак, топишмоқ, миф, тез айтиш, қўшиқ, терма, достон) нинг жанр хусусиятларини аниқлай оладиган бўлишади. Уларнинг фольклор асарларига хос бўлган бадиий тилнинг, бадиий рамз ва деталларнинг, шунингдек, тасвир воситаларининг эстетик вазифалари билан бевосита танишиш имконига эга бўлишади.

Турли жанрлардаги фольклор асарлари намуналари билан танишиш жараёни ўқувчиларнинг бадиий дидини шакллантиради, уни юқори босқичга олиб чиқади, улардаги адабий-ижодий кўникума ва малакаларнинг шакллантирилиши ҳамда ривожлантирилиши учун ҳам жуда қулай педагогик асос вазифасини адо этади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув дастурларида фольклор асарларининг айрим намуналари тавсия этилган. Назаримизда, улар ягона тизим асосида танлаб олинган эмас, зеро, фольклор асарларини таълим босқичларида ўрганишнинг ягона илмий концепцияси ҳам ишлаб чиқилганича йўқ. Фольклор асарлари ҳам ягона, яхлит тизимнинг алоҳида бўғинлари сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунга қарамай, ҳозирги мавжуд ҳолатнинг ўзидан унумлироқ фойдаланиш йўлларини излаш замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. «Такомиллаштирилган ўқув дастури»да фольклор асарлари куйидагича берилган:

синф	мазмуни	соат
5	ХИҚМАТ ДУРДОНАЛАРИ Маколлар Маколлар халқ оғзаки адабиёти намунаси сифатида. Маколларда халқ миллий тафаккури қаймогининг акс этиши. Маколларнинг шаклий тузилиши, уларга хос кискалик, таъсирчаник, теранлик каби хусусиятлар хақида маълумот. Маколларнинг кишиларни эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш воситаси эканлиги. Маколларнинг мавзуу доираси. Ваганпарварлик, дўстлик, илм ва қасб-хунар, оила, одоб, тарбия хақидаги маколлар. Назарий маълумот: Халқ оғзаки ижоди тушунчаси.	2

	<p>Топишмоклар Топишмоклар хақи озаки ижодининг ўзига хос жанри сифатида. Топишмокларда инсон ва уни ўраб олган оламнинг ўхшатишлар, так-кошлалар, саволлар воситасида ифодаланганилиги. Топишмокларнинг шаклий тузилиши. Топишмокларнинг савол ва жавоб кисмлари билан биргаликда бир бутун асарни ташкил этганлиги. Топишмок ва чистон.</p> <p>Назарий маълумот: Макол ва топишмок тушунчалари.</p>	1
	<p>РИВОЯТ ВА ЭРТАКЛАР ОЛАМИДА «Тўмарис» ривояти «Тўмарис» - мадр ва жасур аёллар ҳакидаги ривоят эканлиги. Риво-ятнинг юони тарихчиси Геродотнинг «Тарих» асари орқали бизгача етиб келганлиги. Адабиётда «Тўмарис» сюжети. Миркарим Осимнинг ҳаёти ва ижоди тўгрисида маълумот. Адиб «Тўмарис» асарининг тарихий манбаларга асосланганлиги. Асарда она қалбida юз берган драманинг маҳорат билан ифодаланганилиги.</p> <p>«Широк» ривояти Широкнинг халқ қархамони, ватан фидойиси эканлиги. Ривоятнинг юони тарихчиси Полиеннинг «Ҳарбий ҳийаллар» китоби орқали бизга-ча етиб келганлиги. Широк ҳакидаги афсонанинг тарихий илдизлари.</p> <p>М.Осим асарининг мазкур манба асосида майдонга келганлиги. Асарда Широк жасоратининг бадий ифодаси.</p> <p>Назарий маълумот: Ривоят ва афсона ҳакида тушунча. «Уч оға-ини ботирлар» эртаги</p> <p>Эртакнинг халқ озаки ижодининг қадимги ва кенг тарқалган жанри эканлиги. Ўзбек халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятлари. «Уч оға-ини ботирлар» эртагининг бетакрор бадий олами. Унда халқ бадий дахоси, фантазиясининг ёркин намоён бўлганлиги.</p> <p>«Сусамбила» эртаги Эртакдаги жониворлар образининг мөхияти. Сусамбил адолат қарор топган ва ҳамма баҳтия яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли сифатида. Эртакдаги тил, рамз ва бадий ифода хусусиятлари.</p> <p>Назарий маълумот: Эртак ҳакида тушунча.</p>	2 соат
6	<p>Халқ қўшиклари Кўшик халқ озаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири сифатида. Уларнинг турлари. Лирик қўшикларда инсон хис-туйгуларининг ифодаланиши. Мавсум қўшикларида халқимизнинг эътиодий қарашларининг шунингдек, болаларнинг ийл фаслларига бўлган муносабатлариниң кўйланиши («Бойчечак», «Читтитгул» ва бошқалар). Мехнат қўшиклариниң меҳнат жараёни билан боғликлиги («Хўп майда»). Маросим қўшикларида тўй, аз ва бошқа маросимлар билан боғлиқ турли холатларининг тасвирланиши («Ёр-ёр», «Келин салом» ва бошқалар). Кўшикларнинг бадий хусусиятлари. Назарий маълумот: Кўшик ва унинг турлари ҳакида тушунча.</p>	3
7	<p>«Равшан» достони Ишкий-саргузашт достонларнинг ўзбек халқ достончилигигида катта ўрин тутлиши. Бу хил достонларда ишкий мажароларнинг асосий мавзу эканлиги. «Гўргўли» туркумидаги ишкий-саргузашт достонлар ва мазкур туркумда «Равшан» асарининг тутган ўрни. Достон воқеаларининг туркий халқлар достончилигигида кенг тарқалган мотив</p>	4

	<p>еканлиги. Достоннинг бизгача етиб келишида Эргаш Жуманбулбулнинг хизмати. Достондаги Гўрўли, Юнус пари, Авазхон, Равшан, Зулхумор, ака-ука каллар образларининг таҳлили.</p> <p>Назарий маълумот: Муболага ҳакида тушунча.</p>	
8	<p>«Кунтуғмиш» достони</p> <p>Халк достонларининг миллат рухиятини акс эттиришдаги ўрни. Халқ эпик достонларининг турлари. Туркий достонларининг дунё достончилиги ривожда тутган юксак мавкеи.</p> <p>«Кунтуғмиш» ишқий-саргузашт достонларининг гўзал намунаси сифатида. Достонда Эргаш Жуманбулбул маҳоратинин намоён бўлиши. Асар сюжетининг саргузаштларга бойлиги. Қаҳрамонлар тақдирини белгиловчи ходисаларининг майший турмушга якинилиги. Кунтуғмиш образи. Унга хос жўмардлик, тантлилик, жасурлик ва айни вактда соддалик сифатлари. Кунтуғмишининг жангчи, ошик, эр, ота сифатидаги хусусиятлари. Кунтуғмиш табииатидаги самимият ва ишонувчанилик хислатлари. Ҳолбеканинг фавқулатдаги гўзал ва меҳрибонлиги. Ҳолбека – ўзбек қизларига хос ўқтамлик, эрқатлик, шаддодлик ва майнинлик сифатларига эга шахс Ҳолбека – фарзандлари ва эрининг хаёти учун ўзини баҳшида килувчи аёл. Достонда аёлларга хос серпубхалилик, инжиклик, синчковлик сифатларининг ишонарли тасвиirlanganligi. Ҳолбеканинг оналик хусусиятлари тасвири. Достонда Гуркибой ва Мохибой образларининг маҳорат билан тасвиirlanganligi. Гуркибойга хос босиклик, меҳрибонлик, мулоҳазакорлик ҳамда укаси Мохибойнинг кув, тажанг, қайтмас йигитча эканлиги. Болалар табиатига хос хислатларининг улар тақдирига тасвири. Достондаги Буврахон, Азбархўжа, Қосим, Ҳолмўмин, чўпон образларининг ўзига хос шахслар сифатида акс эттирилганлиги. Достоннинг бадий хусусиятлари. Асар сюжет чизикларида мантакий изчиликтининг кучлилиги.</p> <p>Назарий маълумот: Достонларининг шаклий тузилиши</p>	4
9	<p>«Алномиши» достони</p> <p>«Алномиши» достоннинг оғзаки эпик анъаналарда бизгача етиб келганилиги ва туркий халклар орасида кенг таркалганлиги. Достонни куйловчи баҳшилар. Фозил Йўлдош ўғли ҳакида маълумот.</p> <p>«Алномиши» қаҳрамонлик достонларининг юксак намунаси сифатида. Достонда тасвиirlangan давр. Унда оила учун кураш ва урӯғ бирлиги масалаларининг акс этиши. Достоннинг асосий образлари. Алномиши, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч образларида мардлик, садоқат, кортсеварлик, эзгулик ва вафдорлик фазилатларининг ифодаланиши.</p> <p>Достоннинг тили ва бадий хусусиятлари. Муболагавий услугуб қаҳрамонлик достонларининг ўзига хослигини белгиловчи омил сифатида. Достон сюжети ва мотивлари асосида яратилган алабинёт, кино ва тасвирий саънат асарлари.</p> <p>Назарий маълумот: Халк достонлари ва уларнинг турлари ҳакида тушунча.</p>	5

Демак, бу ерда оддийдан мураккабга деган тамойилга амал қилинган. Имкон қадар узвийлик ва узлуксизликка эътибор берилган. Унда фольклорнинг турли жанрлари (мақол, топишмоқ, эртак, ривоят, кўшик, достон) қамраб олинган.

Дастурдаги аннотация ва изохлар билан танишиш шуни кўрсатадики, уларда кўпроқ фольклор асарларининг гоявий мазмунига, улардаги қаҳрамонлар савиясига, қаҳрамонлар характерининг айрим қирралари ургу берилади. Уларнинг шаклий-поэтик хусусиятлари орка планда қолиб кетади. Айниқса, фольклор асарларининг шаклий хусусиятлари, ифода имкониятлари, тасвир воситалари, тил хусусиятлари жуда кам эътибор олган. Дастурдаги бу хусусиятнинг ўқитувчилар фаолиятига ҳам, ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнига ҳам таъсир кўратмаслиги мумкин эмас. Фольклор асарларининг поэтик хусусиятларини ўрганиш фақат адабиётшуносликнинг эмас, балки адабиёт ўқитиш методикаси фанининг ҳам долзарб ва жиддий муаммоларидан биридир. Фольклор асарларининг моҳияти ва мазмунини тўғри, тўлиқ ва атрофлича тушуниш учун, айниқса, буни ёш авлодга тушунтириш учун етук фольклористлар ҳамда методист олимларнинг фундаментал тадқиқотларидан хабардор бўлиш тақозо этилади.

Фольклор асарларининг ўзига хосликларидан бири уларнинг ҳалқоналиги билан белгиланади. Ҳалқоналиктининг моҳияти эса тасвирнинг ҳалқ ҳаёти, унинг руҳият дунёсига, умуман, дунёқарашига оидлиги, ҳалқ орзу-интилишларини ифодалашида, тасвирларнинг тушунарли ва таъсирчан тилида намоён бўлади.


Таълим жараёнида мана шу хусусиятлар ўқувчининг онги ва шуурига етиб бориши керак. Фольклорнинг ҳар бир жанрида ҳаётнинг муайян қирраси акс этади, ифодаланади. Демак, яхлит тарзда, ягона тизим сифатида фольклор ўзи мансуб бўлган ҳалқ ҳаётини ифодалайди. Аммо буни жуда оддий, содда, қисқа, лўйида, тушунарли ва таъсирчан тарзда мужассамлаштиради. Фольклор асарларининг яна бир хусусияти шундаки, уларда маънавий-ахлоқий баҳолар жуда аниқ кўриниб туради. Масалан, Зумраднинг кўриниши, қиёфаси тасвиридан бошлаб хатти-харакатлари, бошқаларга муносабатигача тўлиқ ижобий хусусиятлар билан мужассамлашган бўлса, Қиммат тескари кутбдаги барча белгиларга эгадир. Алпомиш мардлик, жасорат, ҳалолликка қанчалик дахлдор бўлса, салбий қаҳрамонлар инсонни ерга урадиган нуқсонлар билан шунчалик зийнатлангандир.

Фольклор асарларининг воқелиги, композицияси, образлар тизими, курилиши, вазни, тасвир принциплари ҳам ўзига хос эканлигини унутмаслик керак. Шунга кўра уларни ўқитиш ва

ўргатиши методикаси ҳам мана шу ўзига хосликлардан келиб чиқиши, уларга таяниши керак бўлади.

Психологларнинг кўрсатишича, болаларнинг муайян ёшида, хусусан, 10-11 ёш атрофида уларнинг тасаввурларида «садда-реалистик қараашлар устувор мавқе тутади. Шунинг учун ҳам айни шу ёшда ҳалқ оғзаки ижодининг айрим намуналари, хусусан, топишмок, мақол, айниқса, эртакларни ўрганиш имкониятлари катта бўлади. Бу ёшда бадиий асардаги муаллиф нуктаи назарини тушуниш, ҳазм қилиш осон бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам эртак қаҳрамонларини ўрганиш улар учун кулай ва осон бўлади. Айниқса қаҳрамоннинг яккалиги, уларнинг ҳаракат миқёсларининг болалар тасаввурлари билан уйғунлиги, руҳий тасвирларнинг нисбатан чегаралангани шу ёшдаги ўқувчилар қизиқишлиари ва дунёқарашига уйғун келади. Ушбу ёшда мутахассисларнинг кўрсатишича, ўқувчилар фольклор асарларини қўйидаги яхлитликда тасаввур килишади:

вокеа



Мавзуга оид адабиётлар

1. Жуманазров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент, Фан, 1991.
2. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент, Фан, 1995.
3. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
4. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.
5. Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари.- Тошкент, Маънавият, 2002.
6. Мадаев О. «Алпомиш» билан сухбат. – Тошкент, Маънавият, 1999.
7. Мадаев О., Собитова Т. «Ўзбек халқ оғзаки ижоди». – Тошкент, Университет, 1999.
8. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ – Тошкент, Фан, 1978.
9. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, Фан, 1981.

Янги ўзбек адабиётини ўрганиш

«Янги ўзбек адабиёти» атамаси бугунга келиб ўзгача маъно касб этадиган бўлиб қолди. Аникрофи, бу тушунчанинг қамрови кенгайди. Эндиликда у XIX асрнинг охирларини, бутун XX аср адабиётини, мустақиллик даври адабиётини, шунингдек, бугунги адабиётни ҳам яхлит холда мужассамлаштирадиган бўлди.

Янги ўзбек адабиёти, ҳозирги ўзбек адабиёти, XX аср адабиёти деган номлар мана шу тушунчаларни ифодалаш учун кўлланган. Афсуски, буларнинг барчасини ҳам жуда муваффақиятли деб бўлмайди. Буларнинг ёнида «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти», «Мустақиллик даври адабиёти» атамаларининг ҳам ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

Бу давр адабиётини ўрганишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Биринчидан, у хронологик жиҳатдан XX асрнинг ўзи билан чекланмайди. Унинг доирасига XIX асрнинг охирги чораги ҳам даҳлдор бўлиб туради. Ҳозирги давр, яни XXI аср адабиёти ҳам шу ном остида келаётганини эсдан чиқармаслик керак. Иккинчидан, XX аср бошларидағи адабиётнинг тўлиқ ва мукаммал манзарасини яратиш жараёни ҳозир ҳам давом этмоқда. Учинчидан, собиқ совет даврида яратилган адабий асарларга баҳо беришдаги бир ёқламалик барҳам топа бошлади. Эндиликда уларга бошқача, янги, мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган эркин ва ижодий тафаккур андазалар билан ёндашиш устувор мавқе тутмоқда.

XX аср адабиёти устидаги баҳслар қизғин давом этмоқда. Унинг мағзи, моҳияти тобора кенгроқ, чуқурроқ, тўлароқ намоён бўлиб бормоқда. Китобхонлар бу давр адабиёти ҳақидаги асл ҳақиқатлар билан мукаммалроқ тарзда танишиб боришмоқда. Бўлажак ўқитувчилар ҳам бу жараёнларнинг туб моҳиятини теран англаб олишлари керак бўлади.

Шулардан бири асл манбаларни ўқишидаги мураккабликлар билан боғлиқ. Гап шундаки, XX асрнинг дастлабки чорагидаги адабиёт анъанавий тарзда араб ёзуви орқали оммалашган эди. Улар ўша давр матбуотида, газета ва журнallарида, маҳаллий нашрларда чоп этилган. Айрим нашрларнинг коғози жуда сифатли бўлган эмас. Шунга кўра уларни ўқишида араб алифбосидаги айрим ҳарфларнинг бошқа бир белгилар билан кориштирилиши юз бериши мумкин. Жумладан, Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган

мақоласи ҳақидағи бир ахборот тарқалған эди. Маълум бўлишича, асл матнда у «Имом Ғаззолий» деб номланган экан. Унинг муаллифи ҳам Чўлпон эмас экан. Бу ҳакда проф. О.Шарафиддинов шундай ёзади:

«Афсуски, бугунги кунда матбуот саҳифаларида биз анчамунча ҳолларда масалани чуқур ўрганмай туриб, ҳовлиқмалик билан иш юритаётган, натижада «ярми ёлғон, ярми чин» гапларни ҳам «кашфиёт» тарзида тақдим қилинаётган фактларга дуч келяпмиз. Масалан, айрим журналларда «Гавҳар» деган ҳикоя Чўлпонники деб эълон қилинди. Ҳолбуки, бу ҳикоя ўз вақтида «Йўқсил» деган тахаллус остида эълон қилинганди. «Йўқсил» эса 20-йилларда Бахром Иброҳимовнинг тахаллуси бўлган. Айрим «тадқиқотчилар»имиз сира андиша қилиб ўтирамай ўз чаласаводликларининг самарасини китобхонларга кўз-кўз қилишга ошиқади. Масалан, библиографик кўрсаткичларнинг бирида 20-йилларда Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган мақола эълон килгани таъкидланади. Афсуски, мен ҳам бу гапга чиппа-чин ишониб, «Чўлпон» деган рисоламда уни айнан тақрорлаганман. Аммо кейинчалик кўрсатиляган манба («Инқилоб» журнали) текшириб кўрилганида мақоланинг номи «Имом Ғаззолий» экани, муаллифи ҳам бошқа одамлиги маълум бўлди. Яқинда Тошкент дорил-фунунида бўлган бир анжуманда нотиқлар Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларини чоп этишда текстологик хатоларга кўп йўл кўйилаётганини, бу арабча ёзувни ўқиш ва талқин қилишдаги саводсизлик оқибати эканини айтишди. Бундай хатолар асар матнини бузиб юборади, унинг маъносини хирадаштиради. Таассуфки, бундай хатолар Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» деган китобида ҳам анча-мунча бор. Бунга китобнинг муҳаррири сифатида мени жавобгарман, албатта»¹.

Буларнинг барчаси нашр этилган мақола ва асарларга танқидий нұқтаи назардан қарашни, албатта, мутахассислар фикрига эътибор бериш зарурлигини яна бир марта кўрсатиб туриди.

Бу жиҳатдан О.Шарафиддиновнинг «Тирик сатрлар» китоби ҳақида «Ёшлиқ» журналининг 1990 йил 11-сонидаги мақола ҳақидағи мулоҳазалари ҳам эътиборлидир. Унда кўрсатилишича, 1969 йилда нашр этилган «Тирик сатрлар» китобида мавжуд бўлмаган факт ва ҳодисаларга нисбат берилган. Бугина эмас, китобнинг муҳаррири ўзини тўрттинчи қаватдан ерга ташлаб

¹ Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари. Мақолалар, котиралар.- Тошкент, Ёзувчи, 1999, 48-49-бетлар

юборган, шу тарзда ўша даврда бошига тушиши мумкин бўлган бало-ю қазолардан сакланиб қолган эмиш. О.Шарафиддинов бу гапларнинг асосиз эканлигини кўрсатиб, жумладан, шундай ёзади: «Бўлмаган гап! «Ие, қизик-ку,»- деб эътиroz билдиришингиз мумкин, бу воқеа камида 22-23 йил аввал рўй берган бўлса, сиз буни қаёдан биласиз?! Тепасида турганимидингиз?» Ҳамма гап шундаки, «Тирик сатрлар» нинг муҳаррири мен эдим. Биламан, бир қанча одамларнинг кўлида китобнинг айрим нусхалари сакланиб қолган. Ўшалардан сўранглар - китобнинг камида уч жойида менинг фамилиям муҳаррир сифатида рақам килинган. Китобга ишонмасангиз, ўша пайтда нашриёт раҳбариятида ишлаган одамлар бор - масалан, ИброҳимFaфуров - улар гапимни тасдиқлаши мумкин. Мен қасам ичиб гувоҳлик бераманки, ҳеч качон нашриёт биносининг 4-қаватидан ўзимни ташлаган эмасман, нафақат нашриётнинг, умуман, ҳеч қандай ташкилотнинг 4-қаватидан ҳам сакраган эмасман-а, Худога шукур, ман олтмиш учга киряпман... »¹

Бу давр адабиётини ўрганишида адабиётнинг ўзида нихоятда залворли ўзгаришлар юзага келганлигини, одамга, оламга қарашларнинг узлуксиз равищда ўзгариб, такомиллашиб, янгиланиб борганинги эътиборда тутиш керак.

Мавзу ва талқинларнинг жиддий тарздаги ўзгариши, янгиланиши бу давр адабиётининг асосий кўрсаткичлари бўла олади. Мумтоз адабиётимиз билан қиёсланганида бу давр адабиётининг кескин ўзгаришларга рўпара келганлигини тушуниш ва тушунтириш керак бўлади.

Адабиётдаги жанрлар ва образлар тизими ўзгарди. Жумладан, драматик тур ва унинг янги-янги шакллари, романчилик янги адабий ҳодисалар сифатида майдонга келди. Шеъриятда ҳам кўламли янгиликлар кузатилди. Ишқий-интим шеърият ижтимоий-публицистик, сиёсий-фалсафий қамровдаги шеъриятга кенгроқ майдонларни бўшатиб берди. Шунинг учун ҳам бу даврда яратилган асарлар таҳлилида энди бошқачароқ ёндашувлар такозо этилади.

Драматик асарлар таҳлилида саҳна имкониятлари эътиборга олиниши, қаҳрамонларнинг «ҳаракатдаги ҳолатлари»га урғу берилиши, муаллиф нуқтаи назарининг бевосита қаҳрамонларнинг ўзига «ўтказилиши» бундай таҳлиларнинг марказида туриши керак бўлади. Уларнинг ўз замонларида долзарб муаммолар билан

¹ Ўша китоб, 52-бет.

үйғунлиги, замонавийликнинг бадиийликни юзага чиқаришдаги асосий омиллардан бири бўлганлигини ҳам эътиборда тувиш ўринли бўлади.

Ижтимоий тузум ва адабий ижод муносабатлари адабий асар таҳлилида йўл-йўлакай кўриб ўтиладиган муаммолардан эмас. Бу айниқса, адабиётимизнинг мазкур даврлари учун айрича аҳамият касб этади. Босқинчилик шароитида халқни маърифатга чорлаш, бутун асарларида маърифий ғояларни тарғиб-ташвиқ этишини асосий вазифа деб билиш ўша даврдаги ижодкорларнинг ижтимоий фаолликлари ҳамда заковатини, уларнинг шахс ҳамда ижодкор сифатидаги жасоратларини кўрсатиб туради. Мазкур ҳодисалар уларнинг асарлари, яратган ўлмас образлари мисолида кўрсатиб берилиши керак.

Албатта, ўша давр ижодкорларига, уларнинг асарларига бўлган муносабатларнинг, бу асарлар таҳлили ва талқинларининг хилма-хиллигига бўлажак адабиёт ўқитувчиларининг эътиборлари тортилиши шарт. Бунда адабий танқидчилигимиз ютукларидан унумли тарзда фойдаланиш имкониятлари бор. Хусусан, Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов, Баҳодир Каримовларнинг сўнгги пайтларда яратган тадқиқотлари адабиёт ўқитувчилари учун яхшигина методик ёрдам берга олади.

Таълимнинг турли босқичларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида бу давр адабиётини ўқитиш асосий ўрин тутади. Жумладан, «Такомиллаштирилган адабиёт дастури»да синфлар кесимида куйидаги манзарани кўриш мумкин:

5-синф	6-синф	7-синф	8-синф	9-синф
Ҳамид Олимжон. «Ойгул билан Бахтиёр» достони (3 с) соат)	Гафур Гулом. «Шум бала» киссасидан (3 соат)	А.Авлоний. Ва- танни сўймак», «Ватан» шеъри (2 с)	Фиграт «Мир- рих юлдузи- га», «Ўғу», «Гўзалим, бевафо гу- листоним» шеърлари(2с)	Абдулла Қодирӣ. «Ўткан кунлар» романи (5 с)
М.Шайхзода. «Искандар Зулкарнайн» достони (2 соат)	Туроб Тўла. «Дўнан» хикояси («Етти зогора» киссасидан) (2 соат)	Шуҳрат. «Мардлик афсонаси» балладаси (2 соат)	Ҳамза Ҳакимзода. «Захарли хаёт ёхуд Ишқ кур- бонлари» (3)	Чўлпон.«Ён- гин», «Каландар иши», «Кўнгил», «Кишан», «Виждон

				эрки» шеърлари, «Кеча ва кундуз» романидан(5 с)
Шукрулло. «Умр хакида эртак» шеъри (2 с)	Султон Жўра. «Муқаддас идеалнинг туғилиши» шеъри (2)	Ҳамид Олимжон. «Ўзбекистон» шеъри (2 с)	Ғафур Гулом. «Согиниш», «Вакт» шеърлари (2 с)	Ойбек. «Чимён дафтари» туркумидағи шеърлар ва «Кутлуг кон» романи (5 с)
Абдулла Кодирий. «Улоқда» хикояси (2 с)	Х.Тұхтабоев. «Сарик дөвни миниб» киссаси (3 с)	Максуд Шайхзода. «Тошкентнома» достони (2 с)	М.Шайхзода. «Мирзо Улугбек» фожиаси (3 с)	Одил Ёкубов. «Улугбек хазинаси» романи (4 с)
Ойбек. «Фонарчи ота», «Боланинг кўнгли подшо» хикоялари (3 с)	Хайдиддин Салоҳ. «Юлдузлар афсонаси» балладаси (2 с)	М.Осим.«Ёшлик айёмининг илк баҳори», «Язд чўли», «Кўшлар тили» хикоялари («Зулмат ичра нур») киссасидан (3 с)	Усмон Носир. «Юрак», «Нил ва Рим», «Монолог» шеърлари (3 с)	А.Орипов. «Генетика», «Бахор кунларида», «Куз манзаралари» шеърлари, «Соҳибқирон »асари (достондан парча) (5 с)
Ғафур Гулом. «Менинг ўргигина болам» хикояси (3 с)	Абдулла Каҳхор. «Бемор» хикояси (2 с)	А.Мухтор. «Юлдузим», «Тугилиш», «Йўл», «Ўзимники бу умр...» шеърлари (2 с)	Аскад Мухтор. «Чинор» романи (4 с)	
У.Носир «Юр, тоғларга чиқайлик», «Йўлчи», «Болалигимга», «Ёшлик», «Юрга нмисиз бирга ой билан», «Гулзор—чаман...». (3 с)	Одил Ёкубов. «Музкаймоқ» хикояси (3 с)	Шукур Холмирзаев. «Ўзбек характери» хикояси (3 с)	Сайд Аҳмад. «Қочок» («Уфқ» романидан) (2 с)	
Ў.Хошимов. «Дунёнинг ишлари» киссасидан (4 с)	Эркин Воҳидов. «Нидо» достони (3 с)	С.Зуннунова. «Менинг Ватаним!», «Ер узра кўнди очиш», «Кизимга», «Бувилар дуога кўлларин очиб» шеърлари (2 с)	Озод Шарафиддинов. «Ўлсан айрилмасман кучокларинг дан» маколаси (2 с)	

Миртемир. «Булут», «Шудринг», «Тўргай», «Балик овни», «Кишилогим» шеърлари (3 с)	Сайд Ахмад. «Коплон», «Собик» хикоялари (2 с)	Абдулла Кодирий. «Мехробдан чаёни» романидан (3 с)	Г. Сулеймон. «Илтижо», «Армон», «Тавалло», «Гул бир ён, чаман бир ён» шеърлари (2 с)	
Максуд Кориев. «Қалдиргочлар баҳорда келади» хикояси (2 с)	Зулфия. «Бахтим бор, ажойиб кишилар аро...», «Боглар кийос гулда», «Невара» шеърлари (3 с)	Чўлпон. «Бинафша», «Гўзал», «Кўнгил», «Халқ» шеърлари (3 с)	М.Юсуф. «Ватаним», «Мехр колур», «Ортимадо бўлмас армонларинг бор...», «Биз баҳтили бўламиз» шеърлари (3 с)	
Ҳамза. «Жонларни жонони ватан», «Дардига дармон истамас» шеърлари (2 с)	П.Қодиров. «Низомининг тантлиги» («Авлодлар довони») романидан (3 с)	Абдулла Қаххор. «Зилзила» киссасидан (2 с)		
Эркин Вохидов. Ўзбеким касидаси (2 с)	Тогай Мурод. «Юлдузлар мангу ёнади» киссаси (3 с)	Миртемир. «Мен тугилган тупрок», «Онагинам», «Ташбу», «Бетоблигимда» шеърлари (3 с)		
Абдулла Оринов. «Ўзбекистон» шеъри (2 с)	Жуманиёз Жабборов. «Ёшлилар Ватан хакида», «Китоб жавони», «Ахмад Фарғоний сўзи» шеърлари (2 с)	Ш.Рахмон. «Уруш суврати», «Чакин бўлма...», «Минорай калон», «Сураймон тоги эта гида ўйлаганларим», «Ёш толлар» шеърлари (3 с)		
Ў.Умарбеков. «Кизимга мактублар» (3 с)				
36 соат	33 соат	32 соат	26 соат	24 соат

Албатта, таълимнинг бу босқичида муайян ижодкорнинг ҳаёти, ижоди, унинг алоҳида олинган асарлари атрофлича, кенг ва чукур ўрганилмайди. Бунинг амалда имкони ҳам йўқ. Ажратилган

соатлар миқдори қатый чегара вазифасини адо этади. Мазмун қамровининг кенглиги эса ўқитувчининг маҳоратига боғлик бўлиб қолади. Шунга кўра, дастурларда тегишли асарларни ўрганишнинг умумий йўналишлари кўрсатилади. Биз буни айрим намуналар мисолида кўришимиз мумкин:

Синф ва мавзу	Ўрганиладиган мавзу аннотацияси
5 У.Носир. «Ор, тогларга чайалик», «Йўлчи», «Болалигимга», «Ёшлик», «Юрганимисиз бирга ой билан», «Гулзор – чаман...» шеърлари (3 соат)	Усмон Носирнинг хаёти ва ижоди хакида маълумот. Шоир шеърларида болаларга хос бегубор хис-туйгуларнинг ифодаларини Болалар табиатидаги хусусиятларнинг ушбу шеърларда маҳорат билан тасвир этилганлиги. У.Носир шеърларининг бадиий хусусиятлари. Шоир шеърларида табиат гўзалликлари билан покиза калбли инсон туйтулари ўргасидаги ҳамоханглик. Усмон Носир шеърларида одамнинг гўзалликка муносаб бўлиши улкан бир истек макомида ифодалангани.
6 Тоғай Мурод. «Юлдузлар мангу ёниди» кисаси (3 соат).	Езувчи хаёти ва ижоди хакида маълумот. «Юлдузлар мангу ёниди» кисасида ўзбек халқига хос урғ-садат руҳият ва маъниави қадриятларнинг ўта таъсиричан, ўзига хос йўсинда акс этирилганлиги. Кисса каҳрамони Бўри полвонга хос мардлик, тантлилик, ҳалоллик хислатларининг турли вазиятларда намобён бўлиши. Асарда ўзбек кишлоклари хаётига доир ҳолатларнинг гоят жонли акс этганилиги. Аждодларга мансуб эзгу одатларнинг Шукур, Тиловберди, Темир сингари образлар тасвирида акс этганилиги. Киссанинг таъсиридан ва ўзига хослигини таъминлаган омиллар. Асарнинг тил хусусиятлари. Назарий маълумот Кисса хакида тушунча.
7 Абдулла Кодирий. «Мехробдан чаён» романидан (3 соат).	Адид хакида маълумот. Абдулла Кодирий ўзбек романчилик мактабининг асосчиси эканлиги. Унинг романларида реализм ва романтизм методларининг уйгунашиб кетиши. «Мехробдан чаён» романидаги «Бахмалбофа» факир бир оила, «Танийсанми шу жажжи кизни?», «Чин ўртоқ», «Махдумнинг баҳти» фаслларидағи узвийлик. «Чин ўртоқ» фасллариги дўстга садоқатнинг жозибали тасвири. Айвар ва Насим образлари таҳлили. Езувчининг маҳорати. Асарнинг тарбиявий қиммати.
8 М. Шайхзода. «Мирзо Улугбек» фожиаси (3 соат).	Адид хаёти ва ижоди хакида маълумот. «Мирзо Улугбек» асари ўзбек адабиётидаги трагедия жанрининг етук намунаси сифатида. Асарда темурйзода ҳукмдор Улугбек ҳамда олим ва маърифатпарвар Улугбек ўргасидаги зиддиятнинг акс этирилиши. Улугбекнинг алломалия фазилатлари ва инсоний хислатларини ёритиши драматургингин бош массади эканлиги. Асарда шоҳ ва олим Улугбекнинг фожиаси хакидаги хакикат ва бадиий тўқиманинг ўзаро муносабати. Трагедиядаги фалсафий рух ва тил жозибадорлиги. Назарий маълумот: Трагедия (фожиа) хакида тушунча.
9 Абдулла Орипов. «Генетика», «Баҳор	Абдулла Ориповнинг хаёт ва ижод йўли тўғрисида маълумот. А. Орипов - хозирги ўзбек шеъриятининг забардаст вакили. Шоир лирикасининг ўзига хос хусусиятлари. Шеърларидаги кучли эктирос, табиийлик, фикрий терандлик, поэтик мукаммалик.

<p>куиларида», «Кузманзааралари» шеърлари, «Соҳибқирон» асари (драматик достондан парча) (5 соат).</p>	<p>Бадий таджикнинг пишиклиги. Шеърий интонациянинг бетакорлиги, шиддаткор оҳанг билан сокин, осойишта, самимий рухнинг уйғунлиги. Шаклий-услубий ранг-бараглик.</p> <p>«Генетика» шеърида авлод-аҷқод муносабатларининг сербӯёқ ва таъсиричан ифодаланиши.</p> <p>Назарий маълумот: Лирик қаҳрамон образи.</p>
---	--

Эътибор берилса, ушбу аннотацияларда болаларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг умумий адабий тайёргарлиги хам эътиборга олинган. Таҳлилнинг умумий йўналишлари белгиланаётганда мазкур омиллар асосий таянч нуктаси бўлиб хизмат қилган. Албатта, уларнинг барчасида асаддаги бадиийликни англаш ва англатиш етакчи ўрин туваётганлигини сезиши қийин эмас.

5-синф ўқувчисининг тасаввур оламидаги ўзига хослик, кузатишдаги жонли мушоҳаданинг кучлилиги эртак ва унга яқин мавзуларнинг осонроқ ва таъсирироқ ўзлаштирилишига имкон беради. Шунинг учун ҳам бу синфда Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» достони бежиз танланмаган. Унда адид ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот бериш назарда тутилади. Асосий ургу эса «Ойгул билан Бахтиёр» эртаги сюжети ва образлар тасвиридаги ўзига хосликларга қаратилади. Бу ўринда таҳлилнинг асосий йўналиши эртакдаги асосий қаҳрамонлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу қаҳрамонларда бўртиб кўзга ташланадиган ахлоқий-маънавий сифатларни ёритишдан иборат бўлади. Эртакда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирига эътибор тортилар экан, мана шу тушунчаларни ифодалайдиган сўзларга, уларнинг қўлланишидаги ўзига хосликларга ургу берилади. Эртакнинг бадиий хусусиятлари, ундаги тасвир ва ифода воситалари, асар тилининг фавқулодда содда, тушунарли ва равонлиги, буларнинг натижасида юзага келадиган таъсиричанлиги устида ишланади.

Усмон Носирнинг танланган шеърлари ҳам шу синф ўқувчилари учун катта қизиқиши уйғота олади. Айниқса, уларнинг бевосита табиат тасвири билан алоқадорлиги бу қизиқишиларни янада орттиради. Ўқувчиларнинг шу ёшда ўқиган ва ёд олган шеърларини умрларининг охиргача ҳам эсда сақлашлари бежиз эмас..

6-синфда саргузаштларга бой бўлган асарлар танланган. Улар қаторида Faфур Гуломнинг «Шум бола», Тураб Тўланинг «Дўнан»

хикояси Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» қиссаларидан парчалар мавжуд.

Дастурда Тогай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси таҳлилида миллий қадриятлар, ўзбек халқига хос урф-одат, руҳиятнинг ўта таъсирчан, ўзига хос йўсинда акс эттирилганлигига эътибор бериш кераклиги кўрсатилган. Ажратилган вақтнинг ниҳоятда чегараланганилиги (3 соат) қиссани яхлитлигича таҳлил қилиш имконини бермайди. Шуниг учун ҳам қиссада акс этган юксак инсоний туйгуларни ўзида мужассамлаштирган Бўри полвон образи таҳлилига асосий ургу берилади. Унга хос бўлган мардлик, тантлийк, ҳалоллик хислатларининг намоён бўлишига ўқувчилар эътибори тортилади. Айниқса, асарнинг тил хусусиятлари таҳлили айрича аҳамият касб этади.

9-синфда Абдулла Орипов асарларини ўрганиш учун беш соат ажратилган. Аммо ўрганилиши лозим бўлган асарларнинг миқдори ҳам оз эмас. Улар «Генетика», «Баҳор кунларида», «Куз манзаралари» шеърлари, «Соҳибқирон» драматик достонидан олинган парчалардан иборат. Бу ерда Абдулла Ориповнинг ҳёти ва ижоди тўғрисида маълумот бериш ҳам, шоирнинг ижоди ҳозирги ўзбек шеъриятининг кўплаб етакчи хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганини ҳам кўрсатиш, айни пайтда улардаги кучли эҳтирос, табиийлик, фикрий теранлик, поэтик мукаммалликнинг такоррланмас бир шаклларда ифода этилганини англатиш ҳам зарур бўлади.

Шоир оламни, одамни ўзига хос тарзда бадиий тадқиқ этади. Шоирнинг кузатувчанлиги ҳам фавқулодда ўткир ва таъсирчан. У ҳеч ким кўрмаган нуқталарни жуда нозик даражада идрок этади, уларнинг ифодасида ҳам оҳори тўкилмаган сўзларни топа билади.

«Генетика» шеърида аждодлар билан авлодлар орасидаги муносабатлар мутлақо ўзига хос тарзда тасвирга тортилган. уни мозийга дахлдорлик, мозийдаги ижтимоий-тарихий ҳамда ахлоқий-маънавий ҳодисаларга ворислик туйгуларининг ўзига хос тасвири дейиш мумкин. Халқимизда «олманинг меваси олма дараҳтидан узокқа тушмайди» деган накл бор. Шеърнинг моҳиятини мана шу ҳақиқатнинг ўзига хос бадиий талқини ташкил этади:

Мен яхши англайман, мозий не демак,
Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони.
Лекин танимизда кезар-ку бешак,
Олис боболарнинг минг йиллик кони.

Бизнинг авлодга ўтмишда яшаган буюк аждодларимиз Бобо Кайфий, Улугбек, Муқанна, Бобур, Широқ, Эрйигитов, Алпомиш, Алишер ва бошқаларнинг нодир хислатлари, улуғ ишлари, бебаҳо ижодлари, юксак инсоний фазилатлари мерос бўлиб ўтган. Бу ҳар қандай фаҳр ва ифтихор манбаи бўла олади. Аммо шунинг ўзи кифоями? Шоирнинг назаридаги камлик қиласи. Бундай буюк ўтмишга ворис бўладиган мукаммал инсон руҳида ўз-ўзига бир савол ҳам бўлиши керак. Унинг моҳиятини мендан жамиятга, шу юртга, кейинги авлодларга нима колади? деган саволга жавоб ташкил этади. Бу савол замондошга, юртдошга қаратилган. Унинг ҳам зиммасида улкан бурч ва масъулияtlар турганлиги юксак бадиий оҳангларда кўрсатиб берилиган. Фикр ва гоядаги салмоқ, фалсафий қарашлардаги залвор нозик бадиият билан ғоятда нозик уйгунилкда тақдим этилган. Бир қарасангиз буюк аждодлар номининг далолат қилиши, тарихий ва афсонавий шахслар номидан иборат талмех, бир қарасангиз нодир кузатишлар самараси бўлган ўхшатиш ва истиоралар, фикрнинг изчилигига ва мўллигидан юзага келган таъкид, фикр таъкидини юзага чиқаришига имкон берадиган қоғия, заворли фикр оқимиға муносаб тарзда танланган вазн – буларнинг барчаси шоир кўзлаган бадиий ниятнинг гўзал ифодаси учун хизмат қилган.

Замонавий адабиётдаги асосий хусусиятлардан яна бири уларни ўқигандан кейин хосил бўладиган тасаввурларнинг якранг эмаслиги, хилма-хиллигидир. Буни Хуршид Дўстмуҳаммад Франц Кафканинг асари мисолида яхши ифодалаб берган:

«Йозеф К.нинг ҳибсга олиниши ҳақидаги хабар билан бошланган «Жараён» биринчи марта 1925 йилда нашр этилган бўлса-да, айrim маълумотларга кўра, у 1914-1915 йилда, бошқа маълумотларга қараганда эса 1918-1919 йилда ёзилган. Ҳар қалай Франц Кафка «Жараён»ни ёзганида 30-35 ёш орасида бўлган. Шу ёшдаги одам ҳаётнинг бу қадар мураккаб синоатларини қандай қилиб бир роман қаҳрамони тимсолида мужассам қила олди экан, деган савол ҳали-ҳануз дунёдаги кўплаб адилларни, мутахassisларни, адабиёт ихлосмандларини қизиқтириб келади, ўйга толдиради. Баҳсга чорлайди. Мунозарага ундейди.

Тугал ечим, тугал хulosса эса топилмайди.

Борди-ю топилганда, борди-ю роман бир ўқишида кўнгилга, шуурга тўласича жо бўлиб кўя қолганида, уни иккинчи, бешинчи еттинчи марта ўқишига ҳожати қолмаганида «Жараён»деган ном

Франц Кафка деган исмга кўшилиб аллақачон унутилиб кетган бўлар эди»¹.

Қадимги туркий адабиётни ўрганиш

Қадимги туркий адабиёт адабиётимизнинг таркибий қисмини ташкил этади. У кейинги даврлардаги адабиёт ривожи учун тегишли тарихий-адабий асос вазифасини адо этган.

Қадимги туркий адабиётнинг бир қатор ўзига хос ҳусусиятлари борки, таълим-тарбия жараённада уларга алоҳида эътибор бериш зарурати сезилади. Гап шундаки, қадимги туркий адабиётни ўрганиш ва ўргатиш учун фақат адабиётшунослик ёки умумфилологик билимларнинг ўзи етмайди, улар озлик қиласиди. Бу ерда тарихчи, этнограф бўлиш, бир неча қариндош ва қариндош бўлмаган тилларни билиш, қадимги матнларнинг ўзига хосликларидан хабардорлик ҳам талаб этилади. Бундан олдин эса унинг чегараларини аниқлаб олиш зарурати ҳам борлигини эслатиш ўринли бўлади. Бу ёдгорликларнинг тарқалиш худудига ҳам, уларнинг пайдо бўлиш ва яшаш даврларига ҳам алокадордир. Уларни қуида кўриб чиқамиз.

Географик чегаралар

Қадимги туркий обидалар кўпинча «Ўрхун-Энасой обидалари» номи билан юритиб келинган. Бунга мазкур ёдгорликларнинг топилиши ўрни сабаб бўлган эди. Бу ёдгорликларнинг дастлаб топилгандар, ҳажмига кўра анча йириклари Ўрхун ҳамда Энасой дарёси қирғоқларидан топилган. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўрганилиши XVIII асрдан бошланади. Рус хизматчиси Ремезов бу ҳақда дастлабки хабарни беради. Швед зобити Иоганн Стралленберг, олим Месссершмидт ёдгорликларни Европа илм ахлига илк марта тақдим қилган эдилар.

Дастлаб, Ўрхун, Селенга ва Тўли дарёлари атрофидан — Шимолий Мўгулистандан тошга битилган обидалар топилди. Улар Ўрхун ёдгорликлари номини олди. Энасой дарёси қирғоқларida топилган ёдгорликлар ҳам шу ном билан аталади.

Ёдгорликлар топилганидан кейин уларни ўқиш, ўрганиш муаммоси кўндаланг бўлди. Аммо бу иш деярли бир яrim аср мобайнода ҳеч кимнинг кўлидан келмади. Ниҳоят, 1893 йилдагина

¹ Хуршид Дустмуҳаммад. Ҳаракатдан тўхтаган жараён киссаси. - // Кафка Франц. Жараён, роман. Рус тилидан таржима. (Тарж.: Вафо Файбулло), Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006, 5-бет.

уларни ўқиш учун дастлабки қадам қўйилди. Шу йили даниялик олим Вилгельм Томсон ва рус олими В.Радловлар ёдгорликлардаги барча ҳарфларни ўқидилар.

Шундан сўнг уларни жиддий ўрганиш бошланди.

Ўрхун-Энасой обидалари «тош битиклари» деб ҳам юритилади. Бунинг сабаби кўпгина ёдгорликларнинг қабр тошлирага ўйиб ёзилганидадир. Уларнинг ҳажми анчайин улкан.

Жумладан, «Тўньюкуқ» битиктоши 2 та устунга ёзилган. Уларнинг бири 170, иккинчиси 160 см дан иборат. Бу ёдгорликни Елизавета Клеменц 1897 йили Шимолий Мўгулистанда эри Дмитрий Клеменц билан биргаликда излаб топган. Битиктош Улан-Батордан 66 км жануби-шарқдаги Байн Цокто манзилида бўлган ва ҳозир ҳам шу ерда сақланади.

«Култегин» битиктоши мармардан ишланган, баландлиги 3 м 15.см, қалинлиги 41 см, туб қисми 1 м 24 см бўлиб, юқорига томон торайиб борган. Ёдгорликни рус зиёлиси Н.М.Ядринцев (1842-1894) 1889 йили Мўгулистаннинг Кошо Цайдам водийсидаги Кўкшин Ўрхун дарёси қирғогидан топган. У Улан-Батордан 400 км жанубда Қора Балғасун шаҳри харобаларидан 40 км шимолда жойлашган. Ёзувлар ўнгдан чапга ва юкоридан пастга қараб битилган.

«Билга хоқон» битигини ҳам Н.М.Ядринцев топган. У Култегин битиктошидан 1 км жануби-ғарбга ўрнатилган. Унинг бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 72 см, қалинлиги 72 см, битиктош ағдарилиб, учга бўлинган ва айрим сатрлари нураб, ёзувлари ҳам зарар кўрган. У 80 сатрдан иборат. «Билга хоқон» битиктошида «Култегин» битиктошидаги 41 сатр тақрорланган.

Қадимги туркий обидаларнинг асл манбалари топилган жойлар: Ўрхун ва Энасой дарёлари атрофлари, Турфон (Шарқий Туркистон), Осиё ва Европанинг кўпгина жойларидир. Шунга кўра уларнинг Мўгулистан, Германия (Берлин, Марбург, Майнц), Россия (Санкт-Петербург, Қизил, Минусинск), Хитой (Турфон, Урумчи, Миран Сучжой, Пекин), Буюк Британия (Лондон), Франция (Париж), Швеция (Стокгольм), Ўзбекистон, Қозогистон, Кирғизистонда сақланиши кузатилади.

Географик ном сифатида Туркия атамаси қадимги Бобил (Византия) манбаларида мавжуд. VI асрда бу ном Кичик Осиёни англатган (Менандр).

IX-X асрларда Волга бўйидан Ўрта Европагача бўлган худудлар ҳам шу ном билан аталган. Онадўли-Анатолия эса XII асрдан бошлаб Туркия номини олган.

Шунингдек, қадимги туркий халқлар яшайдиган жойлар Турон деб номланган. Бу ерларни форслар «туронзамин» дейишган.

Хронологик чегаралар

Қадимги туркийлар ўз тили, маданиятига эга бўлишган. Бу тилнинг энг қадимги даврлардаги тараққиёти ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Дастрлабки ёзма манбалар эса VI-VIII асрларга тегишилдир. Улар Ўрхун-Энасой обидалари номи билан машҳур бўлган битиклардир. Хар ҳолда туркий тилнинг милоднинг илк асрларидан бошланганини тахмин этиш мумкин. Бу тил XII-XIII асрларгача амалда бўлган.

Кўп асрлик тарих силсиласида бу тил намуналари шимолий-шарқда табиатга ишонч сифатида Ўрхун-Энасой обидаларида, шимолий-ғарбда христиан дини шаклидаги насронийлар ёзувларида, жанубий-шарқда будда динида сўғд, уйғур ёзувларида, монийлик динида моний ва уйғур ёзувларида, сўнгрок ислом динида араб ёзуви билан ёзилган.

Унинг сўнгги босқичдаги намуналари сифатида Махмуд Кошгариининг «Девону лугот ит-турк», Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик» асарларини кўрсатиш мумкин.

Айрим тадқиқотчилар Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик» асарини XII асрда эмас, балки Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадгу билиг» асаридан олдинроқ ёзилган деб ҳам тахмин қилишади. Бу фараз дастрлаб С.Е.Малов томонидан айтилган эди¹. Ўзбек олимларидан А.Мухаммаджонов шу фаразни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Аммо бундай қарашларда реал илмий асослар кўринмайди.

Олтин Ўрда маданиятининг Мисрга кўчиши умумтуркий адабиётнинг шу ерлардаги мавқеини белгилаб берди. Биз унинг Миср заминида яшаб қолганлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг асосий сабаби Чингизхон истилоси эди. Ана шу ҳалокатли даврда маданий – адабий марказнинг бир муддатга Олтин Ўрдага, ундан Сурия ва Мисрга кўчганлиги кузатилади.

Ёзув билан алоқадор ўзига хосликлар

¹ Наджип Э.Н. Культура и тюркоязычная литература мамлекетного Египта XIV века (исследование, транскрипция, текстологические примечания), - Түркестан, «Турсан», 2004, с.9.

Қадимги туркий обидалар фақат туркий хат билан ёзилган эмас. Даастлабки топилган обидалар қадимги туркий ёзувда битилган бўлса-да, у билан ёнма-ён тарзда уйгур ёзувининг ҳам қўллануб келингани кейинроқ маълум бўлди. «Уйгур ёзуви билан туркий тилда яратилган даастлабки ҳужжат ва ёдгорликлар буддавийлик, манихейлик, христианликка оид турли муқаддас китобларнинг таржималари эди»¹. Кейинроқ бу ёзувда кўплаб адабий асарларнинг майдонга келганлиги яхши маълум. «Адабий, диний-фалсафий, тарихий, илмий асарлар, хукукий битиклар (ёрлик, тилхат, гувохномалар), ҳўжалик ишларига оид қайдлар, битиктошлар, ташрифнома ва бошқалар»² шу ёзув намуналари сифатида сакланиб қолган. Жумладан, Аахмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик» асарининг бир нусхаси уйгур ёзувида Зайнул Обиддин бин Султон Баҳт Журжоний Ҳусайнин томонидан 1444 йилда Самарқандда бошқа бир нусхаси эса Абдураззок баҳши томонидан Истанбулда 1480 йилда кўчирилган³.

Савдонинг алоҳида мавқеи ҳакида ҳам тўхташ жоиз. Зеро, туркийлар муҳим савдо йўлларининг устида эди. Бу ҳолат бир қанча ҳалқлар маданиятининг бир-бирларига таъсир кўрсатишига ҳам омил бўлди.

Биргина «Авесто» да ҳам туркий, ҳам эроний ҳалқлар дунёкараши, урф-одатлари, яшаш тарзларига оид маълумотларнинг учраши тасодифий эмас.

Савдо алоқаларининг кенгайиши турли тиллар ва ёзувларнинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Оромий ва юонон ёзувлари истеъмолда эди. Оромий ёзуви асосида шаклланган сўғд ва хоразмий ёз уни ҳам қўлланила бошлияди. Бу ёзув ёдгорликлини тангалар, муҳрлар, кумуш буюмлар ва айрим ҳужжатларда акс этган. Хоразмий ёзувининг энг қадимги намунаси Қўйқирилган қалъадан топилган бўлиб, эрамиздан олдинги III асрга оидdir.

Сўғд ёзувининг ёдгорлиги эса Тали Барзу (Сўғд) дан топилган, сопол идиш синигига ўйиб ёзилган ва у эрамиздан олдинги I асрга тегишили. Бу ёзув намуналарининг II-III асрларга оид обидалари

¹ Наджиб Э.Н. Культура и тюркоязычная литература мамлюкского Египта XIV века (исследование, транскрипция, текстологические примечания). - Туркестан, «Туран», 2004, с.3.

² Содиков К. Туркий матнавислик тарихидан. - // Қаюмов А., Исҳоқов М., Отажӯжас А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. «Авесто», «Занд» китоблари. Суғд фалсафий-алқоқий ёзма ёдгорликлари. Туркий матнавислик тарихи. - Ташкент, Ёзувчи, 2000, 117-бет.

³ Наджиб Э.Н. Кўрсатилган китоб, 9-бет

Дунхуан (Шарқий Туркистон) дан топилган. Уларда Самарқандда яшаган она ва Дунхуанда турадиган киз ўртасидаги ёзишмалар ифодаланган. Ёзишмалар оиласи турмуш, Ўрта Осиё халқларининг юқори маданий савияси хақидаги ахборотларни беради.

Муг тоғи (Панжакент яқини) даги қалъадан топилган 400 га яқин буюм алоҳида аҳамиятга молик. Улар орасида тўқилган қопқоқ ва сандиклар устига тери қопланган аёллар идиши, айниқса, ундаги безатилган от ва курол-анжомли суворий тасвири ва б. бор.

Қалъадан кўплаб ёзма манбалар ҳам топилган. Чармга ёзилган арабий битик ҳужжатда лашкарбоши Диваштичнинг жанг олдидан иттифоқчиларидан ёрдам сўрагани баён қилинган (VIII аср). Айни пайтда улар ўз даврининг тарихий ҳужжати ва сўғд тилининг ёдгорлиги сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Туркий рун ёзувининг ҳам кенг истеъмолда бўлганини Ўрхун-Энасой обидалари орқали яхши биламиз. Юнон тарихчиси Менандр сўғд элчиси Маниахнинг Константинополга Истами хоконнинг «искиф ҳарфлари» билан ёзилган хатини олиб борганлигидан хабар беради. Аммо унинг туркий рун ёки сўғд ёзуви эканлиги ҳам аниқ эмас.

Исломдан олдин туркий халқлар орасида кенг кўлланган яна бир ёзув-уйғур ёзувидир. У VI-VIII асрдан эътиборан фойдаланилган. У ҳатто араб ёзуви билан ёнма-ён холда XV асргача, Хитойдаги уйғурлар орасида эса кейинги асрларда ҳам истеъмолда эди. У сўғд ёзуви асосида шаклланган. Бу ёзув ўнгдан чапга қараб ёзилган. Унда 18 ҳарф бор. Ундаги ҳамма ҳарфлар кўшилиб ёзиш имкониятига эга. Шунга кўра уларнинг уч: сўз бошида, ўртасида ва охиридаги шакли мавжуд. Бу ёзув ҳақидаги дастлабки маълумот Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугот ит-турк» асарида берилган. У «барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, Қашқардан Чингача ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилади», — деб ёзган.

Мазкур ёзувда буддавия, моний, христиан динларига оид ахлоқий-таълимий асарлар, ҳукуқий ва молиявий ҳужжатлар сакланиб қолган. «Кутадгу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб) асарининг XV асрда Ҳиротда кўчирилган нусхаси шу ёзувда битилган. «Ҳибат ул-ҳақойик» (Аҳмад Юғнакий) асарининг ҳам уйғур ёзувидаги нусхаси топилган.

Х асрда Бешбалиқ (Шарқий Туркистон) шаҳрида яшаган Сингку Сели Тутунг «Олтин ёруғ» асрини Хитой тилидан таржима

килган. Бу асар таржимаси ҳам уйғур ёзувида битилган. Шунингдек, «Үғузнома», «Мұхаббатнома» (Хоразмий), «Латофатнома» (Хўжандий), «Маҳзан ул-асрор» (Мир Ҳайдар) ва бошқа кўпгина асарларнинг уйғур ёзувидаги нусхалари ҳам машҳурdir.

Сақланиш шаклидаги ўзига ҳосликлар

Руний ёзуvdаги ёдгорликлар факат тошга битилган эмас. Уларнинг қоғозга, турли буюмларга ёзилган намуналари ҳам бор. Масалан, «Ирқ битиги» («Таъбирнома») қоғозда ёзилган. Уни венгр олими А.Стейн Шарқий Туркистондаги Дунхуа манзилидан топган. (1907 йил).

Рун ёзувлари Талас водийсидан ҳам топилган. У ҳозирги Авлиё ота ва Тароз шаҳри яқинида бўлган қоялардаги ёзувлардир.

Шунингдек, кумуш кўзачаларга ёзилган руний ёзувлар Сибир ўлкасидан ҳам топилган. Эрмитаж (Санкт-Петербург) да сакланадиган 2 та кўзача шу ҳақда маълумот беради.

Минусинск музейида эса терига ёзилган руний битиклар мавжуд.

Ойна, қайиш тўқаси, қоғозга ёзилган бошқа руний ёзувлар ҳам кўп.

Турфон (Шарқий Туркистон) дан Ле Кок томонидан топилган руний ёзувлар орасида эски форс тилидаги битиклар ҳам мавжуд.

Вена (Австрия) музейида сакланадиган олтин идиш-төвокларда ҳам руний ёзувидаги ёдгорликлар бўлиб, улар бажноқ (печенег) тилида ёзилган.

Ёгочга ёзилган рун битиклари намуналари Эрмитажда сакланади.

Ёдгорликнинг бутун дунё туркийшунослари ўрганишади. Бу уларнинг илмий-маърифий, бадиий-эстетик аҳамияти нечоғли катта эканлигидан далолат беради. В.Томсон ва В.Радловлардан кейин С.Е.Малов, С. Г. Кляшторний, И. В. Стеблева, Ҳ. Ўрхун, Т. Текин, Н.Осим, Г.Айдаров, ўзбек олимларидан А.Рустамов, F.Абдураҳмонов, Н.Раҳмоновлар ўрганишган.

Ёдгорликлар ҳозирги ўзбек тилига бир неча маротаба ўгирилган. А.П.Қаюмов «Қадимият обидалари» китобида, F.Абдураҳмонов ва А.Рустамовлар «Қадимги туркий тил» китобларида ўша ёдгорликлардан намуналар келтиришган. Кейинги пайтларда Н.Раҳмонов «Олтун ёруқ» китобини ҳозирги ўзбек тилига табдил қилмоқда. Унинг намуналари «Ўзбек тили ва адабиёти»

журналининг 2005 йилдан бу ёндаги сонларида берилиб борилмоқда.

Талабалар билан дарслик, ўкув кўлланмалари, айрим мақола ва монографиялардаги маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилиш мумкин. Масалан, академик лицейларнинг биринчи босқичи учун ёзилган дарсликда кўйидаги материаллар мавжуд:

«Ёдгорликлар қайси мавзуларда баҳс юритади? Бу мавзуларнинг бадий таҳлили қай тарзда кечади? Уларнинг аҳамияти нимада? Бу саволларга жавоб бериш учун бевосита обидагар матнига мурожсаат қилалигик.

Сўзни «Тўнюқуқ» битиктошидан бошлилайлик. Тўнюқуқ-шахс номи. У иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган.

Тўнюқуқ «Турк Билга хоқон давлатида бу битигни ёздирдим» дейди. Билга хоқон Элтариш хоқоннинг ўғли эди.

Битиктошдаги воқеалар Тўнюқуқ тарзида ҳикоя қилинади: «Мен-Дено Тўнюқуқ эрурман. Табгач давлатида тарбияландим. Турк ҳалқи табгач давлатига бўйсунар эди...»

Сўнг ана шу давлатининг-туркийларнинг ўз эркини кўлдан бериб қўйишларининг сабаби айттилади: «Турк ҳалқи бошибошдоқликка, ўзибўларчилликка, бенарволикка йўл қўйди... ўзининг хони билан бирга бўлмади».

Мустамлака азоби, ўзга ҳалқ таҳқири ёдгорликда қисқа ва лўнда, аммо ниҳоятда таъсирчан тарзда ифодаланади:

«...Табгачга таслим бўлганилиги учун тангри, ўл деган шекили, турк ҳалқи улди, ўйқ бўлди, тугади. Турк Сир ҳалқи ерида бирорта ҳам уруг қолмади».

Ана шундай мусибат ҳалқининг бирлашмогини, яқдиллик билан ҳаракат қилигини тақозо этар эди. Ёдгорликда Тўнюқуқ ҳалқ етакчиси, доно маслаҳатчиси, кучли ва ботир саркарда сифатида намоён бўлади.

У етти юз кишини бирлаштириб, «шад» деган унвон олади. Бу турк хоқонлигидаги энг олий даражадаги унвонлардан бири эди.

Тўнюқуқ Бўду тархон ҳамда Элтариш хоқонлар билан бирга маълакат мустақиллиги, эл-юрт фаровонлиги, юрт осойишталиги, чегаралар дахлислиги учун тинимиз кураши олиб борди. У бу курашларнинг олдинги сафида эди. Аммо душманлар ҳам тинч ўтиргади. Улар кучларни бирлаштириш пайига тушишиди.

Гасвир давомида вазиятнинг кескинлашиб бориши, бунинг натижасида Тўнюқуқ шахсиятидаги кучли нуқталаарнинг тобора кенгроқ очилишини қузатиш мумкин. Хусусан, буюк саркардагарга хос бўлган таваккалчиллик, довюраклик, жасорат, журъат, баъзан ниҳоятда кескинлик, чўрткесарлик, айни вақтда босиқлик, вазминлик хислатлари бу тасвирларда аниқ кўриниб туради. У катта таъжириба эгаси сифатида намоён бўлади. («Хоқоним муваффақият қозонгани учун, мен ўзим муваффақият қозонганим

учун давлат ҳам давлат бўлди, ҳалқ ҳам ҳалқ бўлди, ўзим чол бўлдим. улгайдим.»)

Тўнокуқ баҳодир ва жасоратли шахсигина эмас, айни пайтда ўз атрофдагиларининг мустаҳкам жисслигини таъминлайдиган, ягона мақсад йўлида ҳалқни бирлаштира олишининг ўддасидан чиқадиган бошлиқ сифатида ҳам намоён бўлади. У, одамларнинг кўнглидан кечачётган ўйларни нозик дараражаада ҳис этади. Шу билан бирга уларнинг қалбларига таъсир этишининг ўйларини ҳам яхши билади. Шунга кўра, у Ватан ва юрт тақдирини, ҳалқининг келажагини ўз қардошларига буюк хавотир билан етказганида, оз сонли қўшини ҳаракатга келади, натижада кўп сонли душман тор-мор бўлади.

Тўнокуқ буюк ватанпарвар шахс тимсолидир. Унинг ўз ватани, хоқони, қўшини, ҳалқи билан фахрланиши, уларнинг борлигидан ўзини баҳтиёр сезими ёдгорлик матнинг пухта сингдирилган.

Ҳатто душманнинг «хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан» деган баҳосида ҳам шу руҳ мавжуд. Тўнокуқнинг хотиржамлиги эса «ҳалқининг томоғи тўйқ эди» жумласи орқали ифодаланган.

Душманнинг туркшилар устига ҳужум уюштириши ҳақидаги ёвуз ниятини эшитган Тўнокуқнинг «тун ухлагим келмади, қундуз ўтиргим келмади» дейши унинг ўз тақдирини ҳалқ ва юрт тақдирни билан нақадар яхлит ҳолда тасавур қилишини кўрсатиб турди.

Тўнокуқ ифтихоридаги энг асосий нуқта шундай ифодаланади: «Бу турк ҳалқига куролли душманни келтирмадим, яловла отни югуртирмадим».

Тўнокуқ обидаси ватан ҳақидаги мадҳиядир. У воқеий ёки бадий асар бўлишига қарамай, унда ҳаёт ҳақиқати, тарихий ҳақиқат ҳам ўз аксини топган.

Туркий қабила ва элатларнинг ўзаро талашиб-тортишишилари ҳам, ташкии душман билан бўлган аёвсиз қурашлар ҳам аслида тарихий ҳақиқатдир.

Элтариш, Бўғу, Билга хоқонлар ҳам тарихий шахслардир. Асарда тилга олинган кўплаб қабила, ургулар тарихда мавжуд бўлган, уларнинг бир қисми ҳозир ҳам алоҳида ҳалқлар ва миллатлар марқибида яшаб келмоқда.

Ёдгорликда мурожсаат, ундов, чақирик, етакчилек қиласи. Тўнокуқ табиатида тушкунлик, иккиланиш мутлақо кўринмайди. Унинг ҳаракатларида, сўзларида ўзига ҳам, бутун ҳалқига буюк ишонч балқиб туради. Ҳудди шу ҳолат унинг галабаларига асосий омили бўлади.

«Тўнокуқ» битиктоши композицион жиҳатдан етук асар. Унда ўзига хос бошланма, воқеалар ривожи, хотима мавжуд. Шу композициянинг ўзида ҳам китта бадиийлик бор. Бу мақсад тўлалигича амалга ошган.

Ёдгорликнинг тил хусусиятлари эътиборга лойиқ. У VIII асрдаги адабий тил намунасидаир. Асар тилидаги кўплаб сўзлар ҳозирги ўзбек тилида айнан қўлланилади. Бир қисм сўзларда озигина товуш ўзгаришилари юзага келган, яна бир тоифа сўзлар эса бугунги истеъмолдан чиқиб кетган.

Ёдгорликда ўрни-ўрни билан сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланини сезилади. Шунингдек, мажоз, матал, мақоллардан фойдаланиши кучли:

«Табгач, Ҳитой — бу учови қамал қылса, қамалда қолажасаңыз. Үнда вүжудининг ичү ташини — молу жонши топширган кишиидай бұламиз. Юпқа йығын тор-мор қылышга осон эмиш, ингичка йығын узышга осон эмиш. Юпқа қалып бұлса, тор-мор қыладиган баҳодир эмиш, ингичка йұғон бұлса, узадиган баҳодир эмиш».

Асарда олтинга «сариқ», күмүшга «оқ», түяга «әгри» сингари әпитетлар-сифатлар күлланған.

Үндағы асосий тасвир воситаси аллитерациядір. Аллитерация-төвүшлар оқанғорлығы, асосан бир хил төвүшларнинг тақрорланиши натижасыда юзага келадиган оқанғорлықдір. Үнда үнли ва үндош тақрорланиши мүмкін.

Үңгра құтайнайыг Үлуртаси терман,

Бани Үзүзүе Үлуртаси — ўқ терман.

Сүз тақрори ҳам ёдгорлықда күп учрайди.

Табгач қаган яғимиз әрти

Үн ўқ қаганы яғимиз әрти.

Үндағы ўзига хос тасвир үсүлларидан яна бир воқеа-ходисаларға мұајян әндашиши билан изохланади. Күтінча бир неча воқеа-ходисалар ёки улар билан боғылқ әтепталар кеттіма-кет саналади:

«Түрк бұдуын ўлты, алқинти, йұқ бўлди». Бу ердаги кеттіма-кет саноқ воқеа замиридагы даҳшатты мусибатни, күчли фожианы жуда ёрқин намоён әтади. Ёки:

«Табгач, барданайын тег. Қитай, үнгдалайын тег. Бан үйрдантайын тегтайын». (Табгач, сен үнгдан ҳужум қыл! Ҳитой, олдиндан ҳужум қыл! Мен чапдан ҳужум қылай!).

Бу ўгузлар орасидан келган күзатувчи нұтқидан парча. У ўгузлар фикрини ифодаламоқда. Бу ердаги саноқ дүшман томонидан солинаётған таҳдид ва хавф-хатар доирадасынинг нечогли қатталигини тасаввур әтшиш имкон беради.

Бұларнинг ҳаммаси Тұньюқұқ битиктошининг юксак ватанпарварлық рухи бишаң сугорылған қадимий нодир бадий асар эканлигини яна бир марта тасдиқлаб тұради.

Үрхун-Энасой обидаларининг асосий қисмети шу хоқонлайлар тарихининг бадий солномасидір. Үларнинг дастлабқилари юкорида айттылғанидай қабрларға құйылған тошлардан иборат бўлган. Масалан. «Билға хоқон» битиги ҳам Ыллуге тегін қаламига мансуб. Бити гда «Күлтегін» ва «Тұньюқұқ» обидаларға хос бўлган аньана — қаҳрамонлық ва ватанпарварлық гоясинан улуглаш асосий ўрин тұтади. Ёдгорлықтарда инсон шахси ва айниқса, үнинг әрки билан боғылқ масалалар төрән бадий таҳлиз құлинған.

Битикдаги воқеалар Билға хоқоннинг ёшига боғылқ ҳолда даврий изчилилікда ифодаланған. Қаҳрамон ўн етти, ўн сакқиз, йигирма иккі, йигирма олти, йигирма етти, ўттис, ўттис бир, ўттис уч, ўттис түрт, қырқ әшиядаги воқеаларни әслатади. Аслида бу воқеалар бутун бошли бир

халқ — түркійлар тарихидаги ниҳоятта жиаддий бүршишлар ҳақыда ҳикоя құлады

Воқеалар Билга хоқоннинг ўн етти ёшида тарафға лашқар тортышы билан бошланады. Мана ғалаба ифодасы: «Тангут ҳалқини еңгдим, ўғелини, бор нарасасини, әйлекисини, мол-мұлқини олдым».

Бу Билга хоқоннинг дастлабки ғалабаси әди. Матн мавзуси ҳарбий соғаға алоқадор. Шунинг учун асосий фикр давлат, құшин, ҳарбий салохият устида боради.

Едгорлықда түрли-тұман жой, қабила номлари тиңға олинган. Булар матнға ҳаққонийлик, ростлик рұхини сингдиріп тұрады, сүзловчининг фикрларини дағылайді. Матнда — олтын чуб сүздек ҳалқы, табғач, басмил, идиқұт, чик ҳалқы, қыргыз, қорлуқ, түққиз ўғуз, түрк татаби — түргаш каби қабила ва уруг номлари; Бұлучи, Бейбалиқ, Тамғедүк бөш, Тұғы балиқ, Антарғұ, Құш, Азғанты қадағ, Маги Құрғон, Идар бөш, Құғман иши, Сұнға иши, Олтін иши сингары жой номлари; Кам, Иртиш, Түгела (Тұли) сингары дарә номлари учрайди.

Булар аспида тарихан мавжуд бўлған номлардир. Ана шу ҳолат ёдгорлыкни тарихий услугда яратилған асарлар сирасига кириши мумкинligiga даюлат беради.

Асарда алохыда бадий тағсилотларни қаторлаштириши, мұаллиф нұтқида саноқ оғанғи етакчылық құлады. Масалан, қабила номлари (басмил, идиқұт), мұқаддас тушунчалар (танғри, мұқаддас ер-сұв, отам хоқон рұхи), қариндошлық атамалары (боласини, бекасини), киши танасининг аъзолары (сочини, құлогини, ёногини кесди) ва бошқалар бўлиши мумкин.

Билга хоқон обидасыда ҳам — параллелизмлар, қиёслашлар асосий ўрин тулади.

«Йигирма иккى ёшимда Табғач томон лашқар тортдим. Чача санғұннинг саккыз тұманлық құшини билан урушдым. Құшинини ўлдирдим». (Қадым Японияда ҳам Сүбун — самурай, баҳодирлық үнвони — ред.)

«Йигирма олты ёшимда Чик ҳалқы Қыргыз билан дүшман бўлди. Кам дарёсини кечиб ўтиб, қыргыз томон лашқар тортдим. Ўрнанда жанс құлдим. Құшинини төр-мор құлдим. Аз ҳалқини таслым этдим».

«Йигирма етти ёшимда яна Қыргыз томонға лашқар тортдим. Найза ботими қорни ёриб, Құғман (Саян) ишига күтарилиб, Қыргыз ҳалқини уйқуда босдым. Хоқони билан Сұнға ишида жанс құлдим. Хоқонини ўлдирдим. Дағлатини ўшанды олдим. Ўша иши Тұргаш тарафға, Олтін ишини ошиб ўтиб, Иртиш дарёсини кечиб юриши құлдим. Тұргаш ҳалқини уйқуда босдым. Тұргаш хоқонининг құшини ўтдай, бўрондай келди.

Бұлучида жанс құлдик. Хоқонни, ябгусини, шадини ўшанды ўлдирдим. Дағлатини ўшанды олдим».

Учта парча матнда кетма-кет келган. Улар йигирма иккى, йигирма олты ҳамда йигирма етти ёш билан боғлиқ.

Улардаги воқеалар тиизимини шундай гурухлаш мумкин.

а) қаҳрамоннинг муайян ёши;

- б) воқеа содир бўлган жой;
- в) воқеанинг моҳияти;
- г) натижаси;

Дастлабки парчада бу 22 ёш билан боғлиқ, воқеа содир бўлган жой эса Табгачлар томони. У ерда Чача Сангун деган машҳур саркарда билан жсане қилиниши воқеа моҳиятини аңглатади. Натижса эса қўшин билан урушиб, уни ўлдириси билан якунланган.

Кейинги босқич йигирма олти ёш билан алоқадор. Бу ерда воқеа содир бўлган жой Кам дарёсидан кейинги Урпандир. Воқеа моҳиятини жсанг ташкил қиласди. Натижса ҳам ўхшаш: қўшин тор-мор қилинган. Аз халқи таслим бўлган.

Олдинги парчадан фарқ воқеалар тафсилотининг бир озгина кенгайтирилиб, муайян аниқликлар киришилишида кўринади.

Охирги парча ҳам худди шу хилда тузилган. Факат тафсилот анчагина кенгайтирилган. Воқеа моҳияти ва натижага кўпроқ эътибор берилган.

Сўзлар тақрори ёдгорликдаги асосий тасвирир воситаидан бириди:

«Мен ўн тўққиз ийл шад бўлиб турдим,
Ўн тўққиз ийл хоқон бўлиб турдим
давлатни тутуб турдим.

Шу мисолимизда ўн олтита сўз иштирок этган бўлса, улардан б тасигина бир мартадан кўлланган, холос. Аммо сўзлар тақрори матнда гализлик түгдирмаган, аксинча, муаллиф фикрининг таъкидланишига алоҳида ургу билан кўринишига ёрдам берган. Буларнинг барчаси ёдгорликларнинг жуда катта маърифий ҳамда бадиий-эстетик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди».

Сўнг шу матн таҳлилига оид савол ва топшириқлар устида ишлаш мумкин бўлади:

1. Матндаги етакчи фикр-мулоҳазаларни ажратинг.
2. Қадимги туркий обидаларга кайси ёдгорликлар киради?
3. Уларни қандай тасниф килиш мумкин? Нима учун?
4. Қадимги туркий обидаларнинг замонавий адабиётдан қандай асосий фарқлари бор, ўйлайсиз?
5. Бу хусусиятларин ўқувчиларга тушунтиришда қандай усулилардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд?
6. Мавзуга оид асарлардан бири хақида бир соатлик дарс ишланмасини тузинг.
7. Ушбу мавзуга оид кўргазмали куроллар эскизни тузинг.
8. Мазкур мавзуга оид тарқатма материаллар намунасини тузинг.

Мумтоз асарларни ўрганиш

Мумтоз асарларни ўрганиш бир қатор ўзига хосликларга эга. Уларнинг давр нуктаи назаридан нисбатан анча олдин яратилгани, улардаги бадиий тафаккур тарзининг ўзига хослиги, ифодалардаги мураккаблик, услугубий ўзига хосликлар, матнлардаги лугавий таркибининг бугунги ўқувчи учун муайян қийинчиликлари шулар жумласидандир.

Мумтоз адабиёт намуналарини тўғри ўқиши унинг маъносини теран ва мукаммал тушунишнинг дастлабки одими бўлиб, матндағи ноаниқликлар унинг мазмунини англаш йўлидаги биринчи говдир. Биргина мисол:

Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом
Соқини зиндан эди ул субху шом¹.

Кейинги мисра бошида турган «соқини» сўзи туфайли матн мазмуни хиралашиб турибди. Ўқувчи дасбдурустдан уни «соқийни» тарзида тасаввур қилишга уриниб кўради. Табиийки, бу шакл матн мазмунига сингишмайди. Бу ердаги оддийгина имло хатоси, яъни «к» ҳарфининг «қ» тарзида ёзилгани мазкур ноаниқликни келтириб чиқарган. Бу кемтиклик тузатилса байтнинг асл ҳолати тикланади:

Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом
Соқини зиндан эди ул субху шом.

Айрим сўзларнинг ҳозирги шакли ҳам китобхонни чалкаштириши мумкин. Вахоланки, унинг қадимги шакли ва маъноси мутлақо бошқача бўлган.

Мумтоз асарларимиз матнида арабча, форсча-тоҷикча сўзлар оз эмас. Шунга кўра, айрим ҳолларда уларга боғлиқ бўлган айрим имло хусусиятларини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Изофали бирикмалар уларнинг бир кўринишидир. Бунга эътибор бермаслиқ, матннинг ғализлигига, ундаги таъсирчанликнинг пасайишига, галат маъно талқинига йўл очади.

Аммо изофали бирикмалар баъзан «алдамчи» кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда матн таркибидаги мантиқий боғланишларга таяниш керак бўлади.

Нўкарлар таргасин теб берди дастур,
Қамувлар кетти, қолди шоҳ, Шовур.

¹ Дурбек Юсуф ва Зулайҳо. Қайта нашрга тайёрловчи Р.Шарафуддинова. 64-бет

Байтнинг ҳозирги ҳолатида «тегишли кўрсатма берилганидан кейин барча тарқалиб кетди, факат шоҳ билан Шовур қолди» деган тасаввур ўйғонади. Аммо мисраларни синчилаб ўқиш уларда вазн сакталиги мавжудлигидан далолат беради. Бу сакталик иккинчи мисрага алокадор. Маълумки, Кутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» достони ҳазажи мусаддаси маҳзүф вазнида ёзилган. Бу вазннинг парадигмаси қўйидагича кўринишга эга:

V - - V - - V -
V - - V - - V -

Шеърни шу вазн парадигмасига мос ҳолда тасаввур қилиб қўрайлик:

Нӯ	кар	лар	тар	га	син	теб	бер	ди	лас	тур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-
Қа	муғ	лар	кет	ти	кол	ди	шоҳ		Шо	вур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-

Маълум бўляптики, иккинчи мисранинг учинчи руқнни бошлиб берадиган битта қисқа бўғин этишмаяпти. Бу табиийдир. Зеро, матнни ўқишида изофали бирикма изофасиз ўқилган. Натижада, юкоридаги ҳолат юзага келган. Изофани тикласак байт қўйидаги кўринишини олади:

Нўкарлар тарғасин теб берди дастур,

Камуғлар кетти, қолди шоҳи Шовур.

Шу билан матн вазnidаги қусур ҳам барҳам топади:

Нӯ	кар	лар	тар	га	син	теб	бер	ди	лас	тур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-
Қа	муғ	лар	кет	ти	кол	ди	шо	хи	Шо	вур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-

Аммо бу кўринишида «Шовур шоҳ» тушунчаси қолади. Аммо Шовурнинг шоҳ эмаслиги аён ҳақиқат. Унда мазкур байт қандай ўқилиши керак. Энди матннинг ўзига, яъни достоннинг бутун таркибиға эътибор беришимиз керак бўлади. Матннинг кейинги қисмларида мазкур ҳолатнинг яна бир марта такрорлангани кўзга ташланади. Унда шоҳ билан Шовурнингни қолгани таъкидланади:

Шаҳаншоҳ энди тарғанг, деб айтти,

Бирин-бирин нўкарлар чикти-кетди.

Тек ул Шовур қолди шоҳ қотинда,

Тақи икки қубузчи хизматинда.

Агар мана шу ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, олдинги байтимиз ҳам боғловчи вазифасидаги «у»ни қабул қилиши маълум бўлади:

Нўкарлар тарғасин теб берди дастур,
Қамуғлар кетти, қолди шоху Шовур.

Матн мазмунига таянган ҳолда, «шоҳ»нинг бир узун ва бир қисқа (- v)хижо тарзида ўқилиш имконияти ҳам борлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Нўкарлар тарғасин теб берди дастур,
Қамуғлар кетти, қолди шох, Шовур.

Унда байт тақтеси қўйидагича бўлади:

Нў	кар	лар	тар	ға	син	теб	бер	ди	дас	тур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-
Қа	муғ	лар	кет	ти	кол	ди	шо	х	Шо	вур
V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-

Буларнинг барчаси матннинг асл ҳолатига – кўлёзма нусхаларга қарабина белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мумтоз адабиётни ўрганиш шеър санъатлари билан чамбарчас боғлик ҳолда олиб борилиши керак. Мумтоз адабиётимиз учун шеър санъатлари фавқулодда катта аҳамият касб этади. Қадимий анъаналарга мувофиқ асарларнинг ёзилиш тарихини қайд этиш ҳамма вақт ҳам шарт ҳисобланган эмас. Аммо айрим шеърий санъатлар уларнинг яратилиши билан алоқадор бўлган кўплаб принципиал масалаларга ойдинлик киритиши билан айрича аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асари бизга уч қўлёзма нусхада етиб келган. Уларнинг ёзувлари ҳам турлича: иккита кўлёзма араб ва бир кўлёзма уйғур ёзувида амалга оширилган. Асарнинг йирик тадқиқотчиларидан бири Қ.Каримов асарнинг муаллиф варианти араб ёзувида яратилганини исботлаб берган. Бу исботда унга китобат санъати ёрдам берган.

Айрим шеър санъатлари матннинг бутун ва мукаммаллигини ҳам таъмин этиб туради. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик янги нашрида шундай мисралар бор:

Қайси дур ул, дуржи вафо гавҳарি,
Қайси гуҳар, буржуи хаё ахтари¹.

Мазкур мисраларда бир қатор шеърий санъатлар қўлланган. Уларнинг кўзга кўриниб турганлари:

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик [Таҳхир хайъати: К.Яшин ва бошк; П.Шамсиев илмий-танқидий матни асосида достонни изохлар билан нашрға тайёрловчилар: А.Хайятметов, И.Ҳаккулов; Масъул мухаррир: Ё.Искоков]. Т.7.Хайрат ул-аббор. – Т.: Фан, 1991, 36-бет.

Қайтариқ: қайси..., қайси..;

Зулқофиятайн: вафо гавҳари:ҳаё ахтари;

Ружу: гавҳари, қайси гуҳар;

Тарсі: ҳар иккі мисранинг ўзаро бир хил вазн ва бир хил оҳангдорликка эга бўлиши...

Мана шу охирги шеърий вазннинг юзага чиқишида иккинчи мисрада битта чекиниш кўзга ташланади. Олдинги мисрада *дуржси вафо* изофали бирикмаси мавжуд. Кейинги мисрада ҳам *буржси ҳаё* изофали бирикмаси кўлланган. Аммо у ҳозирги ҳолатда «*буржсуи ҳаё*» тарзида турибди. Мазкур шеърий санъат бир хил ритмик позициядаги иккита сўзнинг бир хил вазн ва бир хил оҳангда ўқилишини тақозо этади. Демак, бу ерда битта «у» товуши вазнга сифмайди. Шунга кўра, мисранинг тўғри шаклини тиклаш имкони юзага келади:

Қайси дур ул, дуржи вафо гавҳари,

Қайси гуҳар, буржи ҳаё ахтари.

Бу ҳолат шеърий санъатларнинг текстологик жихатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мумтоз адабиётни ўрганиш жараённада, айникса уларнинг шахсиятини тасаввур қилишда, айрим асарларнинг ёзилиш тарихини аниқлашда тегишли манбаларга муҳтожлик доимо сезилиб туради. Ушбу жараёнда ижодкорларнинг айрим мулоҳазалари, йўл-йўлакай айтган фикрлари ҳам уларнинг шахсиятини тушуниш учун катта имконлар бериши мумкин. Масалан, Алишер Навоий Ҳазрати Амир Қосим Анвор ҳақида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумотлар берар экан, Анворийнинг меросидан мисол тариқасида иккى байт келтиради:

«Ишқи ту ки сармояй мулки ду жаҳон аст,

Алминнату лиллаҳки, маро бар дилу жон аст.

(Оллоҳга шукрки, сенинг иккি жаҳон мулкига сармоя
бўлган ишқинг менинг юрагим ва жонимдадир).

Яна бири буким:

Риндему ошикему жаҳонсўзу жома чок,

Бо давлати ғами ту за фикри жаҳон чи бок.

(Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчилар ва

ёқавайронлармиз.

Сенинг ғаминг турганда Дунё ғамини чекишдан не
фойда?!»¹.

¹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн учинчи том., Тошкент, Фан, 1997, 11-бет.

Шундан сўнг қуидаги эслатма келтирилади:

«Бу фақир аввал назмеким ўрганибмен, бу сўнгги матлаъдур. Хамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўкумоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изхор қилурлар эрди...»¹

Ушбу кўчирма Алишер Навоий шахсиятига оид айрим тафсилотларни тасаввур этиш имкониятини бериши билан ётиборлидир. Жумладан, у:

- 1) Навоийнинг биринчи ёдлаган шеъри ҳақида;
- 2) Навоийнинг шеъриятга бўлган ҳавасининг жуда эрта намоён бўлганилиги ҳақида;
- 3) Унинг илк болалигиданоқ кучли хотира эгаси бўлгани ҳақида;
- 4) Шоир ижодининг илк манбалари ҳақида маълумот бера олади.

Мумтоз адиллар ва уларнинг асарлари ҳақидаги қўшимча маълумотлар уларга замондош бўлган ижодкорлар, олимлар, буюк кишиларнинг тарихий, илмий, бадиий, мемуар асарларида хам сақланиб қолган. Шунга кўра таълим-тарбия жараённада улардан фойдаланиш илмий ҳақиқатларнинг мукаммаллашувига, шунингдек, педагогик фаолият самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасизdir. Бу ерда бир мисол келтириш кифоя қиласди. Яқин-яқинларгача хам «Гул ва Наврӯз» достонининг муаллифи ҳақидаги карашлар икки томонлама бўлиб турган эди. Айрим тарихий маълумотлардаги чалкашлиқ туфайли Ҳайдар Хоразмийга мансуб бўлган бу асар Лутфийга хам нисбат бериб келинарди. Шайх Ахмад Тарозийнинг «Фунун ал-балоға» асари топилганидан кейин бу ноаниклика чек қўйилди. Маълум бўлишича, унда асардан парча келтирилиб, уларнинг Ҳайдар Хоразмийга тегишли эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган экан². Асарнинг 1436-1437 йилларда ёзилгани муаллифнинг ўзи замондош бўлган воқеалар ҳақида маълумот берганлигини тасдиқлаб туради.

Савол ва топшириқлар:

1-топшириқ.

Куидаги матнни ўқинг, унинг мазмунини ўзлаштиринг:

XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрлар адабиёти

XV асрнинг иккинчи ярми ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нисбий кўтарилишилар билан характерланади. Бу даврда Темурийлар сиёсатининг

¹ Уша срда.

² Хайдитметов А. Темурийлар даври ўзбек дабиёти. (Тадқиқотлар, маколалар, лавҳалар). – Тошкент, Фан, 1996.26-бет.

ўзига хос қирралари янада күпроқ намоён бўла бошлайди. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро замонида Ҳирот гуллаб-яшинаиди.

Улугбек замонида Самарқандда илм-фан ниҳоятда юксалди, ўзбек фанининг дунёга ёйилишида бу давр ўзига хос ўрин тутади. Ҳусусан, аниқ фанлар ривожи, айниқса, математика, астрономиядаги ютуқлар салмоқли бўлди. Биргина Улугбек обсерваториясининг ютуқлари натижасида 1018 та юлдузнинг ҳолати ўрганишиди. Матъум бўлишича, юлдузларнинг ўрнини белгилашдаги аниқлик ҳозирги замон ютуқлари билан деярли ўйгун келади. Улугбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо қурдирган кутубхона салмогига кўра ҳам бойлигига кўра ҳам ўз замонасида тенгсиз эди.

Бу даврда фан, маданият ва санъатнинг беҳад ривожланиши кузатилади. Айниқса, меъморчилик, архитектура, мусиқа, тарих, астрономия фани катта ютуқларни кўлга киритади. Самарқандда Бибихоним, Шоҳизинда, Улугбек мадрасалари, Гўри Амир, Улугбек расадхонаси ўша давр меъморчилигининг гўзал обидалари сифатида бугун ҳам ҳалқимизнинг фахрุ ифтихорига сабаб бўлиб келмоқда.

Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларнинг ташаббус ва раҳбарликларида кўплаб бинолар, мадраса ва хонақоҳлар, шифохона, ҳаммом ва карвонсаройлар қўрилгани, ариқ ва каналлар қазилгани, бөг-ролгар барпо қўлингани яхши маълум.

Фаҳридин Ҳўжсандий, Султонали Ҳўжсандий, Юсуф Табиб сингари машҳур ҳакимлар тиб илмининг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшишиди.

Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва унинг ўғли Хондамир, Зайноддин Восифий, Захироддин Мұхаммад Бобур Шараффидин Али Яздий, Ҳофизи Абрўларнинг катта меҳнатлари туфаини тарих илми нодир асарлар билан бойиди.

Бу даврда адабиётшунослик ва тилшуносликка оид кўплаб асарларнинг яратилганлиги ҳам эътиборлидир. Уларнинг бир қисми бевосита араб тили, грамматикаси, лугатчиликка бағишланган бўлса-да, асосий ургунинг ўзбек тили равнақи ва унинг мавқенини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳам эътиборлидир. Шайх Аҳмад бин Ҳудойодод Тарозий («Фунун ал-балага»), Давлатшоҳ Самарқандий (1438-1491) («Тазкират ушишуваро») Абдураҳмон Жомий («Баҳористон», «Рисолайи аruz», «Рисолайи муаммо», «Рисолайи қофия»), Алишер Навоий («Мезон ул-авzon», «Мажолис ун-нафоис», «Мұхқамат ул-лугатайн», «Рисолайи муаммо»), Бобур («Мұхтасар»), Ҳилолий («Рисолайи қофия»), Атоулло Ҳусайний («Бадое ус-саное»)- ларнинг асарлари бу соҳадаги бебаҳо қашfiётлардир. Бу асарларнинг жуда катта қисмининг бевосита Навоий тақлифи ва мадади билан яратилганлиги ҳам дикжатга сазовордордир.

Айни пайтда темурийлар инқирози ҳам шу давр билан алоқадор. Улугбекнинг оламдан ўтиши билан (1449) ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кескинликлар жуда кучайди. Темур тузган буюк давлат эндиликлда бир неча бўлакларга бўлинга бошлаган, темурийлар алоҳида-алоҳида ҳукмронлик қилиш йўлини тута бошлаган эдилар.

Султон Ҳусайн Ҳуросонда, Абу Саид Мирзо ва унинг фарзандлари Моварооннахарда ҳукмронлик қили бошлайдилар. Ҳирот ва Самарқанд, уларнинг ёнида Андиксон, Бухоро, Баих маданият марказлари сифатида донг таратади. Шунга қарамай ҳукмдорлар ўртасида ҳам, уларнинг фарзандлари орасида ҳам ҳокимият учун талашши ва курашилар асло тўхтаган эмас.

Бу пайтда дин ҳам ҳокимият билан ёнмаён фаолият кўрсатиб келди. Ислом дини Ҳўжса Аҳрор қиёфасида темурлилар давлатининг таянч нуқтатаридан бири эди.

Темурий ҳукмдорларнинг илм-фан, маданият, санъат ва адабиётнинг ривожига муносабатлари бир хил бўлган эмас. Аммо Темурнинг ўзидағи хислатлар (Навоий бу ҳақда шундай дейди: «агарчи назм айтмоққа илтифот қилимайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ ҳуб маҳал ва мавқеъда ўқубудурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор») унинг фарзандлари ва набираларида ҳам музжассамлашган эди. Ҳусайн Бойқаро, Шоҳруҳ, Абобакр Мирзо, Улугбек Мирзо, Бойсунгур Мирзо, Ҳалил Султон, Султон Аҳмад Мирзо, Шоҳ Гариф Мирзолар эса бевосита бадиий ижод билан шуғулланишган, уларнинг айримлари девон ҳам тартиб берган эдилар. Заҳириддин Мұхаммад Бобур бу сислесидаги энг мұхим ва бебақо ҳалқалардан бири эди. Бобурнинг фарзандлари ва набиралари орасида ҳам бадиий ижод билан шуғулланиш анъанасининг давом этганигина яхши биламиз.

Шайх Аҳмад бин Ҳудойодод Тарозий «Фунун ал-балаға» асарида (ҳижрий 840 – милодий 1436-1437 йиллар) ўз давридаги ўнта шеърий жанрларга тавсиф беради (қасида, газал, қитъа, рубои, маснави, маржев, мұсаммат, мустазод, мутаввал, фард). Ваҳоланки, Навоий ижодида – «Хазоийн ул-маоний» да биз шеърий жанрларнинг 16 та хилини учратамиз.

Темурийларнинг ўзаро нифоқ ва курашилари Шайбонийхоннинг (1451-1510) тарих майдонига кириб келиши ва бу майдонда барқарор турли қолиши учун имкон беради. Шайбонийхон кўчманчи ўзбекларнинг хони Абулхайрхоннинг (1428-1468) набираси эди. У 1499 йилда Темурийларга дастлабки зарбагарни бера бошлаган бўлса, кўп ўтмай уларнинг ўрнини деярли эгаллаб олади.

Бу даврда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ижоди жаҳон адабиётининг энг порлоқ намуналари сифатида эътироф этилади.

Бадиий ижодининг икки тилда яратилиши ҳам шу даврнинг мұхим хусусиятларидан эди. Аммо Навоий бошчилигидаги адабий ҳаракат туркӣ тил мавқеси учун қаттиқ кураши олиб боришади ва бу борада оламишумул ғалабаларни кўлга киритишади...

Ҳусайн Бойқаро (1438-1506). Ҳусайн Бойқаро фақат моҳир саркарда ва ийрик давлат арбобигина эмас, балки истеъододли адаб ҳам эди. У ўша даврдаги ўзбек фани, маданияти, айниқса, адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Ҳукмдор сифатида эса ўз даврида туркӣ тилда асарлар яратилишига имкон яратиб берган, бу ишларни амалий жиҳзатдан рағбатлантирган эди. Адибнинг «Рисола» номи билан машҳур бўлган асари алоҳида тарихий, адабий, маърифий аҳамиятга молик. Үнда, жумладан,

Навоий ҳақидаги күплаб тарихий ҳақиқаттар ва эътирофлар акс этган. Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақида гапириб: «..... турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била руҳ киорди ва ул руҳ топқонларга туркӣ ойин алфоз тору нудидан тўқулғон ҳуяла ва ҳарир кийдурди», дейди.

«Рисола» - ўзбек прозасининг яхши ва гўзал намунаси сифатида ҳам эътиборга мөлиқдир.

Адид ифтихор билан ёзадики, унинг замонида Ҳиротда юзта мадраса фаолият кўрсатади ва уларда мамлакат ташқарисидан келган кўплаб талабалар ҳам сабоқ олишади: «... ҳоло шукрким, дор ус-салтанатда тахминан юз ҳавзайи дарс бўлгайким, фазоили диния ва улуми яқиния аднойи ва Рум ақсосидин ва Чин сирҳадига дегинча жамеи ислом билодидин қобил толиблар бу овоза ва музокараи беандозани эшишиб гурбат машаққатин ихтиёр қилиб, бу таҳтгоҳга юзланурлар» («Шукрки, ҳозир салтанат маркази (Ҳирот) да тахминан юзта ўқув юрти бор бўлиб, дин фозилари ва табиий фанларниң олимларини деб Рум ерларидан то Чин чегарасигача бўлган барча ислом шаҳараларидан қобилиятли талабалар бу ўқув даргоҳлари ва (уларадаги) ўхшалии йўқ сұхбатлар овозасини эшишиб, мусофирилик машаққатини бўйинларига олиб, бу шоҳлик марказига юзланоилар»).

«Рисола» да Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларининг ижодлари-га жуда катта баҳо берилади. Жумладан, Жомий «жумланинг аълами (олими) ва афзали, фазоил (физматлар) дарёсининг дури поки» деб таърифланади. «Ғазаллари шўраангиз (оламга гавғо солувчи, яъни кишида кучли ҳис ва ҳаяжон ўйготувчи), байтлари лутфомиз (лутфга бой)» эканлиги уқтириллади. Алишер Навоий ҳақида эса ниҳоятида нодир ва ҳаққоний фикрлар билдириллади. Навоийнинг «ҳақ сўз адаосинда далер (ботир, кўрқмас)»лиги алоҳида таъкидланади. Унинг «турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси билан руҳ киорди» деган таърифлари айни пайтда йирик шоирнинг самимий эътирофлари ҳам эди.

Ҳусайн Бойқаро «Ҳамса» ёзган буюк адилларни ўзаро чогиштирадар экан, Навоийнинг устун томонларини ҳам жуда оддий ва ишончли тарзда кўрсатиб беради: «Агарчи Шаҳих Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз «Ҳамса»сини ўттиз ўйлда тақмис берилбетур. Ва Мир Ҳисравким «Ҳамса» абёти ададин ўттиз мингдин ўн саккиз мингга ихтиisor қилибетурор ва шуҳрати мундоқдурким олти-етти ўйлда тутгатибетурор.

Бу фасоҳат (сўзининг очиқ, равсан, равон, ёқимлилиги) майдонининг сафдари (сафларни ёрувчиси) ва балогат (сўзни гўзал ва таъсирчан қилиб ифодалаш) бешаси (тўқайи, ўрмонзори) нинг газанфари (шери, арслони).... бунёдининг ибтидоси (бошланиши)дин саводи (ёзуви)нинг интиҳоси (охирни)гача ҳамоно икки ўйлдин ўтмади ва айтмолгон авқот (вақтлар) ҳисобга кирса, деса бўлгайким, олти ойга етмадиким, анинг афсоналари рангинлигин ва абёти (байтлари) сеҳроийлигин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин мутолаа қилиган киши билгай ва мулоҳаза қилиган киши фаҳм қилигай».

Унинг ўзи ҳассос шоир эди. Адид ўзини «ҳаста кўнгул» дер экан, мана шу ҳассосликни, олам ҳодисаларига бефарқ қаролмасликни назарда тутади.

Сүз маңынан нозик даражада ҳис этиши ва буни бошқларға ҳам етказиб берішининг моҳирона йұлларини пухта әгаллаганлық адіб шеъриятыда очық күрнисіт туради.

Мен ҳилол үлдім гамингдин, сен құёшсан, эй санам,

Йұқ ажаб, гар бұлса мендин камлигу сендін карам.

Лирик қаҳрамон - ошиқ үзини ойга (ҳилолға), маңышқаны эса құёшга нисбат беради. Ошиқнинг ойга нисбат бериладын ҳолатлари мүмтоз адабиёттіміздә ишк мартта Ҳусайній ижодидә уңратади. Үз-үзидан нима учун ошиқ ойга, маңышқа құёшга нисбат берілмоқда? деган савол туғылады. Бу саволға кейінгі мисрада жасаб бор. Ошиқ учун камлик – камчылық (нұксон ва нотугаллықтар) хос. Ҳудди шу ҳолат уни ҳилолға ұхшатиши учун асос бўлган. Одатда ҳилол деб янги күрнігандай ойни аташади Шүнинг учун ҳам у күпинча ёрнине қошига, ёки ошиқнинг қаддига нисбат берилади. Янги күрнігандай ой ҳозирға ҳолатда тұла ва бутун бўлмаган, яни кемтиклиги, нотугаллықлари бўлган ойдир. Шу маңнода у ошиқнинг ҳолатини ифодалаї олади. Құёш эса тұла ва бутун оламни бирданнага ёртта олади. Ҳудди шүнинг учун ҳам у «қарамақидир.

Боз аро хошок елдин ҳар тараф майл айласа,

Соясинаи айламас бошидин онинг сарви кам.

Боз ичида шамолнинг таъсиридаги үт-ўланлар ҳар томонга қараб әзделдерішини ёки қуриған үт-ўланларнинг учіб юришини күзатғанмисиз? Һириңчи мисрада шу ҳолатнинг тасвири берилған. Сарвда событлик бор. У соясинаи бир маромда тутыб тұраверади. Аңғанадан фарқын равишада бу уринде ошиқ бекарорлықда, маңышқа эса барқарорлықда тасвир қилинмоқда.

Кейинги мисраларда ошиқ бўлбуя, парвонага нисбат берилади

Чун гам-у фаред-у ағғони эрүр гул шавқидин,

Ҳар ниҳол узра агар бўлбуя наво торттар не гам.

Ҳар қаён сайр этса парвона шабистон¹ саҳніда,

Бор бу равшанким чекар шамъ ўтти кўнглидин алам².

Қўзу зулғунг бирла оғзинг сиррн элтур жон аро,

Гар Ҳусайній дарди ишқинг ийлида бўлса адам³.

Кўйидаги газал ҳам шоир ижодидаги энг яхии намуналардан бири сиғаттіда қайд этилиши мүмкін:

Эй жафо тиги, келиб мажруҳ кўксумни ёру,

Қўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичинни ахтару.

Лирик қаҳрамоннинг мажруҳ кўксини ёришига тақлиф этилаётган тиғса эထтибор бердінгизми? У оддий тиғ эмас, балки жафо тигидир. Кўкис, яни кўкракни ёриб, ялангоч қўл билан унинг ичиндан изланған нарса нима? Жавоб кейинги байтода мұжассамлашған:

Ахтарурда топсанг ул кўнглумки, мажнуншевадур,

Ҳар нечук бўлса адам саҳроси сори бошқару.

¹ шабистон - коронтулик

² алам чекмок - бу ерда ўт, алғаннинг юкорига кўтарилиши, баландлашиши назарда ғүнлади.

³ Адам бўймок - йўқ бўймок, нобуд бўймок.

*Демак, изланган нарса күнгил. У қандай ҳолатда бўлишидан қатъи
назар (ҳар нечук бўлса), уни адам саҳросига - ўйқликка йўналтириши
(бошқару) лозим.*

Бошқарурда бормаса кўнглум адам саҳросига,

Тўши-тўшиодин санчибон ул сори они қайтару.

*Ўзингиз молни, кўй-кўзилар ёки эчки улоқларни далаға ўтлатиш учун
олиб борганимисиз? Ёки чўпоннинг шу ҳолатини кузатганмисиз? Дала-отит
(саҳро) йўналишидан четга чиқаётган жониворлар таёқ ёрдамида (яъни куч
ишлатиб, мажбурлан) ўйлга солинади. Бу ҳолат кўпинча баҳордан кузининг
ўрталаригача бўлган муддатда уй ҳайвонларини тоз ёки саҳроларга ёзги
мавсумни ўтказиш учун олиб кетилаётган пайтда учрайди. Байт мазмунидаги
мажозий тарзда бу кўнгилга нисбат берилмоқда*

Қайтарурда воқиф ўлким, ёна қайтиб келмасун,

Тенгри учун нотавон жонимни андин қутқару.

*Бу ерда кўнгил ва жон бир-бирауга зид қўйилмоқда. «Нотавон жон»
«мажнуншева кўнгил»га тобе. Шунинг учун ҳам жон тобеликдан
қутулмоқчи.*

Кутқарурда нотавон жонимни ул бебокдин.

Юз жафо айлаб ани келтур, қошимдин ўткару.

*«Бебок» кўнгилнинг сифати. Унинг маъноси «қўрқмас, ҳайиқмас,
тортишмайдиган; бевоши» демакадир. Жонни кўнгилдан қутқаршида, барибиц,
уни яна бир марта кўриши иштиёқи устунлик қиласди.*

*Ҳар қандай яранинг тузалиши учун кўп вақт керак бўлади. Қолаверса
яра тикилар экан унинг ўрни қолади. Ошиқликда эса бундай яранинг ўрни
мутлақо бошқача битади. Мана унинг тасвири:*

Истабон келса яна кўксум шикофин тоғмагай,

Ваҳки, бир марҳам қуюб ул чок кўксум буткару.

*Бу ерда «шикоф» сўзи ёриқ, дарз, чок, тешик маъносини, «марҳам» эса
малҳам, ярага қўйиладиган дори маъноларини англатади.*

Айласанг мискин Ҳусайний жонини андин халос,

Вирди бу бўлгай дуода сен даги доим ёру.

*«Вирд»нинг маъноси бирор иш ёки сўзни қайта-қайта тақрорлари
демакадир. Эътибор беряпсизми? Шоирнинг қутулмоқчи бўлгани нима эди? Тўёри,
кўнгил эди. Жони ундан халос бўлгандан кейин ҳам дуода «қўксимиш
ҳар доим ёргин» дейлиши ошиқ кўнгил орзуларининг, ниятларининг барқарор
ва мунтазамлигидан гувоҳлик беради.*

*Эътибор берган бўлсангиз шеър - газалда олдинги байтни тугалия
ётган сўз кейинги мисранинг бошланшишида кўйланмоқда. Бу усул орқали шоир
айтмоқчи бўлган фикрига янада кўпроқ эътиборни тортишгэ мувоффақ
бўлади. Айни пайтда шу фикрининг мантиқий ривожи ҳам таъминланади.*

*Шоирнинг бошқа шеърларида ҳам оҳори тўқилемаган мисранлар,
мутлақо янги сифатлаша ва ўҳшатилилар, тасвиридаги нозик кузатилилар
устунлик қиласди. Мисол учун ҳижрондаги ошиқ кўнглининг ўртанишларини
«қовурилаётган балиқ»ка ўҳшатилиши ҳеч кимда учрамайди:*

Ҳајжр тобидин ичим бирён балигдек ўртанур,

Гар ватан тұтсам балигдек чашмаи ҳайвон аро.

Күйидаги байтда эса ошиқ изтироблари ўтга тушған қыл образи орқалы күрсатыб берилади:

Эй фироқинг зулмидин жонимда ўт, күнглумда тоб,

Ўтқа тушкан қыл киби жиссімін аро ҳам пеңу тоб.

Хұсайн Бойқаро нисбатан қийин ҳисебланған шеърий санъатларни жуда содда, табиий ва таъсирчан тарзда құллай олади. Шулардан бири лаффи нашрдір. Бұ санъатнинг мөхиятты шундан иборатки, шоур аввал бір неча ҳодисаларни санаиди, бир ерга йығади, кейинги мисрада эса уларға алоқадор бўлған нарса, ҳодисаларни келтирәди, уларни «ёйиб қўяди».

Сарв-у сунбул бирла гул васифидурур үл сафҳада,

Қадд-у зулф-у оразинг ёди билә очсан китоб.

Бу ерда дастлаб сарв, сунбул ва гул келтирилган. Ииккінчи мисрада эса уларға «алоқадор» бўлған қад, зулф ва ораз санағмоқда. Сарвнинг қадға, сунбулнинг зулфға, гулнинг юз (ораз)га ўхшатилишини яхши биламиз. Демак, адіб мана шу мантиқий алоқадорликни назарда тутыб улардан ўз мисраларида фойдаланған.

Күйидаги байтда эса қад билан юз биринчи мисрада келтирилмоқда. Уларға алоқадор бўлған сарв билан гул эса кейинги мисрада жойлаштирилган:

Қадду юзунг ҳажридин, вәжким, манга бўлмиш мудом,

Сарв майли бир тараф, гул орзуси худ ҳаром.

Күйидаги мисраларда эса тарсе санъати қўлланған:

Тўкуб қоним, тараҳхум қўлмадинг ҳеч.

Кўруб ҳолим, табассум қўлмадинг ҳеч.

Бу ерда ҳар иккى мисрадаги сүзлар ўз тартибларига кўра (тўкуб-кўруб, қоним-ҳолим, тараҳхум-табассум, қўлмадинг ҳеч - қўлмадинг ҳеч) бир-бirlари билан қофиядоши бўлиб келган. Бунинг натижасида шеърнинг оҳангдорлиги ҳаддан ташқари кучайиб кетган, таъсирчанлиги ортган.

2-топширик. Матнни ўқиши, уннинг композициясини таҳлил қилиш асосида кириш, асосий қисм ва хulosани ажратинг.

3-топширик. Матнга таянған холда қўйидаги саволларга жавоб беринг:

Маколани мантиқий-маъновий таркибиға кўра таҳлил қилинг. Бунда қўйидагиларга эътибор беринг:

1. Макола асосидаги асосий назарий пойдевор нималардан иборат?

2. Маколада масала қандай қўйилган?

3. Муалиф олға сураётган асосий илмий ғоя нималардан иборат?

4. Муалиф ўз тезисларини қай тарзда асосламоқда?

5. Хулоса.

4 - топширик.

Маколани маъновий қисмларга ажратинг. Қўйидаги режа асосида маколанинг мураккаб режасини тузинг:

I. Кириш...

II.....

1.

- 2.
 - III.....
 - 1.
 - 2.
 - 3.
- IV. Хулоса...

5-топшириқ. Ҳар бир маъновий қисмларни таҳлил килинг. Асосий, қўшимча ва тақрорланувчи (асословчи ва тасдикловчи) маълумотларни белгиланг. Реферат ёзишда уларнинг кайси бирларидан фойдаланиш мумкинлигини асосланг.

6-топшириқ. Режага мувоғик тарзда реферат тайёрланг. Бунда куйидагиларни эътиборга олинг:

- А) макола мавзусини аникланг (сарлавҳа ва киришга таянишингиз мумкин);
- Б) Маколадаги атама ва тушунчаларга тавсиф беринг;
- В) Навоий давригача бўлган ўзбек адабиёти ҳакида илмий тадқикот ишларини олиб борган олимларнинг эълон килган ишларининг қисқача рўйхатини тузинг;

7-топшириқ. Маколани таҳрир килинг. Уни кай даражада кисқартириш мумкин деб ўйлайсиз? Уни амалда кисқартириб кўринг.

8-топшириқ. Маколанинг аннотациясини тузинг.

9-топшириқ. Худди шу типдаги бошқа бир маколани юқоридаги андоза асосида таҳлил килинг.

Мустақил ишлар учун материаллар

1-машғулот.

Фольклор асарларни ўрганиш хусусиятлари

1-топширик. Құйидаги матнни ўқинг. Үнга ўз муносабатингизни билдириңг.

Фольклор асарларини ўрганиш бошқа адабий асарларни ўрганишдан тубдан фарқ қиласы. Гап шундаки, фольклор асарларининг ўзига хос хусусиятлари уни ўқитиша ҳам ўзига хос ёндашувлар бўлишини тақозо этади.

Умумий ўрга таълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўқувчилар фольклорнинг турли намуналари билан танишиб улгуришган. Дастан ва дарсликларда бу хақдаги дастлабки маълумотлар келтирилган. Олий мактабда эса ўзбек тили ва адабиёти йўналишида фольклоршунослик маҳсус ўқув предмети сифатида ўрганилади. Демак, талабалар, тегишли назарий маълумотга ҳам эга бўлишади. Бу ерда, дастлаб, оғзаки ва ёзма адабиёт орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эътиборни тортиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2-топширик. Қуйидаги матнни ўқинг. Үнга ўз муносабатингизни билдириңг. Тасавур қилингки, сиз 5-синфда «Халқ мақоллари» мавзусини ўтмоқчисиз. Бунда фольклор ва ёзма адабиёт ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз, буни болаларга қандай тушунтирган бўлар эдингиз?

«Адабиётни оғзаки ва ёзма турларга ажратиш нисбатан кейинги ҳодиса эканлиги, дастлаб адабиёт факат оғзаки шаклда юзага келганлигини эслаш жоиз.

Оғзаки ижоднинг халқ оммасига нисбат берилиши, шунинг учун ҳам бу адабиёт халқ оғзаки ижоди деган ном билан юритилиши изоҳланиши керак. Айни пайтда, халқ оғзаки ижодининг бирданига кўпчилик томонидан яратилиши эмас, балки оммавий тарзда қўлланиши, муаллифининг аниқ бир шахс билан чегараланмаслигига ишора эканлигини тушунтириш ўринли бўлади. Фольклор асарларининг ўзига хос хусусиятлари, айrim жанрларнинг генезиси ва поэтикаси, фольклор матнларининг талқинлари X. Зариф, М. Афзалов, М. Алавия, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, К.Имомов, Ф. Жалолов, М. Жўраев, О. Сафаров, У. Жуманазаров, А. Мусақулов, О. Мадаев, Ш. Турдимов, Ж. Эшонкулов

ва бошқа кўплаб фольклоршуносларнинг асарларида берилигани ишни осонлаштиради. Уларга таяниб туриб фольклорнинг пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти, фольклор жанрларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ёзма адабиётга муносабати, фольклордаги вариантилиқ, анъанавийлик, бадииятнинг ўзига хосликлари ҳакида маълумотлар берилади.

Айникса, таълимнинг кўйи босқичларида ўрганиладиган фольклор асарларининг моҳиятини теранроқ ёритишга ёрдам берадиган илмий тадқиқотлардан, методик адабиётлардан кўпроқ ва унумлирок фойдаланиш тавсия этилади. Булар қаторида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Жуманазров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент, Фан, 1991.

Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент, Фан, 1995.

Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, Алишер Навоий нгомидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

И момов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.

Йўлдошев Қ. «Алпомиши» талқинлари.- Тошкент. Маънавият, 2002. Мадаев

О. «Алпомиши» билан събат. – Тошкент, Маънавият, 1999.

Мадаев О., Собитова Т. «Ўзбек халқ оғзаки ижоди». – Тошкент, Университет, 1999.

Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ – Тошкент, Фан, 1978.

Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, Фан, 1981».

3-топшириқ. Юқоридаги илмий китобларни ўқинг. Улардан бевосита амалий фаолиятнингизда фойдаланиш учун кўчирмалар олинг.

4-топшириқ.

- 1) Музайяна Алавиянинг «Ўзбек халқ маросим фольклори. – Т; “Фан”, 1974. –222 бет. Китоби таҳлили. Матнни ўқиш, унинг композициясини таҳлил қилиш. Кириш, асосий қисм ва хуносани таҳлил қилиш.

2) «Сўздан сўзнинг фарки бор» (Т.Мирзаев) мақоласини ўқиши, унинг композициясини таҳлил қилиш. Кириш, асосий қисм ва хуносани таҳлил қилиш.

5-топшириқ.

Мақолани мантиқий-маъновий таркибига кўра таҳлил қилинг.

Бунда қуйидагиларга эътибор беринг:

1. Мақола асосидаги асосий назарий пойдевор нималардан иборат?
2. Мақолада масала қандай қўйилган?
3. Муаллиф олға суроғтган асосий илмий ғоя нималардан иборат?
4. Муаллиф ўз тезисларини қай тарзда асосламоқда?
5. Хуоса.

6-топшириқ.

Маколани маъновий қисмларга ажратинг. Куйидаги режа асосида мақоланинг мураккаб режасини тузинг:

I. Кириш...

II.....

1.

2.

III.....

1.2.3.4.

IV. Хуоса...

7-топшириқ. Ҳар бир маъновий қисмларни таҳлил қилинг. Асосий, қўшимча ва тақрорланувчи (асословчи ва тасдиқловчи) маълумотларни белгилант. Реферат ёзишда уларнинг қайси бирларидан фойдаланиш мумкинлигини асосланг.

8-топшириқ. Режага мувофиқ тарзда реферат тайёрланг. Бунда қуйидагиларни эътиборга олинг:

- А) мақола мавзусини аникланг (сарлавҳа ва киришга таянишингиз мумкин);
Б) мақол атамаси ва тушунчасига тавсиф беринг;
В) ўзбек халқ мақолларини тўплаб, нашр этишга хисса қўшган олимларни белгиланг;
Г) мақолларда қўлланадиган сўз маъноларининг турланишини изоҳлаб беринг.

Д) мақолларда қўлланадиган тасвир воситаларини тавсифланг.
Уларни тегишли мисоллар билан далилланг.

Е) муаллиф хуносасини шакллантиринг.

9-топшириқ. Мақолани таҳрир қилинг. Уни қай даражада қисқартириш мумкин деб ўйлайсиз? Уни амалда қисқартириб кўринг.

10-топшириқ. Мақоланинг аннотациясини тузинг.

2-машғулот. Замонавий адаблар асарларини ўрганиш

1-топшириқ. Қўйидаги матнни ўқинг. Унга ўз нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб муносабат билдиринг:

«Замонавий адабиёт» атамаси бугунга келиб ўзгача маъно касб этадиган бўлиб қолди. Аниқроги, бу тушунччанинг қамрови кенгайди. Эндиликда у XIX асрнинг охирларини, бутун XX аср адабиётини, мустақиллик даври адабиётини, шунингдек, бугунги адабиётни ҳам яхлит ҳолда мужассамлаштирадиган бўлди.

Хозирги ўзбек адабиёти деган ном мана шу тушунчаларнинг барчасини қамраб олади.

XX аср адабиётини ўрганишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Биринчидан, у хронологик жиҳатдан XX асрнинг ўзи билан чекланмайди. Хозирги давр, яъни XXI аср адабиёти ҳам шу ном остида келаётганинг эсдан чиқармаслик керак. Иккинчидан, XX аср бошларидағи адабиётнинг тўлиқ ва мукаммал манзарасини яратиш жараёни ҳозир ҳам давом этмоқда. Учинчидан, собиқ совет даврида яратилган адабий асарларга баҳо беришдаги бир ёқламалик барҳам топа бошлади. Эндиликда уларга бошқача, янги, мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган эркин ва ижодий тафаккур андозалари билан ёндашиш устивор мавқе тутмоқда.

XX аср адабиёти устидаги баҳслар кизғин давом этмоқда. Унинг мағзи, моҳияти тоборо кенгрок, чуқурроқ, тўлароқ намоён бўлиб бормоқда. Китобхонлар бу давр адабиёти ҳақидаги асл ҳақиқатлар билан мукаммалроқ тарзда танишиб боришмоқда. Бўлажак ўқитувчилар ҳам бу жараёнларнинг туб моҳиятини теран англаб олишлари керак бўлади.

Шулардан бири асл манбаларни ўқишидаги мураккабликлар билан боғлиқ. Гап шундаки, XX асрнинг дастлабки чорагидаги адабиёт анъанавий тарзда араб ёзуви орқали оммалашган эди. Улар ўша давр матбуотида, газета ва журнallарида, маҳаллий нашрларда

чоп этилган. Айрим нашрларнинг қоғози жуда сифатли бўлган эмас. Шунга кўра уларни ўқишида араб алифбосидаги айрим ҳарфларнинг бошқа бир белгилар билан қориштирилиши юз бериши мумкин. Жумладан, Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган мақоласи ҳақидаги бир аҳборот тарқалган эди. Маълум бўлишича, асл матнда у «Имом Газзолий» деб номланган экан. Унинг муаллифи ҳам Чулпон эмас экан. Бу ҳақда проф. О.Шарафиддинов шундай ёзади:

«Афсуски, бугунги кунда матбуот саҳифаларида биз анча-мунча ҳолларда масалани чуқур ўрганмай туриб, ҳовлиқмалик билан иш юритаётган, натижада «ярми ёлғон, ярми чин» гапларни ҳам «кашфиёт» тарзида тақдим қилинаётган фактларга дуч келяпмиз. Масалан, айрим журналларда «Гавҳар» деган ҳикоя Чўлпонники деб эълон қилинди. Ҳолбуки, бу ҳикоя ўз вақтида «Йўқсил» деган тахаллус остида эълон қилинганди. «Йўқсил» эса 20-йилларда Баҳром Иброҳимовнинг тахаллуси бўлган. Айрим «тадқиқотчилар»имиз сира андиша қилиб ўтирумай ўз чаласаводликларининг самарасини китобхонларга кўз-кўз қилишга ошиқади. Масалан, библиографик кўрсаткичларнинг бирида 20-йилларда Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган мақола эълон қилгани таъкидланади. Афсуски, мен ҳам бу гапга чиппа-чин ишониб, «Чўлпон» деган рисоламда уни айнан тақрорлаганман. Аммо кейинчалик кўрсатилган манба («Инқилоб» журнали) текшириб кўрилганидан мақоланинг номи «Имом Газзолий» экани, муаллифи ҳам бошқа одамлиги маълум бўлди. Яқинда Тошкент дорилфунунида бўлган бир анжуманда нотиқлар Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларини чоп этишда текстологик хатоларга кўп йўл қўйилаётганини, бу арабча ёзувни ўқиш вва талқин қилишдаги саводсизлик оқибати эканини айтишди. Бундай хатолар асар матнини бузиб юборади, унинг маъносини хиралаштиради. Таассуфуки, бундай хатолар Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» деган китобида ҳам анча-мунча бор. Бунга китобнинг муҳаррири сифатида мен жавобгарман, албатта!

Буларнинг барчаси нашр этилган мақола ва асарларга танқидий нуктаи назардан қарашни, албатта, мутахассислар фикрига эътибор бериш зарурлигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

¹ Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари. Маколалар, хотиралар - Тошкент, Ёзувчи, 1999, 48-49-бетлар

2-топшириқ. «Бадий адабиётни ўрганишда асл манбаларга, албатта мурожаат килиш керак» деган ақидага қандай қарайсиз? Уни маъқуллаш ёки инкор қилишга оид мулоҳазаларингизни тегишли далиллар билан айтуб бера оласизми?

3-топшириқ. Күйидаги матнини ўқинг. Ундан таълим босқичларининг қайси бирида фойдаланиши мумкин? Мулоҳазаларинингизни тегишли ўкув дастури ва дарслуклари мисолида асосланг.

«Бу жиҳатдан О.Шарафиддиновнинг «Тирик сатрлар» китоби ҳақида «Ёшлик» журналиниң 1990 йил 11-сонидаги мақола ҳақида мурожаатлари ҳам эътиборлидир. Унда кўрсатилишича, 1969 йилда нашр этилган «Тирик сатрлар» китобида мавжуд бўлмаган факт ва ҳодисалар унга нисбат берилган. Бугина эмас, китобнинг мухаррири ўзини тўртингчи қаватдан ерга ташлаб юборган, шу тарзда у ўша даврда бошига тушиши мумкин бўлган балою казолардан сакланиб қолган эмиш. О.Шарафиддинов бу гапларнинг асоссиз эканлигин кўрсатиб, жумладан, шундай ёзди: «Бўлмаган гап! «Ие, қизик-ку,»- деб эътиroz билдиришингиз мумкин, бу воеа камида 22-23 йил авввал рўй берган бўлса, сиз буни қаёқдан биласиз?! Тенасида турганимдингиз?» Ҳамма гап шундаки, «Тирик сатрлар»нинг мухаррири мен эдим. Биламан, бир қанча одамларнинг кўлида китобнинг айрим нусхалари сакланиб қолган. Ўшалардан сўранглар - китобнинг камида уч жойида менинг фамилиям мухаррир сифатида рақам қилинган. Китобга ишонмасангиз, ўша пайтда нашриёт раҳбариятида ишлаган одамлар бор – масалан, Иброҳим Ғафуров – улар гапимни тасдиқлаши мумкин. Мен қасам ичib гувоҳлик бераманки, хеч качон нашриёт биносининг 4-қаватидан ўзимни ташлаган эмасман, нафақат нашриётнинг, умуман, хеч қандай ташкилотнинг 4-қаватидан ҳам сакраган эмасман-а, Худога шукур, ман олтмиш учга киряпман... »¹

4-топшириқ. Күйидаги шеърларни ифодали ўқинг. Уларни академик лицейларнинг 3-боскичидаги ўрганиш учун дарс ишланмасига эскизлар тайёрланг:

Cho'lon

MEN SHOIRMI?

«Tarjimayi holim»ga

Xayolim bir uchib ketib qoladir,

¹ Ўша китоб, 52-бет.

*Men ham tizginini qo'yib beraman.
Zotan, qandoq qilib tutib turaman?
Eng nozik qilimga tegib qoladir.*

*Uchadir... uchadir... ming qabat ko'kni
Bir boshdan siypalab o'ta beradir.
Zerikmay, erinmay keta beradir,
Ba'zan hovliqtirib jinni yurakni...*

*Ko'lanka kabidir, o'tgan yeridan
So'ngra qarasangiz, bir nishon qolmas.
Yurgan yerlaridan oziq ham olmas,
Shunda zerikaman uning sayridan...*

*Bir zamon bir shirin joyga yetganda,
Nariga o'tmasdan to'xtab qoladir,
Oshiqdek yastanib, yotib oladir...
Shu choqda qiynalish boshlanar menda.*

*Chunki xayolimning ko'zları bilan
Bir go'zal holatni ko'rib turaman,
Lazzatga g'arq bolib, o'lib turaman.
U holni borliqning so'zları bilan.*

*Anglatish qo'limdan kelmay qoladir,
Shu choqda tillarim qaldirab ketib,
Borlig'im — yo'qlikka g'ildirab ketib
Demakki: «Boshqalar bilmay qoladir —*

*Shunday go'zallikni! Attang agar men
Rassom bo'lsam edi, chizib berardim,
O'xshash nusxa bilan yozib berardim.
Shu ojiz holimda shoirmanni men?...»*

*Shoirlik menda bir soyami, deyman,
Har bir tushunchamni yoza olmagach,
Rassomdek xayolga chiza olmagach,
Haqir borlig'imga ko'p afsus yeymen...*

*Xayolim yuksakdan tushib ketadir,
Shoirlik chang bo'lib uchib ketadir...*

(Менга соат тақдим үтгән жияним майор Ҳамидуялла Ҳусан ўғлига
багишланган)

*Түнчä очылгынча ўтган фурсатни
Капајак умриега қиес этгулик.
Баъзида бир нафас олгулик муддат -
Мине юлдуз сүннин учун етгулик.*

*Яшашы соатининг олтин каткури
ҳар бориб келши - бир олам замон.
Конном ша дамда ўз күрасидан
Ясаң чиқа олур янгидан жаҳон.*

*Ярим соат ичида түгисиб, ўсиб,
Яшаб, умр күриб, ўткүвчилар бор;
Күз очиб юмгынча ўтган дам -- қиммат.
Бир лаҳза мазмуну бир бүтүн баҳор.*

*Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтингедан тарозу, олмоедан тоши оз.
Нурлар қадами-ла чөлгөн секунднинг
Барини түтөлмас аюданнос обоз.*

*Пигит телмураси қизнинг күзига,
Киприк сузылиши, майши табассум...
Күша қаримокка мұхр бұлади
Хәёттөа шеки лаб қояуынан бир зум.*

*Яшашы дарбозаси останасидан
Заржыл китоб каби очилур олам,
Тирнилк күркийдир мезнат, мұхаббат.
Фурсатодыр күлгүчі азиз, мұкаррам.*

*Катрафа осмон акс этганидек.
Жаңондай маңындор қорачесимиз.
ғолиб астымизга қуёшдан машықал,
Замон күрасининг сүнмас чүгимиз.*

*Галаба амри-ла мағлуб немисстине
Генерали құл құйди. Үч секунд фақат...
Шу мағъүн имзода одалар ўқыр
Мизлион ишт фашисттине умриега лаънат.*

Азиз асрийизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамок чоғидир умр дафтиарин.

Шуҳрат қоядирмокқа Геростратдек
Диана маъбодин ёқмоқ шарт эмас,
Кўпчарнинг баҳтиса ўзликни жамлаб,
Шу улуғ бинога бир гишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдирни лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажсак, ҳар лаҳза учун
Кудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Хаёт шаробидан бир қултум ютай
Дамлар ганиматдир, умрзоқ соқнӣ.
Қўёшики фагакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайлантишлар ва созланашлар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол.
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганилар бор».
Сўлгин-сўлгенин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлилар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
Ўқсик дигда боисланмасин дессанг қиёмат.
Бу табиати суюмидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қўллар бизни маст.
Белгинангга тирақ бўйай, онажоним, тур,
Дориламон қуёшга боқ, унга қасдма-қасо.
Юзинг ардоқси қуёшдай иссиқ ва маҳваси.
Кўзларингда умид ёнар тикилган онн.
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги гаш,
Киззаш, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнин қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг, яйрайди танинг.
Яшамок – бир тансик таом, унга урсанг қўл.

*Борган сари очыладыр шашташанға салынғ.
Бөгелардағы етпилгеси ұар мевасти шох
Ризқөдір биззә, ризққа доым оны ишиңжекідір.
Үглонларинг келар ана, очишиб қүчөк.
Үглонларинг мева қафар бір шириңликдір.
Онағинам!
Үзінг тортма давралароат, әл чорлаганда.
«Тириқпикниң байрамы» деб созлағанда төр.
Үзінг сұлғаш лаблар билан пичирләғандай:
«Ху құнларда етганаңлар бор, стмағанлар бор».*

ИҚБОЛ МИРЗО

Айтгил, дүстим

*Бошинг әгіб, таъзим айла, шукронда айт,
Сени ғулдек әркалалған чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

*Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун.
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

*Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарған гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

*Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўқдан чалпак кутадирсан?
Ахир ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

*Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

*Хеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб болгагайсан ?
Айтгил, дүстим, нима қилдик ватан учун ?*

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,

*Бир бор назар солған босған изингга сен,
Шұу саволни беріб күргин үзінгга сен,
Айтғыл, дўстим, нима қылдик ватан учун ?*

5-топширик. Ҳар бир шеърнинг алохida таҳлилини амалга оширинг. Бунда академик лицей ўкувчиларининг ёш хусусиятлари ҳамда умумий адабий-назарий тайёргарлариниң эътиборда тутиң.

3-машғұлот.

Қадимги туркий адабиётни ўрганиш

1-топшириқ. Қуйидаги матнни ўқынг. Ұнға ўз муносабатингизни билдириң:

«Қадимги туркий адабиёт адабиётимизнинг таркибий қисмини ташкил этади. У кейинги даврлардаги адабиёт ривожи учун тегишли тарихий-адабий асос вазифасини адо этган.

Қадимги туркий адабиётнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари борки, таълим-тарбия жараёнида уларга алохida эътибор бериш зарурати сезилади. Гап шундаки, қадимги туркий адабиётни ўрганиш ва ўргатыш учун фақат адабиётшүнослик ёки умумфилологик билимларнинг ўзи етмайды, улар озлик қиласы. Бу ерда тарихчи, этнограф бўлиш, бир неча қариндош ва қариндош бўлмаган тилларни билиш, қадимги матнларнинг ўзига хосликларидан хабардорлик ҳам талаб этилади. Бундан олдин эса унинг чегараларини аниқлаб олиш зарурати ҳам борлигини эслатиш ўринли бўлади. Бу ёдгорликларнинг тарқалиш худудига ҳам, уларнинг пайдо бўлиш ва яшаш даврларига ҳам алоқадордир. Уларни қуйида кўриб чиқамиз».

2-топшириқ. Қадимги туркий адабиётнинг тарқалиш худудлари ҳакидаги қуйидаги матнни ўқиб чиқынг. Бу фикрларни далиллайдиган асарлар номини көлтириң.

«Географик чегаралар.

Қадимги туркий обидалар кўпинча «Ўрхун-Энасой обидалари» номи билан юритиб келинган. Бунга мазкур ёдгорликларнинг топилиши ўрни сабаб бўлган эди. Бу ёдгорликларнинг дастлаб топилганлари, ҳажмига кўра анча иириклари Ўрхун ҳамда Энасой дарёси кирғокларидан топилган. Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг топилиши ва ўрганилиши XVIII асрдан бошланади. Рус хизматчиси Ремезов бу ҳақда дастлабки хабарни беради. Швед зобити Иоганн Стралленберг, олим Мессершмидт ёдгорликларни Европа илм ахлига илк марта тақдим қиласы эдилар.

Дастлаб, Ўрхун, Селенга ва Тўли дарёлари атрофидан — Шимолий Мўгулистондан тошга битилган обидалар топилди. Улар Ўрхун ёдгорликлари номини олди. Энасой дарёси киргокларида топилган ёдгорликлар ҳам шу ном билан аталади.

Ёдгорликлар топилганидан кейин уларни ўқиш, ўрганиш муаммоси қўндаланг бўлди. Аммо бу иш деярли бир яrim аср мобайнида хеч кимнинг қўлидан келмади. Ниҳоят, 1893 йилдагина уларни ўқиш учун дастлабки қадам қўйилди. Шу йили даниялик олим Вилгельм Томсон ва рус олими В.Радловлар ёдгорликлардаги барча ҳарфларни ўқидилар.

Шундан сўнг уларни жиддий ўрганиш бошланди.

Ўрхун-Энасой обидалари «тош битиклари» деб ҳам юритилади. Бунинг сабаби кўпгина ёдгорликларнинг қабр тошларига ўйиб ёзилганидидир. Уларнинг ҳажми анчайин улкан.

Жумладан, «Тўнюкуқ» битиктоши 2 та устунга ёзилган. Уларнинг бири 170, иккинчиси 160 см дан иборат. Бу ёдгорликни Елизавета Клеменц 1897 йили Шимолий Мўгулистонда эри Дмитрий Клеменц билан биргалиқда излаб топган. Битиктош Улан-Батордан 66 км жануби-шарқдаги Баин Цокто манзилида бўлган ва ҳозир ҳам шу ерда сақланади.

«Култегин» битиктоши мармардан ишланган, баландлиги 3 м 15 см, қалинлиги 41 см, туб қемси 1 м 24 см бўлиб, юқорига томон торайиб борган. Ёдгорликни рус зиёлиси Н.М.Ядринцев (1842-1894) 1889 йили Мўгулистаннинг Кошо Цайдам водийсидаги Кўкшин Ўрхун дарёси кирғогидан топган. У Улан-Батордан 400 км жанубда Қора Балғасун шахри харобаларидан 40 км шимолда жойлашган. Ёзувлар ўнгдан чапга ва юқоридан пастга қараб битилган.

«Билга хоқон» битигини ҳам Н.М.Ядринцев топган. У Култегин битигтошидан 1 км жануби-ғарбга ўрнатилган. Унинг бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 72 см, қалинлиги 72 см, битиктош ағдарилиб, учга бўлинган ва айрим сатрлари нураб, ёзувлари ҳам зарар кўрган. У 80 сатрдан иборат. «Билга хоқон» битиктошида «Култегин» битигтошидаги 41 сатр тақрорланган.

Қадимги туркий обидаларнинг асл манбалари топилган жойлар: Ўрхун ва Энасой дарёлари атрофлари, Турфон (Шарқий Туркистон), Осиё ва Европанинг кўпгина жойлариидир. Шунга кўра уларнинг Мўгулистан, Германия (Берлин, Марбург, Майнц), Россия (Санкт-Петербург, Қизил, Минусинск), Хитой (Турфон, Урумчи, Миран Сучжой, Пекин), Буюк Британия (Лондон), Франция

(Париж), Швеция (Стокгольм), Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистонда сақланиши кузатилади.

Географик ном сифатида Туркия атамаси қадимги Бобил (Византия) манбаларида мавжуд. VI асрда бу ном Кичик Осиёни англаттган (Менандр).

IX-X асрларда Волга бўйидан Ўрта Европагача бўлган ҳудудлар ҳам шу ном билан аталган. Онадўли-Анатолия эса XII асрдан бошлаб Туркия номини олган.

Шунингдек, қадимги туркий халқлар яшайдиган жойлар Турон деб номланган. Бу ерларни форслар «туронзамин» дейишган.

3-топширик. Қадимги туркий адабиётнинг хронологик чегаралари ҳакидаги юкоридаги мулоҳазаларни ўқинг. Уларга қўшиласизми? Нима учун? Фикрнингизни асосланг.

4-топширик. Юкоридаги матнни ўқинг. Унда қадимги туркий адабиётнинг ёзув билан алоқадор бўлган жиҳатлари ёритилган. Уларга ўз муносабатингизни билдиринг. Бу ёзувларнинг ўзгариши сабаблари ҳакида ўйлаб кўринг.

5-топширик. Юкоридаги матнни ўқинг. Ундаги маълумотларни умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларига қандай етказиш мумкинлиги ҳакида ўйлаб кўринг.

4-машгулот.

1-топширик. Академик лицейларнинг 1-босқичи учун яратилган Адабиёт дарслигидан қадимги туркий ёдгорликларнинг топилиши ва ўрганилиши ҳакидаги кисмларни ўқинг.

2-топширик. Матннинг аввал содда, сўнг мураккаб режасини тузинг. Режанинг нима учун айнан шундай тузишганини тушунтиринг.

3-топширик. Ёдгорликнинг асосий бадиий ҳусусиятлари кўрсатилган ўринларни ажратинг. Улардаги ифода имкониятларини изоҳлаб беринг.

4-топширик. Матннадаги асосий гояларни белгиланг. Мазкур матн ўқувчиларда қандай билим, кўнишка ҳамда малакаларни ҳосил қилиши мумкинлиги ҳакида гаптириб беринг.

5-топширик. Маълумки “Ёдгорликларда инсон шахси ва айнича, унинг эрки билан боғлиқ масалалар теран бидиий таҳлил қилинган”. Уни тасдиқлайдиган ёки инкор қиласидан мисолларни келтиринг.

6-топширик. Мажмуудан матннинг ўзини топиб, ундаги сўзлар тақрори билан алоқадор бўлган шеър санъатларини белгиланг. Уларни ўқувчиларга тушунтиришида қандай шакллардан фойдаланиши мумкинлиги ҳакидаги мулоҳазаларингизни айтинг.

7- топширик. Б.Тўхлиев ҳамда Б.Абдураҳмоноваларнинг “Кутадегу билиг “ни ўрганамиз” китоби билан танишинг. Китобга тақриз ёзинг.

Мумтоз асарларни ўрганиш

1-топширик. Кўлланмадаги «Мумтоз асарларни ўрганиш» матнини ўқинг. Ундаги асосий методик мулоҳазаларга муносабатингизни билдиринг.

2- топширик. Навоийнинг 15 жилдлиги хамда 20 жилдлигидаги ғазаллардан айрим намуналарни ўзаро киёсланг. Кўзга ташланган айрмалар моҳиятини ўқувчига тушунтириш йўллари ҳакида гапириб беринг.

3-топширик. Дарсликдан XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрлар адабиёти ҳакидаги матнни ўқинг.

4-топширик. Матнни ўқиш, унинг композициясини тахлил қилиш асосида кириш, асосий кисм ва хulosани ажратинг.

5-топширик. Хар бир маъновий қисмларни тахлил қилинг. Асосий, қўшимча ва тақорланаувчи (асословчи ва тасдиқловчи) маълумотларни белгиланг. Реферат ёзишда уларнинг қайси бирларидан фойдаланиш мумкинлигини асосланг.

6-топширик. Режага мувофик тарзда реферат тайёрланг. Бунда қўйидагиларни эътиборга олинг:

- А) макола мавзусини аникланг (сарлавҳа ва киришга таянишингиз мумкин);
- Б) Маколадаги асосий атама ва тушунчаларга тавсиф беринг;
- В) Муаллиф хulosасини шакллантиринг.

7-топширик. Маколани таҳрир қилинг. Уни қай даражада қисқартириш мумкин деб ўйлайсиз? Уни амалда қисқартириб кўринг.

8-топширик. Мақоланинг аннотациясини тузинг.

9-топширик. Ҳудди шу типдаги бир мақолани (“Ўзбек тил ва адабиёти” журнали мисолида) юкоридаги андоза асосида тахлил қилинг.

«Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанидан мустақил ишлар мазмуни (20 соат)

1. Фолькор асарларини ўрганиш хусусиятлари

1-топширик.

1) Музайяна Алавиянинг «Ўзбек ҳалқ маросим фольклори. – Т; “Фан”, 1974. –222 бет. Китоб тахлили. Матнни ўқиш, унинг композициясини тахлил қилиш. Кириш, асосий кисм ва хulosани тахлил қилиш.

2) «Сўздан сўзнинг фарқи бор» (Т.Мирзаев) мақоласини ўқиш, унинг композициясини тахлил қилиш. Кириш, асосий кисм ва хulosани тахлил қилиш.

2-топширик. Матнга таянган ҳолда қўйидаги саволларга жавоб беринг:

А) Мақоладаги асосий илмий ғояни белгиланг.

Б) Мақоллар қандай тасниф қилинган? Мақолларни яна қандай тарзда тасниф қилиши мумкин деб ўйлайсиз?

3-топширик

Маколани мантикий-маъновий таркибиغا кўра тахлил қилинг. Бунда қўйидагиларга эътибор беринг:

6. Макола асосидаги асосий назарий пойдевор нималардан иборат?
7. Маколада масала қандай қўйилган?
8. Муаллиф олга сурәтган асосий илмий ғоя нималардан иборат?
9. Муаллиф ўз тезисларини қай тарзда асосламоқда?
- 10.Хулоса ўрнида қандай мулоҳазаларни билдириш мумкин?

4-топширик.

Маколани маъновий қисмларга ажратинг. Кўйидаги режа асосида мақоланинг мураккаб режасини тузинг:

I. Кириш...

II.....

1.

2.

III.....

1.

2.

3.

4.

IV. Хулоса...

5-топширик. Ҳар бир маъновий қисмларни тахлил қилинг. Асосий, кўшимча ва тақрорланувчи (асословчи ва тасдиқловчи) маълумотларни белгиланг. Реферат ёзища уларнинг қайси бирларидан фойдаланиш мумкинлигини асосланг.

6-топширик. Маколани таҳрир қилинг. Уни қай даражада қисқартириш мумкин деб ўйлайсиз? Уни амалда қисқартириб қўринг.

7-топширик. Мақоланинг аннотациясини тузинг.

8-топширик. Топишмоқлар, мақоллар ҳамда достонларни тегишли синфларда ўрганишга оид дарс ишланмасини тузинг.

9-топширик. Ушбу дарсда фойдаланиш учун тегишли слайдларни яратинг.

10-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг охирги икки йилида фольклорга алоқадор бўлган маколаларнинг қисқача аннотациясини тузинг.

11-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти таълими» журналининг охирги уч йилида фольклор асарларини ўрганишга алоқадор бўлган маколаларнинг қисқача аннотациясини тузинг.

2. Мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиши хусусиятлари

1-топширик. Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий ва Муқимий ғазалларидан биттасини комплекс тахлил қилинг.

2-топширик. Дастан талабларида кўрсатилган мумтоз ғазалларни ёддан айтишга тайёрланинг.

3-топширик. Мумтоз адабиёт намуналарини тахлил қилишга бағишлисанган энг янги китобларнинг 4тасигта такриз ёзинг.

4-топширик. «Навоий ғазалларида ранглар талқини», «Бобур шеъриятида юрт согинчи», «Мумтоз адабиётимизда баҳор тасвири», «Ғазалларда ошиқ изтиробининг ифодаланиши», «Шеърий санъатлар ва бадиий кашфиёт», «Умумий ўрта таълим мактабларида ғазал жанрининг ўрганилиши»,

«Академик лицейларда рубоий жанрининг ўрганилиши» мазуларидан бирида реферат тайёрланг.

5-топширик. Газаллар, туюклар, рубоилар тегишли синфларда ўрганишга оид дарс ишланмасини тузинг.

9-топширик. Ушбу дарсда фойдаланиш учун тегишли слайдларни яратинг.

10-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг охирги икки йилида мумтоз адабиётга алоқадор бўлган мақолаларнинг кисқача аннотациясини тузинг.

11-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти таълими» журналининг охирги уч йилида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишга алоқадор бўлган мақолаларнинг кисқача аннотациясини тузинг.

Янги ўзбек адабиётини ўрганиш хусусиятлари

1 - топширик. У.Норматовнинг «Янги ўзбек адабиёти» китобининг аннотациясини тузинг.

2- топширик. Ушбу китобдан дарс жараёнида кандай фойдаланиш мумкинлиги хақида ўқитувчилар учун методик тавсиялар тузинг.

3-топширик. Замондош адиларнинг асарларини тегишли синфларда ўрганишга оид дарс ишланмасини тузинг.

9-топширик. Ушбу дарсда фойдаланиш учун тегишли слайдларни яратинг.

10-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг охирги икки йилида янги ўзбек адабиётига алоқадор бўлган мақолаларнинг кисқача аннотациясини тузинг.

11-топширик. «Ўзбек тили ва адабиёти таълими» журналининг охирги уч йилида янги ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишга алоқадор бўлган мақолаларнинг кисқача аннотациясини тузинг.

12-топширик. Ўкувчиларнингизга муайян асар муаллифи ноига хат ёзиши ўргатмокчисиз. Бу ишни кандай бошлаган бўлар эдингиз? Ўзингиз муаллифлардан бири номига мактуб намунасини тайёрланг.

13-топширик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг охирги ойда чиккан шеър ва ҳикояларидан бир туркуми учун тақриз намунасини тайёрланг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ матбаа концерни, 1997.
2. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. – Т.: «Ўзбекистон», 1994.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Абдурахмонов Ф. Ойбек асрларининг тили ва услуби. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 28-32-бетлар.
5. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури, Т.: 2000.
6. Аульбекова Г. Риторические приёмы в работе учителя-предметника. Алматы, Таймас, 2006.
7. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
8. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы: Учебник.
9. Жамол Камол. Лирика. - // Адабиёт назарияси. Икки томлик, II том, Адабий-тарихий жараён, Тошкент, Фан, 1979, 237-238-бетлар.
10. Жўруаев К. Мактабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик кўлланмана. Т.: Ўқитувчи, 1974.
11. Зуннунов А. Эсонов Ж. Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992
12. Йўлдошев К. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1996.
13. Йўлдошев К. Ўқитувчи китоби. Методик кўлланмана. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслиги мажмуаси учун. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
14. Каримов Н. ва бошқалар XX аср Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи» 1999. Каримов Н. Ойбекнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти тарихидаги ўрни. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 3-6-бетлар– Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 3-6-бетлар
15. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент, Ёзувчи, 1996.
16. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавхид асрори. Тошкент, Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, 1999.
17. Львов М.Р. Словарь-справочник по методике русского языка. М.: Просвещение, 1988.
18. Матчонов С. Мактабда адабиётдан мустакил ишлар. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
19. Матчонов С. Китоб ўқиши биласизми? –Т.: Ўқитувчи, 1993.
20. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Тошкент, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.

- 21.Мирвалиев С. Ойбек-романнавис – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 10-13-бетлар
- 22.Мўминов F. – Ойбек ва ҳалқ оғзаки ижоди. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005
- 23.Мирқосимова М., Бадиий таҳлил усуллари (Методик тавсиялар). Муаллиф - Т.: 1993.
- 24.Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 20 томлик, -Т.: «Фан», 1990-2002.
- 25.Назаров Б. Ойбек ижодини ўрганиш муаммолари. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 6-10бетлар
- 26.Норматов У. Адибнинг университет даври ижодий тафаккуридаги эврилишлар. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005.
- 27.Кудратов Д. Руҳий дунё таҳлили. –Т.: «Хазина», 1995.
- 28.Куронов Д. Адабиётшуносликка кириши. – Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2004.
- 29.Расулов А. Биографик метод ва Ойбек ижодини ўрганиши масалалари. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 32-36-бетлар
- 30.Рахимжонов Н. Ойбек шеъриятида гўзаллик концепцияси. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 19-22-бетлар.
- 31.Сабирдинов А. Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари. Тошкент, Истиқлол, 2003.
- 32.Семёнов А.Н., Семёнова В.В. Вопросы и задания по методике преподавания литературы. –М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003.
33. Содиков Қ. Туркий матнинавислик тарихидан. - // Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. «Авесто», «Занд» китоблари. Сугд фалсафий-ахлоқий ёзма ёдгорликлари. Туркий матнинавислик тарихи. – Тошкент, Ёзувчи, 2000.
- 34.Тўйичев У. Ойбекнинг шеър узилиши – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маърузалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 36-38-бетлар.
- 35.Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили, Адабиёт, Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган талабалар учун) Таълим тарақкиёти. ЎзХТВнинг Ахборотномаси. 1-максус сон, Т.: Шарқ, 1999.
- 36.С.С.Файзуллаев, Д.Эргашев, А.Қурбонов,- Тошкент, ТДПУ, 2007
- 37.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент, А.Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти, 1993.
- 38.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, 2003.
- 39.Чўлпон. Адабиёт надир. –Т.: 1994.

- 40.Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, 1994.
- 41.Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, Ўқитувчи, 1979. 179-бет.
- 42.Ўзбек адабиётидан дарс турлари, Тузувчилар: Рафиев А. Фуломова Н. Келдиёров Р. –Т.: 1999. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлигининг «Олий ўкув юртлари профессор –ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўкув ишлари хажмини белгилаш учун мувакқат вакт меъёрлари ва ўкув-слубий, илмий тадқиқот ва бошқа ишлар асосий турларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 1998 йил 10 июлдаги 183-сонли бўйргути. – Олий таълим, Меъёрий ҳужжатлар тўплами, Тошкент, Шарқ, 2001.
- 43.Ҳаққул И. Ойбек – Навоийшунос. – Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Илмий конференция маъruzалари тезислари. Тошкент, Фан, 2005. 17-19-бетлар
- 44.Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўкув дастури. Таълим тараккиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-маҳсус сон
- 45.Хусанбоева Қ. Ўкувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т.: 2004, 11-12-бетлар
- 46.Kattabekov A., Yo'ldoshev Q., Boltaboyev N. Adabiyot. 8-sinf uchun (darslik-majmua). – Т.: O'qituvchi, 2001. - 448 b.
- 47.Shojalilov A., Toshmatova G., Matjonov S., Sariyev Sh. O'qish kitobi, 4-sinf uchun darslik, - Т.: O'qituvchi, 2003. -336 b.
- 48.Umumiy o'rta ta'lif muktabalarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi.- // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 4-Oktabr.
- 49.Umumiy o'rta ta'lif muktabalarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi.- // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 7-Oktabr.
- 50.Umumiy o'rta ta'lif muktabalarining 5-9-sinflari uchun Adabiyotdan o'quv dasturi.- // Ma'rifat gazetasi, 2006- yil, 11-Oktabr.
- 51.Yo'idoshev Q. «Adabiy saboqlar. 8». Umumta'lif muktabalarining 8-sinf «Adabiyot» darsligi uchun metodik qo'llanma. - Т.: Sharq, 2004. -- 160 б.
- Кўшимча адабиётлар**
1. Давронова Ш. Ўзбек шеъриятида Ойбек тимсоли. Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 6-сон 73-86-б.
 2. Зуннунов А. 4-10 синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиши». Ўқитувчилар учун методик кўлланма, - Тошкент, Ўқитувчи, 1974.
 3. Исокова Ш. Ойбекнинг «Навоий» романни таржимасида портрет тасвири. –Т.: Ўзбек тили ва дабайёти, 2005, 2-сон 41-44-б.
 4. Каримов Н. Обек ижоди XX асар ўзбек адабиёти кўзгусида. –Т.: Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 2-сон 3-13-б.
 5. Каримов Н. Ойбек, 1995.
 6. Назаров Б. XX асрда Ойбек ижодининг ўрганилиши ва методология муаммоларига бир назар. –Т.: Ўзбек тили ва дабайёти, 2005, 2-сон 13-25-б.
 7. Назаров К. Ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёрлари. –Т.: 1991.
 8. Педагогик тадқиқот усуслари. А.Зуннунов, А.Авлиёкулов. –Т.: 2002.

МУНДАРИЖА

Адабиётшуносликка оид маҳсус фанларни таълимнинг турли тизимида ўқитишнинг хусусиятлари. Курснинг мақсад ва вазифалари.	3
Ўқув режалари, уларда Мутахассислик фанларининг акс этиши, ўқув, методик, илмий – тарбиявий ишларни режалаштириш.	7
Машгулот режаси ва маъруза матнини тузиш, уларга қўйиладиган илмий методик талаблар	15
Маҳсус фанларни ўрганишда мустақил ишларни ташкил этиш усуслари	39
Фольклор асарларини ўрганиш хусусиятлари	48
Янги адаблар асарларини ўрганиш	58
Қадимги туркий адабиётни ўрганиш	68
Мумтоз асарларни ўрганиш	104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	107

25 – буюртма. 100 нусха. Ҳажми 7 б.т.
2008 йил 28 марта босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДГУ Ризографида
нашр қилинди.